

66.05  
III-19

Шакаров Ўқтам

# БОШҚАРУВ ВА РАҲБАР АҲЛОҚИ



ТОШКЕНТ-2020

65.05  
U1-19.

# ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚАРО ИСЛОМ АКАДЕМИЯСИ

Nº 0180044160110

# ШАКАРОВ ЎКТАМ БЕРДИБОЕВИЧ

**БОШҚАРУВ  
ва  
РАҲБАР АХЛОҚИ**

O'zbekiston n疆jaro  
idesta baxish quragi  
Axberot-resurs markazi  
Inv. № 62690  
20      yil

Тошкент – 2020

Бошқарув ва раҳбар ахлоқи. Монография / Шакаров Ўкташ Бердибоевич. – Тошкент: “Muharrir nashriyoti”, 2020. – 142 б.  
ISBN 978-9943-6586-3-9

Мазкур монографияда раҳбар ва бошқарувнинг ахлоқий сифатларини баҳолаш, танлаш, раҳбар фаолиятида учрайдиган низо ва ихтилофларни аниклаш ва уларни бартараф этиш, раҳбар ва ходимлар мулоқотидаги муаммоларни ҳал этишининг назарий-методологик тамойиллари ёритилган. Монография давлат хизматчилари, малака ошириш курслари тингловчилари, ижтимоий-гуманитар фан мутахассислари ва талабалари учун мўлжалланган.

**Масъул муҳаррир:**

Тўлқин Алимардонов, сиёсий фанлар доктори, доцент

**Тақризчилар:**

Ибодулла Эргашев, сиёсий фанлар доктори, профессор

Улуғбек Мухаммадиев, сиёсий фанлар номзоди

Фазлиддин Равшанов, сиёсий фанлар доктори

Монография Ўзбекистон ҳалқаро ислом академияси “Ислом иқтисодиёти ва ҳалқаро муносабатлар” факультети “Ижтимоий-гуманитар фанлар” кафедрасининг 2020 йил 4 январдаги 10-сонли мажлиси баённомаси билан маъқулланган ва нашрга тавсия этилган.

“Muharrir nashriyoti”, 2020 йил

**КИРИШ**

Жаҳон миқёсидағи бошқарув модернизацияси тараққиёти соғлом мухит, ўзаро ҳамкорлик, юқори ишлаб чиқариш ва юқори натижка билан белгиланмоқда. Айнан шу йўналишдаги туб ўзгаришларни амалга оширишда раҳбар шахсларнинг самарали фаолияти муҳим аҳамият касб этади. Чунки замонавий раҳбар зиммасидаги вазифаларни бажаришда нафакат этикет қоидаларига амал қилиш балки адолатли бошқарувни ташкил этиш ҳам устувор ўринни эгаллади. Бундай бошқарув қоидаларининг янги дараҷага кўтарилиганини нафакат сиёсий бошқарув тизимида балки айни пайтда ҳар бир раҳбарнинг ўз касбига бўлган лаёқатлилик белгисини ифода этмоқда. Умуман олганда, раҳбар субъектини, ахлоқий сифатларини юксалтириш, уларнинг адолатли бошқарувни ташкил этиш билан боғлик масалаларни ўрганиш тобора долзарб аҳамият касб этмоқда.

Бугун дунё ҳалқлари ниҳоятда ранг-баранг, шу пайтга қадар жаҳон ҳамжамияти ўз бошидан кечирмаган ёки аввал мисли кўрилмаган турли-туман мураккаб сиёсий жараёнлар ичida яшамоқда, ривожланмоқда. Одамларнинг сиёсий дунёқараси ва маданияти ҳам шунга мувофиқ тарзда ўзгармоқда. Бугун мустақил тараққиёт йўлини танлаган Ўзбекистон учун ҳам бундай ўзгаришларнинг таъсир ўtkазиши турган гап. Шу жиҳатдан, мустақиллик ийларида давлат бошқаруви органлари тубдан ўзгаририлди. Улар фаолияти мазмун-моҳиятида демократик ва бозор иқтисоди тамойиллари Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ўз ифодасини топди. Жумладан, “давлат ўз фаолиятини инсон ва жамият фаровонлигини кўзлаб, ижтимоий адолат ва қонунийлик принциплари асосида амалга оширади”<sup>1</sup>. Мазкур тамойилни таъминлашда давлат органлари раҳбарлари фаолиятида қатор масъулият ва жавобгарликнинг белгиланиши, фуқароларнинг давлат бошқарувидаги иштироки, фуқаролик жамияти асосларининг кенгайиб боришига хизмат килмоқда. Дарҳакиқат, ижтимоий адолатнинг ахлоқий категориялар ривожидаги ўрни катта, чунки у кўпинча умумий ахлоқнинг

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. –Тошкент: Ўзбекистон, 2017. –Б.7.

синоними деб ҳам тушунилади. Зеро, ислоҳотларнинг амалга оширилиши кўп жиҳатдан раҳбар кадрларнинг ўз ишига бўлган муносабатига боғлиқ. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев шундай дейди: “Танқидий таҳлил, катъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиб қолиши керак”<sup>2</sup>. Дарҳақиқат бугунги давр раҳбарлардан қатор ахлоқий сифатларни талаб қиладики, бундай талабларсиз раҳбар ўз вазифасини тўлақонли бажара олмайди. Зеро, раҳбар ахлоқи – бу маълум интизом ва тартиблар тизими сифатида бошқарув самараదорлигини оширишга хизмат қилувчи омиллар қаторига киради.

## I. РАҲБАРНИНГ АХЛОҚИЙ ФАЗИЛАТЛАРИГА ДОИР ТАЪЛИМОТЛАР

### 1.1. Раҳбар ахлоқий сифатларини шакллантиришнинг назарий ва методологик асослари

Раҳбар ахлоқий сифатларининг ўзига хос йўлларини ечишда биз этика фанига мурожаат қилишимизга тўғри келади. Жамиятнинг барча тараққёти давомида инсон ахлоқий сифатларини ўрганиш ва бошқариш ҳозирги куннинг амалий вазифаларидан хисобланиб келинганд. Маълумки, этика – бу ахлоқий таълимотлар мажмуи бўлиб, унинг асосий категориялари “эзгулик”, “саҳоват”, “адолат”, “виждон” “бурч” ва ҳоказо каби тушунчаларни қамраб олади. Этика одат, кўнікма, инсоннинг у ёки бу хатти-харакатлари тўғрисидаги энг яхши одат турларини ўргатади, тавсиялар беради. Бугунги кунда этика маҳсус фан сифатида фалсафадан ажralиб чиқди, аммо унинг предмети ахлоқ (ахлоқий қадриятлар) бўлиб хисобланади<sup>3</sup>. Мазкур тадқиқотда раҳбар фаолиятини мазмунини ифода этувчи мезонни биз ахлоқ категорияси нуқтаи назаридан ўрганишни мақсад килиб олдик. Инчунун, этика раҳбарнинг маҳсус соҳаси бўйича мутахассислигини ўрганишга қаратилса, ахлоқ барча соҳа ва тоифадаги раҳбарлар фаолиятига баҳо берувчи умумий мезондир. Шу нуқтаи назардан, ахлоқий қадриятлар оркали раҳбар ахлоқига доир умумий таълимотларнинг алоҳида ва хусусий хусусиятларини ўрганишга эътибор қаратдик.

“Ахлоқ” – инсон феъл-автори ва хатти-харакатининг энг камровли қисмини билдиради. Ахлоқни умумий тушунча сифатида олиб, уни доира шаклида акс этирадиган бўлсак, доиранинг энг кичик қисмини одоб, ундан каттароқ қисмини хулқ, энг қамровли қисмини ахлоқ эгаллайди. Одоб – инсон ҳақида ёқимли таассурот ўйғотадиган, лекин жамоа, жамият ва инсоният ҳаётида у қадар муҳим аҳамиятга эга бўлмайдиган, миллий урф-одатларга асосланган чиройли хатти-харакатларни ўз ичига олади. Хулқ – оила, жамоа, маҳалла-кўй миқёсида аҳамиятли бўлган, аммо жамият ва инсоният

<sup>2</sup> Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, катъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. –Тошкент. Ўзбекистон, 2017. –Б.6.

ҳаётига сезиларли таъсир кўрсатмайдиган ёқимли инсоний хатти-харакатларнинг мажмуи. Ахлоқ эса – жамият, замон, инсоният тарихи учун намуна бўла оладиган ижобий хатти-харакатлар йиғиндишидир<sup>4</sup>.

Миллий ва жаҳон тажрибасидан маълумки, бошқарув хизмати ва раҳбар фаолиятини ташкил этишда ахлоқ масалалари жуда муҳим аҳамиятга эга. Шунга кўра, ахлоқнинг нима сабабдан муҳим ўрин эгаллашини англаш учун “ахлоқ-одоб” тушунчасининг моҳияти ва хусусиятлари ҳақида қисқача тўхталиб ўтиш лозим. Амалда кўпинча “ахлоқ” сўзи “одоб” тушунчаси билан биргаликда қўлланилади. Таъкидлаш жоизки, айнан шу маънода “ахлоқ” ва “одоб” тушунчалари синонимлардир, аммо бу тушунчаларни ажратувчи нуқтаи назарлар ҳам мавжуд. Айнан этикада ахлоқ тушунчасининг умумий таърифи берилган, унинг тоифалари асосланиб, меъёрлари тавсифланган. Қуйидагилар шулар жумласидандир:

- ижтимоий онгнинг маҳсус шакли ва муносабатларнинг тури;
- шахс ёки инсонлар жамоасининг яхшилик ва ёмонлик, бурч ва виждан, ҳаётдаги мақсад ва интилишлар, манфаатлар ва ҳоказолар тўғрисидаги бир хил қарашлари;
- ижтимоий муносабатлар тури сифатида жамиятда объектив равишда мавжуд бўлган алоқаларни ўз ичига олган қарашлар тизими;
- ижтимоий алоқаларда аниқ ахлоқий тамойилларга, меъёрларга, жамоатчилик фикри, анъаналар, урф-одатлар, кўникмаларга асосланиш демакдир.

Фарб олимлари В.Черноскотов, И.Парфёнова, И.Ступаклар эса “ахлоқни инсоннинг амал қилиши лозим бўлган нормалар тартиби, муносабатларнинг ижтимоий шакли. Ахлоқ одамлар риоя этиши лозим бўлган инсонларварлик ғояларининг идеал ифодаси, у одамларни бирлаштириш, жисплаштириш, жамиятда барқарор ва адолатли муносабатларни таъминлашга қаратилган қадриятларида намоён бўлади”<sup>5</sup> деб таъкидлаганлар.

Бундай қарашлар қадимда Абу Наср Форобий ахлоқ тушунчасини кенг маънода талқин қилиб, дини, эътиқоди, ирқи, тилидан қатъи назар, барча инсонларни ҳамжиҳатлик ва ҳамкорликка

чакиради. Дунёда ягона ва бир бутун инсон жамоасини шакллантиришни, унинг барча фуқароларнинг манфаатларини кўзлаб фаолият кўрсатишини орзу киласади<sup>6</sup>.

Шунга ўхшаш ахлоқка нисбатан таърифни улуг маърифатларвар бобомиз Абдулла Авлоний “инсонларни яхшиликка чакиргувчи, ёмонликдан қайтаргувчи бир илмдур. Яхши хулқларнинг яхшилигини, ёмон хулқларнинг ёмонлигини далил ва мисоллар ила баён киладурган китоб ахлоқ дейилур. Ахлоқ илмини ўқиб, билуб амал килган кишилар ўзининг ким эканини, жаноби ҳақ на учун халқ қилганин, ер юзида нима иш қилмоқ учун юрганин билур. Бир киши ўзидан хабардор бўлмаса, илмни, уламони, яхши кишиларни, яхши нарсаларни, яхши ишларнинг қадрини билмас, ўз айини билуб, икror килуб, тузатмакға саъй ва кўшиш қилган киши чин баходир ва пахлавон кишидур”<sup>7</sup> деб таъкидлаган.

Ўзбекистон миллий энциклопедиясида ахлоқка куйидаги таъриф берилган: “кишиларнинг бир-бирларига, оиласга, жамиятга бўлган муносабатларида намоён бўладиган хатти-харакатлари, хулқатворлари, одоблари мажмуи. Ҳукуқдан фарқли равиша ахлоқ талабларини бажариш-бажармаслик маънавий таъсир кўрсатиш шакллари (жамоатчилик томонидан баҳо бериш, қилинган ишни маъкуллап ёки қоралаш) билан белгиланади. Инсоният тараққиётида ахлоқ муҳим ўрин тутади. Шарқнинг буюк мутафаккирлари инсонни ахлоқий камол топтириш, уни ҳар томонлама ривожлантириш, маънавий қиёфасини шакллантириш жамият тараққиётининг муҳим омилларидан бири, деб қарашган”<sup>8</sup>.

Шундай экан, ахлоқ – маънавий ҳаёт ходисаси, ижтимоий онг шаклларидан бири сифатида маънавият соҳасига оид тушунча. Кишиларнинг тарихан таркиб топган хулқ-атвори, юриш-туриши, ижтимоий ва шахсий ҳаётдаги ўзаро муносабат, шунингдек, жамиятта бўлган муносабатларини тартибга солиб турадиган барқарор, муайян меъёр ва қоидалар йиғиндиши. Ахлоқ, – деб таъкидлайди Ислом Каримов, – бу аввало инсоф ва адолат туйғуси, иймон, ҳалоллик дегани. Қадимги аждодларимиз комил инсон ҳақида

<sup>4</sup> Абдулла Шер. Ахлоқшунослик. Тошкент, 2007. –Б. 7.

<sup>5</sup> Черноскотов В.Е. Парфёнова И.Ю. Ступак И.М. Этика деловых отношений. Новосибирск: Изд-во СибАГС, 2008. –С. 9.

<sup>6</sup> Форобий А.Н. Фозил одамлар шаҳри. –Тошкент: Халқ мероси, 1993. –Б. 32.

<sup>7</sup> Абдулла Авлоний. Турхий гулистон ёхуд ахлоқ. Тошкент, 1917. –Б. 2.

<sup>8</sup> Ўзбекистон миллий энциклопедияси. –Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси давлат илмий нашриёти, 2009. А ҳарфи, 814.

бутун бир ахлоқий талаблар мажмумини, замонавий тилда айтсақ, шарқона ахлоқ кодексини ишлаб чикқанлар. Киши қалбидан ҳаромдан ҳазар, нопокликка,adolatcizlikka нисбатан муросасиз исён бўлиши керак. Шундай одамгина лафзини сақлайди, бирорнинг ҳаққига хиёнат қилмайди, садоқатли бўлади, ватани, ҳалқи учун жонини фидо этишга ҳам ўзини аямайди. Ахлоқ талаблари кишиларнинг феъл-атвори ва фаолиятида ўз ифодасини топади.

Ҳалқимиз ахлоқий тафаккур бобида бой меросга эга. Ахлоқка оид фикрлар – Авестода, қадимги туркий тош битиклар ва бошқа ёзма манбаларда ўз ифодасини топган. Бундан ташқари, ҳалқимиз орасида кенг тарқалган панднома ва одобномаларда, ҳалқ педагогикасида, диний-фалсафий рисолалар ҳамда алломалар меросида ахлоқ масалаларига кенг ўрин берилган.

Жумладан, буюк муҳаддис Имом Бухорий:

- ахлоқнинг яхши бўлиши;
- таомнинг покизалиги;
- ростлик;

- омонатта хиёнат қиласлиқ – мана шу тўрт хислатни Оллоҳ таоло сенга берган бўлсин, дунёвий ишлардан четда қолган бўлсанг ҳам, зарари йўқдир<sup>9</sup>, деб ёзади.

Ахлоқий масалаларни чукур ўргантган Ҳусайн Воиз Кошифий эса инсоннинг кадр-қіммати, унинг мол-мулки ёки ижтимоий келиб чиқиши билан эмас, балки маънавий қиёфаси, ахлоқий сифатлари билан ўлчанади, деб таъкидлайди. Бу гоя кейинчалик жаҳондаги кўплаб мутафаккирлар, жумладан, немис файласуфи И.Кант томонидан ҳам илгари сурилган. Бу ғоялар бугунги кунда ҳам муҳим аҳамиятта эга. Форобийнинг фикрича, юксак ахлоқий фазилатларга риоя қилган ҳолда ривожланаётган ҳар қандай давлат ўз фуқароларини, шак-шубҳасиз, баҳту саодат йўлига олиб чиқувчи кучдир. Инсон билимли ва намунали ахлоқ эгаси бўлгандагина ижобий хислатлари билан барчага ўрнак бўла олади<sup>10</sup>.

Т.Алимардоновнинг “ахлоқ кишиларнинг бир-бирига, оиласа, Ватанга, жамиятга бўлган муносабатларида намоён бўладиган хатти-

харакатлар йигиндицидир. Ахлоқ ҳар бир кишининг хулқини акс эттиради. Ахлоқнинг юксак даражада бўлиши жамият ривожига ижобий таъсир килади ёки аксинча, ахлоқсизлик жамият ривожини издан чиқаради. Ахлоқсиз шахснинг истиқболи бўлмаганидек, ахлоқсиз жамиятнинг ҳам истиқболи бўлмайди. Айни пайтда, ахлоқ жамиятнинг барча жабҳаларига кириб бориши ва унга жамият аъзоларининг амал қилиши ижтимоий, сўнгра хукукий муносабатларни вужудга келтиради”<sup>11</sup> дея таъкидлаши билан ахлоқнинг ижтимоий-сиёсий юкини очиб беради.

Бундан маълум бўладики, ахлоқ ҳар бир тарихий даврда ўзига хос тарзда талқин қилинган бўлса-да, бизнинг фикримизча, унинг негизида инсоннинг одоб-ахлоқи, муомаласи, ўз манфаатини ўзгалар манфаатидан устун кўймаслиқ, адолатпарварлиги ҳамда барча ижобий хатти-харакатлари ётади деб тасдиқлаш мумкин.

Ахлоқий фазилатлар инсонни яхшиликка чорлайдиган, ёмонликдан қайтарадиган ахлоқий қарашлар унинг доимий одати, амалий фаолиятига айланганини билдирадиган тушунча. У инсоний ахлоқ намуналарини ўзида мужассам этади ва маънавиятининг ўзагини ташкил этади. Маълумки, Шарқ ҳалқларининг маданияти, фалсафаси, дунёқарашида инсоннинг ахлоқий фазилатлари қадимдан улуғланиб келинган. Шу маънода, Шарқ ижтимоий фикри ва адабиётини ахлоқий фазилатлар қомуси дейиш мумкин. Шарқ мутафаккирлари – Имом Бухорий, Имом Термизий, Муҳаммад Мусо Хоразмий, Рудакий, Абу Наср Форобий, Абу Али ибн Сино, Абу Райхон Беруний, Ҳофиз Шерозий, Фузулий, Ҳусрав Дехлавий, Абдураҳмон Жомий, Алишер Навоий каби алломалар ахлоқий фазилатларни ўз илмий ва ижодий фаолиятларининг етакчи мавзуси деб билганлар<sup>12</sup>. Ахлоқий фазилатлар орасида адолатлилик, бағрикенглиқ, босиклик, вазминлик, вафдорлик, ватанпарварлик, вижданлилик, гўзаллик, диёнатлилик, дилбарлик, донолик, жасурлик, жавонмардлик, зийраклик, зеболик, заковатлилик, зукколик, иболилик, илмсеварлик, интизомлилик, ишчанлик, илтифотлилик, иффатлилик, камтаринлик, камарбасталик, кечиримлилик, латофатлилик, лафзи ҳалоллик, матонатлилик, муруватлилик, меҳр-

<sup>9</sup> Имом Исмонл Ал-Бухорий. Ал-адаб ал-муфрад. Тошкент: Ўзбекистон, 1990. –Б. 94.

<sup>10</sup> Маънавият: асосий тушунчалар изоҳи лутати. –Тошкент: Гофур Гулом НИМУ, 2009. –Б. 60.

<sup>11</sup> Алимардонов Т. Сиёсат ва ахлоқ. Тошкент: Фан, 2005. –Б. 9.

<sup>12</sup> Маънавият: асосий тушунчалар изоҳи лутати. –Тошкент: Гофур Гулом НИМУ, 2009. –Б. 65.

оқибатлилик, меҳрибонлик, меҳнатсеварлик, мўътадиллик, нафосатлилик, одиллик, орасталилик, олижаноблик, олийхимматлилик, очиққўллик, ростгўйлик, раҳм-шафқатлилик, сабр-бардошлилик, саҳоватпешалик, садоқатлилик, самимилик, тавозелилик, теран фикрлилик, талабчаник, тежамкорлик, улугворлик, фозилик, фидойлик, фаросатлилик, хушмуомалалик, хушфеълик, қаноатлилик, чидамлилик, шижаотлилик, ширинсуханлик, ҳаққонийлик, ҳалоллик, ҳәлилик, ҳожатбарорлик каби хислатлар инсонни улуғлади, юксалтиради, жамиятдаги муносабатларни ҳам мукаммаллаштиради.

Халқимиз ана шундай ахлоқий фазилатлар асосида ўзининг бетакор маънавий қиёфасига эга бўлиб келмоқда. Мустақиллик йилларида бу фазилатлар янгича маъно-мазмун билан бойиб, юксак маънавий тараққиётнинг энг муҳим омилларидан бирига айланмоқда.

Ахлоқий фазилатларнинг раҳбар фаолиятидаги ўрнини кўриб чиқишимиздан аввал раҳбар тушунчасига тўхталиб ўтсак.

#### Раҳбар:

- ўз фаолияти соҳасида юксак кўрсаткичларга (натижаларга) эришган (В.Парето);
- харизматик (М.Вебер);
- бошқалардан интеллектуал ва ахлоқий жиҳатдан устун бўлган (Дюверже);
- сиёсий муносабатларда энг фаол, ҳокимият учун интилаётган (Миллс); жамиятнинг ташкиллашган озчилиги (Г.Моска);
- биологик ва ирсий келиб чиқиши сабабли жамиятда юқори даражага эришган (Ницше);
- жамиятда юксак даражани этаглагани боис ижтимоий тараққиётга таъсири этувчи (Дюпре);
- жамиятда юқори мақом ва обрў-эътиборга эга бўлган кишилардир<sup>13</sup>.

Мутахассисларнинг фикрича, раҳбарлик расман мавжуд ташкилотда қарор топади, лидерлик эса психологик муносабатлар асосида вужудга келади. Раҳбарлик лидерликдан қонуний ўлчовларга

эгалиги, расмий ташкилот билан юзага келиши, хукук асосида функцияга киришуви билан фарқ килади.

Раҳбар деганда, раҳбар томонидан амалга оширилган ва оширилаётган ҳамда амалга оширилиши кўзда тутилган фаолият, ҳатти-харакатлар назарда тутилади. Шунга кўра, раҳбар бошқарувнинг асосий мазмунини ташкил этади. Бошқарувнинг инсониятга маълум учта асосий тури мавжуд:

- инсон акл-заковати ёрдамида асрлар давомида тартиблаштирилиб, маданий анъаналарга сингдирилган, яъни, табиийлаштирилган, ёзилмаган қонун-қоидалар ёрдамидаги бошқарув;
- бевосита тайинланган масъул шахслар ёрдамидаги бошқарув;
- қонунлар, қўлланмалар, қоидалар каби ёзма хужжатлар ёрдамидаги бошқарув<sup>14</sup>.

Ф.Равшанов ўз тадқиқотларида раҳбар тушунчасига “Раҳбар – йўлбошчи, йўл кўрсатувчи, раҳнамо, сардор, бошлиқ, амалдор”<sup>15</sup> деб таъриф беради. Н.Боймуродов эса, “раҳбар - устоз, мураббий, раҳбар - миллат тарбиячиси, абадиятга дахлдор шахс. Унинг машакқатли меҳнати натижаси ўларок келажагимиз ворислари камол топиб боради”<sup>16</sup>, дейди.

Мазкур таърифлардан хулоса қилиш мумкинки, раҳномалик ва устозлик қилиш учун шахс маълум ахлоқий сифатларга эга бўлиши лозим. Зоро, бошқарувда раҳбарнинг ўрни бевосита унинг маънавиятига боғлиқ деган хулосага келамиз. Шундай қилиб, раҳбар маънавияти – раҳбарнинг шаклланган (ички) руҳий куввати хисобланади. Унинг маънавий-психологик маданияти аждодлар ибратига асосланиб, қадрият даражасида қадрланадиган, шахс маънавий оламини тартибга соладиган, кўнинка даражасига етган хиссий билимлар мажмуудир. Раҳбар ўз раҳбарлик салоҳиятини такомиллаштириши учун маънавий оламини бойитувчи билимларни эгаллаши зарур. Раҳбарнинг маънавий мулкига айланган билим унга хошиш-истакларини чегаралай билиш, ўзини ташки тазиик ва таъсирилардан химоя қилишга восита бўлади. Яъни, маънавий

<sup>13</sup> Маънавият: асосий тушунчалар изоҳи лутати. –Тошкент: Фоур Гулом НИМУ, 2009. –Б. 604.

<sup>14</sup> Маънавият: асосий тушунчалар изоҳи лутати –Тошкент: Фоур Гулом НИМУ, 2009. –Б. 604.

<sup>15</sup> Равшанов Ф. Миллий раҳбаршумослик: тарих ва тажриба. –Тошкент: Академия, 2007. –Б.18.

<sup>16</sup> Боймуродов Н. Раҳбар психологияси. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2016. –Б.18.

жихатдан баркамол раҳбар ҳар қандай ижтимоий-психологик мұхитда ўзини тута билиб, ўзи раҳбарлық қилаёттан жамоада соғлом мұхит яратыш ва инсонларга самимий мұносабатда бўлишдан қониқиб яшайди. Матьнавияти юксак раҳбар жамиятдаги ёмонлик, адолатсизлик, қонунбузарлик, Ватан манфаатларига зид хатти-харакатларга қарши курашда ирода, шиқоат ва фаоллик кўрсата олади.

А.Бегматов раҳбарларни маънавий-психологик маданияти даражаси нуқтаи назаридан бир неча тоифага ажратади:

- маънавий савиаси нисбатан паст шаклланган раҳбарлар. Бундай раҳбарлар оддий ахлоқий-рухий фазилатлардан маҳрум, жамият маънавий меъёрларини тушуниб етмайдиган ва уларни менсимайдиган шахслардир;

- маънавий маданияти, ахлоқий даражаси паст бўлиши билан бирга, жамоат фикри, оила, ҳалқ анъаналари ва бошқа қадриятлар билан боғлик психологик мұхитни бузувчи раҳбарлар;

- ахлоқий меъёрларни ҳаётий зарурат сифатида ички ишонч ва туйғу билан ўзлаштиримай, уларни кўр-кўrona қабул қилувчи раҳбарлар. Бундай раҳбарлар назарий жихатдан юқори билимга эга бўлади, амалда эса бу билимларни қўллай олмайди ёки уларда ташкилотчилик қобилияти етишмайди;

- руҳан заиф, маънавий маданияти анча юқори бўлса-да, адолатсизликни ўткир ҳиссиёт билан қабул қиласидиган раҳбарлар. Уларда ахлоқий билимлар етарли, аммо уларни намоён қилиш учун ташаббускорлик, мустақиллик ва шиқоат етишмайди;

- маънавий маданият ва сиёсий-психологик билимларни етарли даражада эгаллаган, ташаббускор, шиқоатли раҳбарлар<sup>17</sup>.

Бугунги кунда раҳбар шахсининг давлат ва жамият ривожидаги ўрни ва роли, зыммасидаги вазиға ва масъулият кўлами янада ошиб бормоқда. Йирик бошқарув тизимининг вужудга келиши, унинг мураккаб бўгинларининг пайдо бўлиши, жамият талаб ва эҳтиёжларининг ўсиб бориши раҳбар фаолиятининг ахлоқ ва адолат тамойилларини институционал тарзда шакллантириш ҳамда унинг ҳукукий асосларини кенгайтириш заруратини туғдирмоқда. Зеро,

бошқарувда адолатни таъминлаш билан жамият барқарорлиги таъминланишига эришилади. Ахлоқ ва адолат тамойиллари бошқарувда нафақат моддий бойликларни кўпайтириш, балки тақсимлаш, тасарруф этиш масалалари асосий вазифалар қаторига киради. Айни пайтда у раҳбар фаолиятининг функционал вазифалари меъёрини белгилайди. Шу нуқтаи назардан, “раҳбар ахлоқи давлат ҳокимияти фаолиятининг ҳукукий асосларида намоён бўлиб, унинг легитимлигини ташкил этади. Ҳокимиятнинг легитимлиги фуқаро эркинлиги ва ҳукукини таъминлашни бош мақсад қилиб олган давлатта нисбатан кўлланилади. Айни пайтда, раҳбар ахлоқи ҳокимият тарафидан жамият неъматларининг адолат ва тенглик тамойиллари асосида тақсимоти, амалга оширувчи воситаларининг самарадорлигига асосланади<sup>18</sup> деб таърифлайди Т.Алимардонов.

Раҳбар фаолиятининг ижтимоий функцияси фуқаролар олдида жавобгар ва масъул шахс мақомини юклайди. Мазкур мақомнинг ҳукукий асоси жумладан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясида “Давлат ҳалқ иродасини ифода этиб, унинг манфаатларига хизмат килади. Давлат органлари ва мансабдор шахслар жамият ва фуқаролар олдида масъулдирлар”<sup>19</sup> деб белгиланган. Мазкур вазифаларни бажармаслик нафақат ҳукукий, балки ахлоқ масаласи доирасига киради. Шунингдек, “ҳалқ давлат органларига эмас, давлат органлари ҳалқка хизмат қилиши керак”<sup>20</sup> деган принцип барча бўғиндаги раҳбарлар фаолиятида асосий қоидага айланиши керак деган норманинг белгиланиши ҳам масаланинг мухимлигини билдиради. Лекин, муаммонинг долзарблиги шундаки, раҳбар фаолиятининг самара ва натижаларини назорат қилувчи ҳукукий меъёрлар белгиланган бўлса-да, уларнинг ахлоқий мұносабати норматив талаблар қаторига киритилмаган. Яъни, амалга оширилган ишлар самараси эришилган натижаларининг даражаларига кўра баҳоланса-да, унинг ахлоқий мезонлари қандай бўлади? Масалан, тадбиркор раҳбарни кўполлиги ёки зуғум ва зўравонликка мойил бўлганлиги, билимли раҳбарни адолатсиз,

<sup>17</sup> Бегматов А. Маънавият ва бошқарув // Жамият ва бошқарув. – Тошкент, 2004. №2. –Б. 24-25.

<sup>18</sup> Ўзбекистон Республика Конституцияси. –Тошкент: Ўзбекистон файласуфлари миллӣ жамият нацириётӣ, 2010. –Б. 33.

<sup>19</sup> Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. –Тошкент: Ўзбекистон, 2017. –Б. 4.

<sup>20</sup> Мирзяев Ш.М. Конституция – эркин ва фаровон ҳаётчилик, мамлакатимизни янада тарақкий этиришининг мустаҳкам пойdevоридир. Тошкент: Ўзбекистон, 2018. –Б.27.

таъмагирлиги, мулойим раҳбарни кўзбўямачи-айёр ва ваъдабозлиги, сўзамол, хушбичим, сергайрат, улдабурон раҳбарни лўттибоз, хиёнатчи бўлганлиги учун қандай қилиб хукукий меъёрлар асосида жавобгарликка тортиш мумкин? Ёки шундай салбий сифатларга эга шахсларни аниқлаш, раҳбарлик вазифаларидан четлаштириш, аксинча, етакчилик салоҳиятига эга, фидойи раҳбарларни танлаш, уларни раҳбарлик вазифаларига тавсия қилиш, турли бўхтонумаломатлардан ҳимоя қилишнинг қандай хукукий-ахлоқий мезонлари бор?<sup>21</sup> Демак, раҳбар ўз вазифасини нафақат ижро этиши, балки уни қандай ижро қилиши ҳам муҳим масала. Раҳбарнинг касбий салоҳиятидан ташқари унинг шахсий сифат ва фазилатларини белгиловчи ёндашувлар шаклланмоғи лозим. Дарҳақиқат, раҳбар деганда муҳим вазиятларда маъсулиятли қарор қабул қилиш хукуқига эга деб топилган гуруҳ аъзоси, кўпроқ авторитетга эга бўлган шахс, биргаликдаги фаолиятни ташкил этишда реал марказий ролни ўйновчи ва гуруҳдаги ўзаро муносабатларни бошқарувчи инсон тушунилади.

Раҳбар ахлоқи – жамиятда қонунларнинг инсонпарварлигини таъминловчи маънавий омил сифатида намоён бўлади. Раҳбарнинг ахлоқи бевосита унинг маънавиятига боғлиқ ҳодиса. Ахлоқ раҳбарга маъсулият юклайди. Раҳбар ахлоқини шакллантириш учун ижтимоий фаолият ва унга таъсир этувчи хукукий омилларни аниқлаш лозим бўлади. Раҳбар ахлоқли бўлиши учун муаммолар сабабини эмас, оқибатини инобатта олиш зарур. Ахлоқ раҳбар фаолияти учун асосий мезонга айланганда адолатли бошқарув ташкил этилади. Ахлоқий қадриятлари заиф бўлган раҳбар адолатли бошқарувни ташкил этиш имкониятига эга бўлмайди. Қолаверса, бундай фазилатлардан маҳрум раҳбар адолатга асосланиш лозим, деб билмайди.

Мазкур таҳлилий муаммоларни тадқиқ қилганимизда, раҳбар ахлоқи ўз хизмат вазифасига маъсулиятли, садоқатли, ҳалол ва адолат билан ёндашиши, ватанпарварлик ва инсонпарварлик ғояларига содик бўлиши, ҳалқ манфаатларини устувор бўлиши, янгиликка, ташаббусга, эзгу мақсадларга интилиши ва бунда матонат, жасорат намуналарини намоён қилишида ифодаланади.

<sup>21</sup> Алимарданов Т. Раҳбарнинг ахлоқий қиёфаси. – Тошкент: Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти нашриёти, 2010. – Б. 53.

Тарихий тараққиёт тажрибалари шуни кўрсатмоқдаки, инсонлар моддий эҳтиёжларини ўз маънавий дунёси билан уйғулаштиргандагина жамиятда ахлоқий қадриятлар қарор топиб боради. Шундай экан, бошқарувда, жумладан, раҳбар фаолиятида ахлоқ асосий мезон сифатида қўйилар экан, адолатли бошқарув, ҳалқнинг фаровонлиги таъминланади. Шундай қилиб айтиш мумкинки, раҳбарнинг фаолияти миллий ахлоқий қадриятлар асосида ташкил этилиши давлатнинг барқарор истиқболини таъминлашга хизмат қиласди.

Раҳбарнинг шахсий сифатлари сиёсат соҳаси тадқиқотчиларнинг доимий дикқат марказида туради. Раҳбарнинг ахлоқий сифатлари унинг тавсифини шакллантиришда муҳим ҳисобланади. Раҳбар ахлоқий сифатларини ўрганиш ва унга қарши бўлган ғояларни жамиятда асослай олиш асосидагина бартараф этиш мумкин бўлади. Бу ҳолат эса ўз навбатида давлат раҳбарларининг ахлоқий сифатларини ҳар томонлама ўрганиш, ҳулқ-атворини кузатиб боришни талаб этади.

Бошқарувда адолат, тенглик ҳамда жамият неъматларини тўғри тақсимлаш, меҳнат ва интеллектуал салоҳиятларни табақалаштириш каби тамойилларга қаратилган қонунларнинг амалий натижаси сиёсий ахлоқни таъминловчи мезон бўлиб ҳисобланади. Яъни, адолат давлат тизимининг барча бўтиналарида ўз ифодасини топиши раҳбар фаолиятининг ахлоқийлигини кафолатлади. Бу борада Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти И.А. Каримовнинг – “Биз шунчаки демократик давлат эмас, балки адолатпарвар демократик давлат қуришга интиляпмиз. Адолатта интилиш – ҳалқимиз маънавий-рухий дунёсига хос энг муҳим ҳусусият. Адолатпарварлик ғояси бутун иқтисодий ва ижтимоий муносабатлар тизимиға сингиб кетиши, ижтимоий кўмаклашув механизмида ўз аксини топиши керак”<sup>22</sup>, деб жамият ва давлат ўргасидаги ахлоқий муносабатларнинг назарий моҳиятини очиб беради. Яъни, демократик жараёнларнинг ахлоқий асосларини ривожлантиришда, авваламбор инсон манфаатларини таъминлашга қаратилган хукукий асосларнинг қарор толтирилишига ахамият берилади.

<sup>22</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чукурлаштириш йўлида. – Тошкент: Ўзбекистон, 1995. – Б. 250.

Адолат – ижтимоий-фалсафий, ахлоқий ва ҳукуқий тушунча бўлиб, кишилар ижтимоий-сиёсий онгига катта роль ўйнайди. Муайян ижтимоий гурухлар ва айрим шахсларнинг тушунчаларини ўзида акс эттиради. Сиёсий хатти-харакатлар, ҳукуқ ва бурч мөъёллари, ахлоқий муносабатлар, меҳнат ва тақдирланиш, жиноят ва жазо, хизмат ва уни тан олиш, қадр-қимматни эътироф қилиш ва ҳоказоларга мазкур тушунча орқали баҳо берилади. Адолат тушунчаси муайян тарихий шарт-шароит ва ижтимоий-иқтисодий муносабатлар билан белгиланади. Адолатнинг ижтимоий-фалсафий жиҳати жамият аъзоларининг ҳилма-ҳил муносабатларидағи ўзаро тенглигини назарда тутади. Ахлоқий жиҳати инсонлароро муомалада бир хил муносабатда бўлишини, бир-бирининг иззат-нафсига тегмасликни, ахлоқ-одоб қоидаларига амал қилишни билдиради. Адолатнинг ҳукуқий томони қонунларга риоя этишни, сиёсий томони эса давлатни адолат қоидалари асосида бошқаришни, фуқаролар ғамини ейишни англатади. Ривожланган жамиятда адолат кишиларнинг демократик қонунлар асосида иш юритишини тақозо этади, унда ҳар бир одам ўз меҳнати, тадбиркорлиги, ақл-заковати туфайли топган мол-мулки ҳисобига яшайди. Давлат ўз фаолиятида фуқаролар томонидан адолат қоидалари ва қонунларга амал қилинишини назорат этади, жамият аъзоларининг мол-мулки дахлсизлиги ва қонун олдида тенглигини таъминлайди<sup>23</sup>.

Бир пайтлар бобомиз Ҳусайн Воиз Кошифий адолатга шундай таъриф берган эканлар: “Адолатнинг маъноси ҳалқнинг ҳукуқий тенглигини таъминлашдир. Адл шундай зийнатдирки, у мамлакатга оройиш беради, бир қуёшки, унинг нури билан зулмат ёруғликка айланади.

Ҳадисда ёзилишича, бир соатлик адолат тарози палласи олтмиш мукаммал ҳаждан оғирроқ экан. Негаки, ҳажнинг натижаси, яъни фойдаси ҳожилардан ўзга кишига бўлмайди, адолат фойдасидан эса каттаю кичик манфаатдордир. Дин ва давлатнинг ривожи ва шавкати унинг баракатидан барқарор бўлади, мулку миллат асбоби унинг ёрдами билан тўғри бўлади. Адолатнинг савоби чегарасиздир ва ақл

киёсидан ташқаридир”<sup>24</sup>. Дарҳакиқат, адолат – бу инсон учун ижтимоий эҳтиёж ва зарурат. У шу туйгу асосида муносабатлар мувозанатини таъминлайди, тартибга солади, тенглик, тинчлик, барқарорликни кафолатлайди, орттирган неъматларини тақсимлайди, ғамхўрлик, муруват ва саҳоват кўрсатади, ўз шаънини ҳимоя қилади, ҳоҳиш-истакларини рӯёбга чиқаради, эркинлик ва озодликдан манфаатдор бўлиб яшайди. Адолат – бу ҳакиқатнинг ифодаси. Адолат – бу ҳакиқат тимсоли, ахлоқий туйғуларимиз ифодаси. Бу туйгу бизнинг фикр ва фаолиятимизни белгилайди, мақсадларимизни равшан қилади, орзуларимиз сари етаклайди. Адолат инсоннинг маънавий олами, унинг мавжудлиги билан боғлиқ ходиса.

Жамиятда фуқароларнинг ижтимоий муносабатлари адолат ва адолатсизлик тўғрисидаги тушунча ҳамда тасаввурларини ифода этади. Аммо энг муҳим масала адолат субъекти қонунлар, институтлар ва ижтимоий тизим фаолиятида қандай механизмлар асосида, қандай ҳукуқий ҳамда маънавий мезонлар билан белгиланишидадир. Шу жиҳатдан олиб қаралганда, конституция асосида жамиятнинг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий-маънавий курилиши ҳал қитувчи аҳамият касб этади. Эркин фикр, эркин эътиқод, ҳак-ҳукуқ, эркин бозор, хусусий мулкнинг қонун билан ҳимоя қилиниши ижтимоий институтларнинг ўзагини ташкил қилади. Уларнинг барчаси муайян бир тизимда турли манфаатлар ҳамда қарашларга эга бўлган фуқароларнинг ҳукуқ ва мажбуриятлари тақсимотини амалга оширади, хаётий истиқболларига ўз таъсирини ўтказади. Фуқаролар мазкур институтлар орқали жамиятда ижтимоий мавқеларини топади, мустаҳкамлайди ва кафолатлайди. Бу борада Форобийнинг фалсафий қарашлари мазкур муаммолар моҳиятини очишга хизмат қилади. Жумладан, у шундай дейди: “Яхши бошқарув яхши қонунларга боғлик, ёмон бошқарув – ёмон қонунларга боғлик, етук бошқарув – етук қонунларга боғлик”<sup>25</sup>. Агар қонунлаштириш эркинлик билан ихтиёрий амалга оширилса, у ҳолда бўйсуниши ва иштагат ҳам фуқаро томонидан хайриҳохлик ва қувонч билан қабул қилинниб; ўзоқ муддат Ахборот-резюме маркази 62690

<sup>23</sup> Ўзбекистон миллий энциклопедияси. –Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси Даълат илмий нашриёти, 2009. –Б. 196.

<sup>24</sup> Ҳусайн Воиз Кошифий. Ахлоқи Муҳимиш. –Тошкент: Ўзбекистон, - 2011. - № 14. - 67.

<sup>25</sup> Форобий Абу Наср. Фозил одамлар шаҳри. –Тошкент: Халқ мөроси, 1993. –Б. 33.

давом этади<sup>26</sup>. Дарҳақиқат, давлат ва жамият муносабатлари фуқароларнинг бурч ва садоқат туйғулари орқали мустаҳкамланади ҳамда ягона мақсадга хизмат қилади. Бурч ўзаро мажбуриятлар тизимини яратиб, белгиланган қонунларга, меъёрий ҳужжатларга, тартиб-интизомга фуқароларнинг ихтиёрий итоатига олиб келади.

Бундай юксалиш инсоннинг жамиятда адолатли давлатчилик асосларини яратишга бўлган эҳтиёжини вужудга келтиради. Давлат инсоннинг адолат туйғуларини амалда рўёбга чиқарувчи, таъминлаб берувчи, кафолатловчи восита сифатида намоён бўлади. Давлат инсонни ижтимоийлик даражасига олиб чиқади, қавм, уруг, қабила, миллиат, ҳалқ эҳтиёжи ва манбаатларини уйғулаштиради, муросаю мадора доирасида кишилик жамиятининг мавжудлигини таъминлайди. Натижада инсоннинг адолат туйғуси индивидуал ҳолатдан ижтимоий дараҷага кўтарилади ва давлат бошқарувининг моҳият-мазмунини белгилайди.

Форобийнинг фикрига кўра, ҳокимлар доно устоз, гамхўр мураббий бўлган оила бошлигига ўхшашлари лозим. Форобий ахлоқий хислатларга ўоят катта аҳамият беради. Ҳоким Форобий айтганидек, жуда ақл-заковатли бўлиши, ҳақиқатни ва ҳақиқат учун курашувчиларни севиши, ёлғон ва ёлғонга олиб келадиган шартшароитларни аниқлаши билан йўқотиши лозим, яъни “табиатан адолатни ва адолат учун курашувчиларни ҳурматлаш, адолатсизлик ва зулмни ҳамда яна шуларга сабаб бўлувчи кишиларни ёмон кўриш; одил бўлиши, қайсаарлик қилмаслиги, адолат хусусида ўз бошимчалик ва инъиқлиқ қилмаслиги, ҳар қандай адолатсизлик ва тубанлик олдида тамомила событлик илиш тутиши; ўзи зарур деб топган нарсани рўёбга чиқаришда қатъият кўрсатиши ва айни чоқда жасур, мард бўлиши, қўрқув ва журъатсизлик нима эканлигини билмаслиги лозим”<sup>27</sup>. Ана шундай доно ҳокимнинг бўлмаслигини Форобий давлат учун жуда катта фалокат деб билар эди.

Ш.Тўраевнинг ижтимоий адолат тушунчасига берган таърифлари фикримизни тўлдиради. Жумладан, ижтимоий адолат туйғуси умумийлик хусусияти билан ҳар бир кишининг манбаатига мос тушадиган қоидалар мажмуuidир ва бунинг воситасида ҳар бир

<sup>26</sup> Форобий Абу Наср. Фозил одамлар шахри. –Тошкент: Халқ мероси, 1993. Б. 31.  
<sup>27</sup> Форобий Абу Наср. Фозил одамлар шахри. –Тошкент: Халқ мероси, 1993.

киши давлат билан муносабатга киришади. Демак, ижтимоий адолат фуқаролар ва давлат ўртасидаги алоқа воситасидир<sup>28</sup>. Ижтимоий адолат, ҳокимият фаолиятини, қонунларда инсонпарварликни, маънавий ҳаётда ахлоқийликни ифода қилиши билан сиёсий манбаатлар мувозанатини таъминловчи мухим омил сифатида намоён бўлади. У реал воқеликка таъсир кўрсатади, йўналтиради, мажбурлайди, рағбатлантиради. Давлат органлари, барча ишлаб чиқариш муносабатлари, иқтисод, молия, сиёсат ва ҳукуқий асосларни жамият манбаатларига муносиб тарзда уйғулаштиришга, тартибга солишга хизмат қилади. Демак, ижтимоий адолат давлат ва жамият ҳаёти мувозанатини таъминловчи, истиқбол ривожини белгиловчи, фуқаролар эркинлигини рўёбга чиқарувчи асосий мезон. Ижтимоий адолат жамиятда турли қараш ва маслакдаги интилишлардан фарқли ўларок фуқароларнинг ўзаро ҳамкорлигини мустаҳкамлайди.

Ижтимоий адолат тамойиллари томонларнинг ўзаро битимлари ва шартномалари асосида амалга оширилади. Адолатли жамият ўзини-ўзи кўллаб-кувватлаш энергиясига эга бўлади. Бундай манба жамият аъзоларида адолат туйғуларини уйғотиш билан белгиланган тартиботларга ҳамоҳанг ҳаракат жавобини қайтариши орқали таъминланади. Агар жамиятнинг усткурмаси адолат тамойиллари асосида қурилса, унинг фаолияти адолатта бўйсунади ва бундай шаффоф оқим улкан тўлкин сифатида жамиятнинг барча ҳаётини камраб олади.

А.Холбековнинг фикрига кўра, ижтимоий адолат – шахснинг жамиятта етказадиган ижобий хиссалари (мехнати, хизмати), шунингдек, салбий таъсири (жиноят, зарар) ва жамиятдан оладиган рағбатлантирувчи-жазоловчи омилларнинг (жазолар, жарималар) ўзаро мувофиқлиги меъёридир. Ижтимоий адолат жамиятда мумкин қадар кўпроқ одамларга ривожланишининг фундаментал манбаларини – моддий неъматлар, тиббиёт хизмати, уй-жой, таълим, маданий неъматларни етказиб бериш орқали ижтимоий-сиёсий барқарорликни таъминловчи демократик қадриятдир<sup>29</sup>. Аммо демократик

<sup>28</sup> Тўраев Ш. Демократик жамият ва ижтимоий адолат. –Тошкент: Академия, 2012. –Б. 86.

<sup>29</sup> Холбеков А., Матибоев Т. Ижтимоий адолат ва демократия: барқарор тараққиёт йўлида. –Тошкент: Янги аср авлоди, 2004. –Б. 32.

қадриятларни факат қонун кучи билан адолат тамойилларига бўйсундириб бўладими? Тўғри, назарий жиҳатдан қонун адолат мезони, қонунга риоя этиш адолатлилик, адолатсизликни чегаралайди. Амалиётда, бизнингча, қонун ва адолат ўртасида айрим зиддиятлар мавжуд. Жумладан, адолат бу ахлоқий тушунча, қонун эса, сиёсий ҳокимият манфаатига бўйсунади. Зиддиятлар шундан иборатки, жамиятнинг маънавий заифлик ҳолатларида фуқаролар адолатдан қонунийликни эмас, ўз манфаатларини ахтарадилар. Тор ва шахсий манфаатлар эса, қонунни бузиш ёки айланиб ўтиш эвазига қондирилади. Бошқача қилиб айтганда, турли манфаатлар даражаси адолатга асосланмагач якка тартибда, кимки моддий имкониятларга эга бўлса, у неъматларга эришади. Адолат туйгуси шаклланмаган жамиятда қонунлар билан жамият фаолиятини ташкил этиш, фуқароларни маълум мақсадлар сари сафарбар қилиш оғир кечади. Бундай ҳолларда ҳокимият адолатни (тengлиknii) бузиш эвазига жамият тартиботларини таъминлашга мажбур бўлади. Бу ўз ўрнида, хукуқий муносабатларнинг издан чиқишига, фуқароларнинг ҳам шу тартибдаги низомсиз ҳаёт тарзига олиб келади.

Шубҳасиз, миллий давлатчилик бошқарувини замонавий мамлакатлар қаторида шакллантириш, республикада амалга оширилаётган ислоҳотларга мос тарзда ташкил этиш борасида сезиларли натижаларга эришилди, шунга хос мутахассислар ҳам тайёрланмоқда. Шу эҳтиёжларга жавоб бера оладиган назарий ва амалий воситаларни такомиллаштириш ҳамда кундалик турмушда амалий тамойилларини жорий этишини талаб қиласди.

Шундай экан, мавзумизнинг хulosаси сифатида шуни таъкидлаш лозимки, демократик қадриятларни ўзида мужассамлаштирган ахлоқ, раҳбар маънавияти ва ахлоқи, адолат, tengлик, масъулият, интизом, фуқаролик позицияси, ватанпарварлик, садоқат, миллий ва умуминсоний қадриятларни англаш ва ижтимоий турмушда унинг амалий ифодасини қарор топтириш, яъни, эркин ва тенг яшашга бўлган интилиш, бошқаларнинг ҳам эркинликка бўлган интилишини хурмат қилиш, меҳнат интизомига риоя этиш, қонуларга амал қилиш рағбати, шахсий манфаатларни умумий манфаатлар билан уйғунлаштиришга эришиш, мамлакат, эл-юрт тақдирига масъул бўлиш, миллий манфаатларни устун билиш каби

гояларнинг жамият ва давлат миқёсида маълум ижтимоий нормалар орқали ташкил этилиши, йўналтирилиши, бошқарилишига эришишимиз лозим.

## 1.2. Марказий Осиё мутафаккирларининг раҳбар ахлоқига доир қарашлари

Марказий Осиё қадимдан илм-фан ривожланган ва юксак чўққиларга эришган худуд хисобланган. Мазкур ривожланиш асосида миллий давлатчилик тарихида раҳбар ахлоқи мезонлари, жамият бошқарувининг ноёб тарихий, адабий манбалари яратилган. Мазкур қадриятлар миллий давлатчилигимизнинг пойдевори бўлиб, уни ўрганиш, татбиқ этиш, замонавий давлатчилик талаблари билан уйғунлаштириш миллиатимизнинг ўзига хос анъаналарини ривожлантириш имкониятларини янада кенгайтиришга хизмат қиласди.

“Хозир Ўзбекистон деб аталувчи худуд, яъни бизнинг Ватанимиз нафақат Шарқ, балки умумжахон цивилизацияси бешикларидан бири бўлганини бутун жаҳон тан олмоқда. Бу қадимий ва табаррук тупроқдан буок алломалар, фозилу фузалолар, олимум уламолар, сиёsatчилар, саркардалар етишиб чиқсан. Диний ва дунёвий илмларнинг асослари мана шу заминда яратилган, сайқал топган”<sup>30</sup>, деб таъкидлаган эди Биринчи Президентимиз И.А.Каримов. Дарҳақиқат, Мовароуннахрда пайдо бўлган улкан маданий мерос инсоният тарихи ибтидосида энг дастлабки ҳамда қадимий маданият сифатида давлатчилик ташкил топшишининг ахлоқий асосларини яратишга хизмат қилган. Айни пайтда, мустақиллигимиз шарофати билан миллий-маънавий меросимизни ўрганиш имконияти ҳалқнинг тарихий хотирасини тиклашда, давлатчилик маданиятимизни ўзлаштирган сари руҳан ва маънан соғлом ҳамда бакувват бўлишда, олдимизда турган мақсадларимизни амалга оширишда фаол бўлишимизга хизмат қилмоқда. Зоро, миллат руҳияти кучли бўлсагина, давлат тараққёти ва истиқболи порлоқ бўлади. Шундан келиб чиқиб, қўйида Мовароуннахр худудидаги ахлоқий қадриятларга доир таълимотларнинг ривожланиш босқичларининг ифодасини берганимиз.

<sup>30</sup> Каримов И.А. Биз келажагимизни ўз қўнимиз билан қурамиз. 7- жилд. –Тошкент: Ўзбекистон, 1999. –Б. 132.



Мазкур жадвалдан раҳбар ахлоқига доир қараашлар ривожи тарихий даврлар нуқтаи назаридан олиб қарапганда такомиллашиб борганийтимиш мумкин. Демак, раҳбар ахлоқи масаласи ҳеч бир даврда ўз аҳамиятини йўқотмаган.

Миллий рухиятимизнинг маънавий ва ахлоқий манбаси бўлиб келаётган куч – “Авесто”дир. Мазкур бебаҳо маънавий меросимизни аждодларимиз томонидан яратилган илк давлатчилик тўғрисидаги ижтимоий қараашлар йигиндиси, дейиш мумкин. “Авесто”да илгари сурилган ғоялар, бугун миллий ғоямизнинг бош йўналиши – адолатпарвар, демократик жамият барпо этиши вазифалари билан ҳамоҳанг эканлигини кузатамиз.

Мазкур тарихий асарда, аввало, инсоннинг ахлоқий комиллиги, маърифий етуклиги, руҳий соғломлиги масалалари устувор вазифалар қаторига қўйилади. Жумладан, каттага хурмат ва кичикка иззат, сабр-бардош, ҳалоллик, меҳр-оқибат ва бошқа бир қатор қараашлар ахлоқий қадриятлар белгиланган. “Авесто” ўша замонда яшаган одамлар ўртасидаги муносабатларни тартибга солища ахлоққа бўлган эҳтиёж ва зарурият натижасида юзага келган манба бўлиб ҳисобланади, дейиш мумкин.

Мазкур асарда давлат ва уни идора этувчи ҳокимларнинг ахлоқи масаласи устувор қўйилади. Масалан, С.Отамуродов: “Авесто”нинг Ясна китобидан “Яхшилик таълимими ва садоқатни амалга ошириб... яхши ҳокимлар ҳукм юритаверсинлар. Одамларга

ва уларнинг авлодларига баҳт-саодат келтирадиган адолатли қонунларни амалга оширисинлар...”<sup>31</sup> деган фикрларини келтиради. “Авесто”нинг “Вандидод” бўлимида мужассамлашган давлат ва жамиятни бошқариш тартиботи, жиноятни жазолаш, яхшиликка мукофот бериш каби қоидаларни давлат ҳокимиятига ёки жамоа бошқарувига тайинланадиган номзодларнинг ёддан билиши талаб этилганлиги<sup>32</sup> масаланинг моҳиятини ёригади. Т.Алимардонов эса “адолатли конунлар ва яхши ҳокимлар тўғрисида илгари сурилган ғояларга таяниб айтиш мумкинки, “Авесто”да умуминсоний қадриятлар билан боғлиқ бўлган ахлоқий қараашларнинг илк назарий кўринишлари ўз ифодасини топган”<sup>33</sup> деб таъкидлайди. Ф.Равшанов эса “Авесто”да раҳбарлик ва мансабларнинг ворисийитли масалаларини таҳлил қилиб, шундай дейди: “Авесто”да раҳбарликка кўйилган бош талаблар қуидагича намоён бўлади: жамиятнинг тўртта тоифаси(ҳарбийлар, дехқон-хунармандлар, чорвадорлар, диндорлар)дан бирiga мансублик ва улар орасида обрў-эътибор қозонганилик; шахс характерида “Авесто”даги илоҳий тўрт унсурнинг мавжудлиги ва шахснинг уларни жиловлай олишига эътибор қаратади<sup>34</sup>.

“Авесто”ни тадқиқ этган олимларимиз фикрларини умумлаштирганимизда шу нарса маълум бўладики, Марказий Осиёда давлатчилик шаклланишининг илк босқичларида давлатни идора этишда раҳбар ахлоқи эзгу фикр, эзгу сўз, эзгу амал тамойилларига асосланиши лозим, деб хисоблаймиз.

Илк Шарқ уйғониш даврининг буюк мутафаккирларидан бири Абу Наср Форобий ўзининг “Фозил одамлар шаҳри” асарида кишилик жамиятининг вужудга келиши ва ривожланишининг табиий сабабларини, адолат ва ахлоқ шаклланишининг узвий конуниятларини, инсон ва жамиятнинг ўзаро муносабатларини, айни пайтда, жамоаларнинг ижобий ва салбий хусусиятларининг таснифларини яратади. Бу билан аллома давлат бошқарувининг мунтазам ва изчил тизимини шакллантиради. Жамиятнинг

<sup>31</sup> Каранг: Отамуродов С. «Авесто» миллий ғоямиз манбаси // Жамият ва бошқарув. 2002, № 2.сон. –Б. 36.

<sup>32</sup> Каранг: Авесто. Тарихий-адабий ёдгорлик / Аскар Маъжум таржимаси. –Тошкент, Шарқ. 2001. –Б. 106-165.

<sup>33</sup> Алимардонов Т.Т. Сиёсат ва ахлоқ. Т.: Фиц, 2005. –Б. 36.


<sup>34</sup> Ф.Равшанов. Ўзбекистон Республикасида раҳбар кадрлар ташлаш асослари. Сиёсий фанлар доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. –Тошкент, ЎзР Президенти ҳузуридаги ДЖКА. 2009. –Б. 88.

ривожланиб боришини фозил раҳбарларнинг ахлоқий фазилатлари билан боғлади.

Форобий жамиятнинг келиб чиқиши устида мулоҳаза юритар экан, ҳар қандай зўравонлик таълимотини инкор этади, табиий эҳтиёжлар ҳақидаги гояларни илгари суради. Табиий эҳтиёж-кишиларнинг бир-бирлари билан бирлашишига, жамоа сифатида бирлашишига, ўзаро ҳамкорликка олиб келади. У давлатга ўз ахолисини баҳт-саодатга етакловчи восита сифатида қарайди ва бундай воситанинг инсон, жамоа эҳтиёжи билан боғлиқ маънавий омилларини очиб беради.

Шу тариқа олим бугун бизнинг тасаввуримиздаги адолатли давлат шакллари ва унда бошқарувнинг сиёсий-ахлоқий тамойилларини яратишга эришади. Масалан, фозиллар шаҳрининг (давлат назарда тутилган) таркиб топиши ва унда қандай ахлоқий сифатдаги шахснинг раҳбар бўлиши таснифлари буғунги демократик жамият курилишининг бевосита назарий талаблари билан уйғун келади. Бу борада Форобий “Уларнинг ўзларидан сайланган раҳбар ёки бошликлар ҳокими мутлоқ бўлмайди. Улар одамлар ичидан кўтарилган, синалган энг олижаноб, раҳбарликка лойиқ кишилар бўладилар. Шунинг учун бундай раҳбарлар ўз сайловчиларини тўла озодликка чиқардилар, уларни ташқи душмандан муҳофаза қиласдилар”<sup>35</sup>, деб давлат бошқарувида демократик тамойилларни таъминлаш билан боғлиқ ахлоқий қадриятларни тизимлаштиради.

Ф.Равшанов аллома Форобийнинг адолатли бошқарув ва раҳбар ахлоқи талабларини тизимли шакллантиришга доир бир қатор мулоҳазаларини қайд этади. Унга кўра ахлоқ раҳбар фаолиятининг ажралмас қисми бўлиб, бошқарув ахлоқининг тизимли шаклланиши ва қонуний тартибга айланишида инсоннинг қуйидаги жадвалда кўрсатилган фазилатлари<sup>36</sup> муҳим рол ўйнайди деб таъкидлайди:



<sup>35</sup> Форобий Абу Наср. Фозил одамлар шаҳри. –Тошкент: Халқ мероси, 1993. –Б. 190.

<sup>36</sup> Равшанов Ф.Р. Миллий раҳбаршунослик тарих ва таъкиби. –Тошкент: Академия, 2007. –Б. 70-73.

севадиган, ёлғончиларни ёмон  
кўрадиган бўлиши зарур

Ўз қадрини билувчи ва туғма  
олиҳиммат бўлиши зарур

Бу дунё молларига, динор ва  
дирҳамларига қизиқмайдиган  
бўлиши зарур

Табиатан адолатпарвар бўлиб,  
барчага яхшиликни истовчи  
бўлиши зарур

Чора-тадбирларни амалга  
оширишда қатъиятли, саботли,  
журъатли, жасур бўлиши,  
қўрқувдан узоқ бўлиши зарур

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, фозиллар шахри ҳокими ҳам жисмоний, ҳам маънавий жиҳатдан мукаммал, қобилиятли, ҳар томонлама етук бўлиши билан бир қаторда доно ҳам бўлиши зарур. “Доно бўлмаса, фозиллар шахри яхши ҳокимсиз қолади, бундай шаҳар ҳалокатта юз тутади, фуқаролари эса жабр-зулмга мубтало бўлади”<sup>37</sup>, дейди Форобий.

Раҳбар ва бошқарувга даҳлдор ахлоқий масалалар Юсуф Ҳос Ҳожиб ижодида ҳам асосий ўрин тутган. “Кутадғу билиг” ижтимоий-фалсафий асар бўлиб, достон муаллифи ўз замонасининг илмини мукаммал ўргангандан етук маърифатли шахслардан бўлган. У юони фалсафасини чуқур билиб, давлат бошқарувидаги ахлоқий қарашларни асарида кенг ифодалаган. “Кутадғу билиг” давлатни бошқариш амаллари, қоидаларининг жамиятда тутган ўрни тўғрисидаги фикрларни мужассам этган дастур, деб ҳисоблаш мумкин<sup>38</sup>.

<sup>37</sup> Форобий Абу Наср. Фозил одамлар шаҳри. –Тошкент: Халқ мероси, 1993. –Б. 190.  
<sup>38</sup> Юсуф Ҳос Ҳожиб. Кутадғу билиг. –Тошкент: Фан, 1971. –Б. 327.

Юсуф Ҳос Ҳожибнинг ахлоқий қарашлари унинг сиёсий ва ижтимоий қарашлари билан чамбарчас боғланиб кетган. Унинг фикрича, ҳокимларнинг ва уларга тобе кишиларнинг ҳар томонлама ахлоқий комил бўлиши давлатнинг сиёсий жиҳатдан мустаҳкамланышига, обрў-эътиборининг ошишига олиб келади<sup>39</sup>. У давлат бошқаруви ва раҳбар хизматини ташкил этиш турларини ҳамда шу даражаларга мувофиқ сифатларини таснифлайди. Жумладан, “Шоҳликка датвогарлар онадан ажиб бир истеъодд билин туғиладилар ва улар дарҳол яхши-ёмонни ажратиш фазилатига эга бўладилар. Бундайларга Худо идроқ, фаросат ва юмшоқ бир кўнгил ато этади, қолаверса яхши иш юритиш укуви билан ҳам сийлайди”<sup>40</sup> деб барча ишларда тажрибали, ёмонликни дарҳол сезувчи, оқиллик бобида ибратли, заковатли, маърифатга ташна, кичикларга таянувчи, адолатпарвар, садоқат каби фазилатларнинг соҳиби бўлиши шартлигини таъкидлайди. Шунингдек, бошқарув тизимида бошқарув ахлоқи анъаналарининг сақланиб қолиши учун аввало раҳбар кадрларни тайинлаш ва фаолиятини бошқаришда унинг кўйидаги бир қатор хусусиятларига эътибор қаратиш лозим: ижтимоий асл зотли, жисмоний соғлом ва кучли, ҳарбий савияли, ташаббускор (шижоатли, абжир), сахий, хушфеъл, хушёр-эҳтиёткор, турли касб-хунарлар билимдони, илмларвар, соғ-покиза, улдабурон (топқир, лаёқатли), режалаштириш қобилиятига эга, моддий таъминланган (кўзи тўқ), химматли, бағрикенг, андишали, юмшоқ, қаттиққўл, янглишмайдиган, зийрак, тадбиркор, оғир-вазмин, эътиқодли, орномусли, бир сўзли, вафодор, ҳалол, ростгўй, жасур, пархезкор, камтар, сиёсатли, ёмонликка шафқатсиз; сир сақлай оладиган, кўнимли, зийрак, тадбирли, ишончли, келажакни кўра оладиган, фармон ва буйруқларни пухта тузиш ва назорат қилиш, юксак савияли, юмшоқ табиатли, фуқароларга ёқимли, тили ва дили бир, ишбилармон, одамларни фарқлай оладиган, комил, иймонли, раҳм-шафқатли, садоқатли, ҳисоб-китоб ва бир неча тилларни, ёзувларни пухта билиши лозим. Бу борада мазкур асарни чуқур тадқиқ қилган Ф.Равшанов раҳбарнинг бошқарув тизимида нисбатан кўйидаги бурчлари юзага келишини таъкидлайди:

<sup>39</sup> Қаранг: Ўзбекистонда ижтимоий-фалсафий фикрлар тарихидан. –Тошкент: Ўзбекистон, 1995. –Б. 93.  
<sup>40</sup> Юсуф Ҳос Ҳожиб. Кутадғу билиг. –Тошкент: Фан, 1971. –Б. 329.

- Раҳбарлик лавозимларида фаолият олиб бораётгандарнинг иқтисодий таъминланган бўлиши лозим;
- Фаолият доирасига кўра қулай шарт-шароит, иш жиҳозлари ва хизмат машиналарига эга бўлиши лозим;
- Ҳар бир раҳбар фаолияти давомида кўрсатган жонбозлигига қараб ҳам моддий, ҳам маънавий рағбатлантириб борилиши керак;
- Хизматчи иш юзасидан сафарда бўлса ёки иш туфайли бирор фалокатта йўлиқса, унинг бутун оила аъзоларининг иқтисодий таъминоти ва муҳофазаси назоратга олиниши лозим<sup>41</sup> ва ҳоказо.

Дарҳакиқат, бугунги кунда ислоҳотларнинг самарадорлиги ва адолатли бошқарувни ташкил этишда мазкур тамойилларга эътибор қаратишни муҳим деб ҳисоблаймиз. Зоро, раҳбарлар фаолияти кафолатланган бўлиши ва бу борада мазкур тамойилларни амалга оширишнинг механизмларини жорий этиш лозим.

Давлат бошқаруви, унинг мукаммал тизимини яратиш борасида улкан илмий мерос қолдириган ўрта асрлар мутафаккири Низомулмулкнинг “Сиёсатнома” асари муҳим манба ҳисобланади. У амалдорларни ахлоқий фазилатларига қараб танлаш, адолат ва инсофни ёёқ ости қиласидан кишиларни давлат ишларига аралаштирумаслик, қолаверса, бир кишига барча ваколатларни беришнинг салбий оқибатлари, давлат амалларини топширишда назорат қилиш чораларини кўриб бориш ҳамда уларнинг итоат ҳамда ижро сифатлари билан давлат истиқболини ва бунда бошқарувнинг бир маромдаги фаолияти таъминланиши тўғрисидаги фикрларини ривожлантиради. Жумладан, раҳбарнинг ахлоқий сифатлари ичida адолат муҳим ўрин тутишини айтиб ўтади.

Шунингдек, Низомулмулкнинг бошқарувга оид “кўпчилик бўлиб қабул қилинган тадбир энг савобли бўлади ва шундай йўл тутиш керак”<sup>42</sup>, деган қарашлари аждодларимизнинг давлат қурилишининг адолатли тартиботларига нечоғли даражада аҳамият қаратганинидан далолат беради.

Амир Темур асос солган улкан ва қудратли давлатнинг пайдо бўлиши ва унда турли халқларни бирлаштирган ҳамда ягона мақсад сари сафарбар этган гоя бу – адолат ва ахлоқ билан йўғрилган

миллий мероснинг тантанаси эди. Ушбу фикрнинг моҳиятига кенгрок қарайдиган бўлсақ, Амир Темурнинг “Миллатнинг дардларига дармон бўлмоқ вазифангиздир. Фуқароларни кўринг, йўқсилларни бойлар зулмига ташламанг. Адолат ва озодлик - дастурингиз, раҳбарингиз бўлсин”,<sup>43</sup> деган гояси қанчалик даражада муҳимлигига икror бўламиз.

Амир Темурнинг адолатпешалик фазилати унинг атрофида инсофли, диёнатли, адолатпарвар, иродали, шиқоатли, ботир, мард инсонларнинг жамланишига олиб келган. Бу эса, Амир Темур давлатининг янада мустаҳкамланишида муҳим омил бўлиб хизмат килган. Маърифатли одамларнинг салтанат бошқарувида иштироки давлат сиёсатининг бевосита қуи бўгинингача тизимиҳ хусусиятларини шакллантиришга, натижада давлат сиёсати ва ижтимоий жараёнлар бутун жамиятнинг иродасига, сўнгра, амалий фаолиятига айланишига олиб келганини кузатамиз.

Жумладан, Амир Темур шундай дейди: “Амир қилдимки, қачонки асл сипоҳийлардан иш кўрган, жанг жадал билан суги қотган ўн киши йигилса, булардан қайси бирининг шиқоати, ботирлиги ортиқроқ бўлса, қолган тўққизтасининг розилиги ва маъқуллаши билан, уни ўзларига бошчи сайлаб, отини ўнбоши деб атасинлар”<sup>44</sup>. Ушбу тадбирнинг моҳиятига кенгрок қарайдиган бўлсақ, юқорида таъкидланган бошқарувнинг бир қанча мувоғиқлаштирувчи элементларини кузатиш мумкин. Масалан, асл сипоҳ жангда иш кўрсатган, ботирлиги билан алоҳида ажralиб турганига нисбат берилган ва фақат шундай сифатга эга бўлган шахсгина ўнбоши бўлиши мумкинлигига ишора қилинган. Эътиборли ва ибратли томони шундаки, бундай тартиб то амир лавозимигача демократик тартиботлар асосида амалга оширилган. Зўрлардан зўри танланган ҳамда улар тўғрисидаги маълумотлар Амир Темур тасдигига юборилган. Демак, хулоса чиқариш мумкинки, давлатнинг энг юқори, то амир ул-умарогача бўлган лавозим номзодлари сайлов асосида танланган. Энг муҳими, танланган ва сайланган асл сипоҳийларнинг маоши улар кўрсатган жасорат даражасига кўра дифференциал тартибда шакллантирилган.

<sup>41</sup>Қаранг: Равшанов Ф.Р. Миллий раҳбаршунослик: тарих ва тажриба. –Тошкент: Академия, 2007. –Б. 73-98.

<sup>42</sup> Низомулмулк. Сиёсатнома. –Тошкент: Янги вср авлоди, 2008. –Б. 75.

<sup>43</sup> Амир Темур ўғитлари .-Тошкент: Наврӯз, 1992. –Б. 61.

<sup>44</sup> Темур тузуклари .–Тошкент: Гафур Гулом нашриёти, 1996. –Б. 88.

Яъни, жасоратли бўлиш нафақат маънавий юксаклик билан, балки моддий қиймат билан мустаҳкамланган.

Амир Темур буюк давлат арбоби сифатида ўз сиёсатида ҳалол меҳнат ва фидойилик асосида мартаба ва мавқега эга бўлиш рагбатини шакллантирган. Амалда бундай ёндашув ўз самарасини берган. Жумладан, у: “Кимнинг ақли ва шиҳоатини синов тарозусида тортиб кўриб, бошқаларницидан ортиқроқлигини билсан, уни тарбиямга олиб, амирлик даражасига кўтарар эдим. Сўнгра кўрсатган хизматларига яраша мартабасини ошириб борардим”, дейди<sup>45</sup>.

Мирзо Улугбек ҳам “Тўрт улус тарихи” асарида туркий халқларнинг XV асрдагача бўлган давларда давлат ҳукмдорлари ва мансабдорлари фаолиятида муҳим аҳамият касб этган раҳбарлиқ ахлоқи таркибий хусусиятларини таърифлаб ўтган. Масалан, Турконни раҳбарликка олиб келган хусусиятлар сифатида қуидагиларни қайд этади: бош фарзанд; халқни бошқаришини янгича расм-русумларини кашф қилган; ақлли ва одоб-ахлоқли; хунарманд; кўчиб юриб яшовчи аҳолига яхши ва бехатар жой танлай оладиган нафис таъбли; хайру эҳсонпарвар; марказлашган бошқарувни ўйлаб топган одам; раҳбарликни тақсимловчи; тинчлик ва фаровонлик йўлида янги тадбирлар ишлаб чиқишида ташаббускор; отаси русуми ва қоидаларига кучли риоя қилган ва ривожлантирган; халқни гурухларга бўлиб бошқариши жорий қилган; маслаҳатлашиб бошқариш асосида бошқарув девонини жорий қилган; Темучиннинг эса отаси вафотидан сўнг сочилиб кетган қавмини бирлаштиришга интилиш; қавмлараро низоларга чек қўйишга интилиш, кенгашиб иш тутиш, ҳар ишда ҳамкорлик, дўстта вафодорлик; ишбилармонлик; теран фикрлаш; улуғворлик; уддабуронлик; чидамлилик; меҳнатсеварлик; иқтисодий, сиёсий, ҳарбий, давлат бошқаруви ва назорат ишларида билимдонлик; эҳтиёткорлик, күшёрлик; ботирлик, фидойилик, ғайратлилик; ишонтира олиш қобилияти; олиҳимматлик, қадрлаш, мардлик, талабчанлик, шафқатсизлик, маккорлик; қашфиётчилик, мутафаккирлик; қонунтузарлик; одам танлай билиш каби хусусиятларини раҳбарликка танланишининг асослари сифатида

таърифлайди<sup>46</sup>. Шунингдек, мавзу ва шу даврга доир ана шундай маълумотларни Абулғози Баҳодирхоннинг “Шажараи турк” асарида ҳам кўплаб учратиш мумкин<sup>47</sup>. Бу маълумотлар раҳбар ахлоқи тизими талаблари, асосан, билимлилик ва ақллилик; куч-кудрат ва мулкдорлик, аҳоли ўргасидаги обрў-эътибор; дин қонун ва қоидаларини яхши билиш; ворисийлик хусусиятлари билан боғланганлигини кўрсатади.

Алишер Навоийнинг асарлари жамият бошқарувининг ахлоқий негизларига боғлиқ бўлган улкан илмий-маърифий меросга асос солғанлиги билан аҳамиятлидир. Масалан, Алишер Навоий “Садди Искандарий” достонида ўз идеалидаги ҳукмдор образини яратар экан, раҳбар шахс учун шарт бўлган қатор хусусиятларни тавсифлаб келтиради<sup>48</sup>. “Ҳайратул-абброр” асарида ҳукмдор ва раҳбарларга хос бир қанча хусусиятларни танқид остига олса<sup>49</sup>, “Маҳбуб ул-кулуб” асарида подшолар, беклар, ноиблар, вазирлар, садр(mansabdar)лар, ҳарбийлар, шайхулислом, қози, факиҳлар тўғрисидаги тавсифий-танқидий мулоҳазаларини баён килади<sup>50</sup>. Мутафаккир “Тарихи мулуки ажам” асарида тарихда яшаб ўтган ҳукмдорлар, давлат арбобларининг ижтимоий фаолиятларида ижобий ёки салбий сифатлари, иш юритиш услублари ва шахсий раҳбарлик фазилатлари, эзгу ёки ёвуз ишларини таҳлил этса<sup>51</sup>, “Муншашот”да ўз бошидан кечирган ва ўз тажрибасида бевосита кўрган ишлари мисолида ахлокка оид қатор мулоҳазаларини баён этган<sup>52</sup>. Ёки Зайниддин Восифийнинг хабар беришича вазир Алишер Навоий мансабдор шахсларни танлашда уларнинг ахлоқига жуда катта эътибор берган. Восифий Навоий томонидан танланган Шайх Бахлуп, Сохибдоро, Ҳофиз Фиёсiddин Дехдор каби бир қатор шахсларнинг танланниш жараёнлари ҳакида ёзиб қолдирган<sup>53</sup>.

<sup>46</sup> Карапт: Мирзо Улугбек. Тўрт улус таризо. –Тошкент: Чўлпон, 1994. –Б. 36-39, 83-203.  
<sup>47</sup> Карапт: Абулғози Шажараи турк. –Тошкент: Чўлпон, 1992. –Б. 192.

<sup>48</sup> Карапт: Алишер Навоий. Садди Искандарий. –Тошкент: Ғафур Гулом нашриёти, 1991. –Б. 832.

<sup>49</sup> Карапт: Алишер Навоий. Ҳайратул-абброр. –Тошкент: Ғафур Гулом нашриёти, 1989. –Б. 352.

<sup>50</sup> Карапт: Алишер Навоий. Маҳбуб ул-кулуб. –Тошкент: Ғафур Гулом нашриёти, 1983. –Б. 112.

<sup>51</sup> Карапт: Алишер Навоий. Тарихи мулуки Ажам. –Тошкент: Ғафур Гулом нашриёти, 1957. 14-жилд. –Б. 183-238.

<sup>52</sup> Карапт: Алишер Навоий. Муншашот. –Тошкент: Ғафур Гулом нашриёти, 1966. 13-жилд. –Б. 85-156.

<sup>53</sup> Зайниддин Маҳмуд Восифий. Бадостул вакоъе (Нодир воқсалар). –Тошкент: Ғафур Гулом нашриёти, 1979. –Б. 91-94, 111-113.

Алишер Навоийнинг сиёсий қарашлари “Хамса”, “Махбуб-ул кулуб”, “Зубдат ут-таворих”, “Садди Искандарий” каби асарларида давлат сиёсатининг ахлоқий мезонларининг ёрқин ифодаси сифатида намоён бўлади. Навоий қарашларида, аввало, одил хукмдор фаолияти ва хукмдор юритаётган ахлоқий сиёсат асосида фаровон жамиятни куриш мумкинлиги таъкидланниб, адолатсизлик ва зулм давлатни таназзулга, жамиятни жаҳолатта олиб келиши тўғрисидаги қарашлар ўз ифодасини топган. Мутафакир подшо атрофидагилар хусусида тўхталиб, эътиборли, нуфузли, маърифатли инсонларнинг давлат бошқарувидаги иштироки жамият равнақини таъминлайдиган омил, деб қарайди. Унинг сиёсий қарашлари асосини адолат, инсоф, диёнат, меҳр-оқибат каби эзгу амаллар белгилайди. Яъни, давлат бошқарувининг барча тузилмаларида адолатли тартиб бўлишини, табақалар, гурӯхлар манфаати ифодаси, шоҳ ва ҳалқ ўргасидаги муносабатлар ахлоқий меъёрларга асосланиши ва шу меъёрларнинг таъминланиши тўғрисидаги муҳим фикр-мулоҳазаларнинг баёнини беради<sup>54</sup>.

Жумладан, у: “...давлат иши билан машғул бўлган амалдорлик чоғларимда кўнгил мулкини турли одамларнинг ҳукуми булғалади. Гоҳ амирлик ўрнида ўтирдим ва ҳукумат маҳкамасида ҳалқнинг арзодини сўрдим ва гоҳ подшоҳ ёнида вазирлик қилдим ва менга умидвор назар билан қараб турган элга мурувват кўрсатдим”, дейди<sup>55</sup>.

Алишер Навоий адолат тўғрисидаги қарашларида инсоннинг ахлоқий тарбияти билан боғлиқ ижтимоий иллатларнинг моҳиятини излайди. Жамиятда ёвузликнинг келиб чиқиши сабабларини таҳлил этади. Адолатли жамияттага эришишда нафақат подшоҳ одиллиги, балки фуқаролар ўргасидаги муносабатлар ахлоқий бўлиши лозимлигига эътиборни қаратади. “Оламда бўлмиш ҳар навъ одам билан кўришдим; катта-кичикнинг феълу авторини ўргандим; яхши ёмоннинг хислатларини тажрибадан ўтказдим; яхшилик ва ёмонликларнинг шарбатини ичиб, захрини тотиб кўрдим. Бахил ва пасткашларнинг захмини, саховатли кишиларнинг малҳамини

<sup>54</sup> Қаранг: Алишер Навоий. Махбуб ул-кулуб. –Тошкент: Гафур Гулом нашриёти, 1983. –Б. 11.  
<sup>55</sup> Ўша асар. –Б. 12.

кўнглим дархол сезадиган бўлиб колди”, дейди<sup>56</sup>. Навоий “Махбуб ул кулуб” асарида ҳар хил одамларнинг феъл-автори ва аҳволи, яхши феъл хосияти ва ёмон хислат касофати ҳақидаги қарашлари асосида жамият ижтимоий муносабатларининг яхлит назарий тизими: “Фуқаро – жамият – давлат” ўргасидаги ахлоқий мажбуриятларни умумлаштиришга эришади.

Навоийнинг замондоши Ҳусайн Вонз Кошифий ўзининг “Ахлоқи Мухсиний” асарида адолат тушунчасига шундай таъриф беради: “Адолатнинг маъноси ҳалқнинг ҳукукий тенглигини таъминлашдир. Адл шундай неъматдирки, у мамлакатга ороиш беради, бир күёшки, унинг нури билан зулмат ёруғликка айланади. Адолат зулм кўрганларнинг додига етиб, ахволларига шафқат назари билан қараш демак”<sup>57</sup>.

Ҳадисда ёзилишича, бир соатлик адолат тарози палласи олтмиш мукаммал ҳаждан оғирроқ экан. Негаки, ҳажнинг натижаси, яъни фойдаси ҳожилардан ўзга кишига бўлмайди, адолат фойдасидан эса каттаю кичик баҳраманддир.

Кошифийнинг таъкидлашича, бошқарувда адолат бўлмаса шавкат ва давлат эгалари заифу бечораларни қащатади. Заифлар ҳалок бўлгач, ундан сўнгра кучлилар ҳам жойида қолмайди. Чунки кишилар билан улугларнинг турмушлари бир-бирига боғлиқдир. Адолат йўқ жойда ҳалойикнинг турмуши яхши бўлмайди<sup>58</sup>.

Адолатнинг улуг шартларидан бири шуки, зулм кўрган одамлар адолат талаб қилиб келсалар, уларнинг сўзларига шафқат қулогини тутиш, мушкулларини ҳал этиш учун уларга марҳамат кўзи билан қараш лозим. Адолат сўровчи сўзини узайтирса, малол олмаслик керак. Негаки, подшоҳ табиб, ситам кўрган одам беморга ўхшайди. Бемор табибга ўзининг барча ҳолини баён қиласди, табиб унинг ҳамма сўзини эшигитиб, иллатнинг ҳақиқатига етмаса, унга мунособ давони қандай қиссин?<sup>59</sup> Бошқарувда адолатни таъминлаш раҳбарларнинг маънавиятига, ахлоқига боғлиқ. Инсонларнинг турмушларида учраб

<sup>56</sup> Алишер Навоий. Махбуб ул-кулуб. –Тошкент: Гафур Гулом нашриёти, 1983. –Б. 13.

<sup>57</sup> Ҳусайн Вонз Кошифий. Ахлоқи Мухсиний. –Тошкент: Ўзбекистон миллӣ энциклопедияси давлат миллӣ нашриёти. 2011. –Б. 160.

<sup>58</sup> Ҳусайн Вонз Кошифий. Ахлоқи Мухсиний. –Тошкент: Ўзбекистон миллӣ энциклопедияси давлат миллӣ нашриёти. 2011. –Б. 161.

<sup>59</sup> Ҳусайн Вонз Кошифий. Ахлоқи Мухсиний. –Тошкент: Ўзбекистон миллӣ энциклопедияси давлат миллӣ нашриёти. 2011. –Б. 163

турадиган кўплаб муаммоларини раҳбарлар ҳал қилади. Раҳбар бу масалаларни ҳал қилмаса, адолат меъёрлари бузилади ҳамда халқнинг газаби ва нафрати кучаяди. Асада келтирилишича кўнлардан бир куни бир киши улут инсонга ахволидан арз қилиб келди. Аммо у одам қулоқ солмади, яна айтди, барибир илтифот қилмади. Учинчи марта арз қилди, у деди: “Намунча дардисар бўлдинг?”. У киши деди: “Сенга дардисар бўлмасам, кимга дардисар бўлман ва мен қайга бораман?”. Бу сўз ҳалиги азизга хуш келди ва ҳожатинираво қилди.

Шу даврнинг яна бир ахлоқшунос олими Жалолиддин Давонийдир (1427 – 1502). Давонийнинг “Ахлоқи Жалолий” асарида давлат ва уни бошқариш йўллари, адолатли ва адолатсиз подшоҳлар уларнинг фуқароларга муносабати, ахлоқ ва таълим-тарбия масалалари тўғрисидаги қарашлари илгари сурилади<sup>60</sup>. “Ахлоқи Жалолий” асарида жамиятни адолатли – фозил шаҳарга ва жоҳил шаҳарларга бўлади. Форобий каби Давоний ҳам фозил шаҳар бошқарувчисида қўйидаги жадвалда акс этган ўнта энг яхши фазилатлар мужассамланган бўлиши керак, дейди<sup>61</sup>.

## ФОЗИЛ ШАҲАР БОШҚАРУВЧИСИ ФАЗИЛАТЛАРИ

1. Ҳукмдор одамларни эъзозлаши	6. Ҳалқ эктиёжини кондиришга оид ишларни бажаришга ҳаракат килиши
2. Давлат ишларини адолатли ижро этиши	7. Ҳалкка нисбатан одил бўлиши
3. Ҳирс ва шаҳватга берилмаслиги	8. Ҳар бир ишни маслаҳатлашиб, кенгашиб ҳал этиши
4. Ҳукмдорликда шошма-шошарлик ва ғазабга йўл кўймаслиги, балки шафқат ва мурувватга асосланиши	9. Ҳар бир кишини унинг кобилиятига монанд лавозимга тайинлаши, кобилиятсиз кишиларга юкори лавозим бермаслик
5. Ҳалқнинг эктиёжини кондириш учун Худонинг иродасидан келиб чиқиши	10. Адолатли фармонлар чиқариши, конунни бузишга йўл кўймаслик

Шарқ мутафаккирлари томонидан яратилган илмий мерос давлатчилик маданиятимизнинг улкан таълимотга эга эканлигидан далолат беради. Аммо бугунги кунда ушбу меросни сиёсий фанлар нуқтаи назаридан ўрганиш, илмий амалиётта олиб чиқиш, давлат хизматчиси фаолиятининг таркибиға айлантириш масаласи орқада қўлмоқда, деб ҳисоблаймиз.

Мазкур муаммолардан келиб чиқсан ҳолда масаланинг методологик асосларини қўйидаги жадвалда ифода этишга ҳаракат қилдик;

<sup>60</sup> Махмудов Р. Маънавият юлдузлари. –Тошкент: Абдулла Қодирӣ нашриёти, 1999. –Б. 22.

<sup>61</sup> Аликулов Ӯ. Жалолиддин Давоний. Тошкент: Ўзбекистон, 1992. –Б. 20.

**АДОЛАТЛИ БОШҚАРУВНИ  
ТАЪМИНЛАШНИНГ НАЗАРИЙ  
МЕТОДОЛОГИЯСИ**



Жадвалда келтирилган маълумотлар замонавий бошқарувни ривожлантириш омилларининг фалсафий моҳиятини асослашга қаратилганилиги билан муҳим аҳамият касб этиди. Мазкур чизмада ахлоқий қадриятларнинг ташки таъсир ва ички имконият омилларининг ўзаро боғлиқ қонуниятлари очиб берилган.

Тараққиётнинг ташки таъсири бевосита умумисоний ва миллий меросимизга таянади. Яъни, жаҳон маданияти тажрибалари, улкан маънавий мерос бутунги кунда ҳаёт ҳақиқатини англашга хизмат қиласди. Ҳақиқат ахлоқий қадриятлар орқали юзага келади. Жамият ана шу ҳақиқатга ва ахлоқий қадриятларга асослансанагина адолат қарор топади. Натижада жамиятда бошқарувнинг адолатли воситалари вужудга келади. Демак, раҳбарнинг ахлоқий сифатлари юқорида таъкидланган омилларга бевосита суюнсанагина жамият тараққиёт ва ривожланишга эришади.

Бошқарув тараккиётининг ички омили миллатнинг меросини ўзлаштирган ва амалда унга риоя этиш эътиқодига эга бўлган салоҳият билан белгиланади. Бунда бошқарувнинг ривожланиши жараёнлари жаҳон тажрибалари ва миллий давлатчилик тизими томонидан қабул қилинган нормаларга, раҳбар ахлоқий сифатлари ҳам шунга мос тарзда шакллантирилиши лозим. Зеро, адолатли бошқарувни ташкил этиш тамоиллари миллий ва халқaro хуқуқ тизимига зид келмаслиги натижасида ҳақиқат англаради.

Ушбу таҳлилий манбалардан мақсад миллий давлатчилик тарихимизни таназзулга торган сиёсий курашлар ва ўзаро ихтилофларнинг сабабларини ўрганиш билан бирга, унда “инсон – жамият – давлат” ўртасидаги муносабатларнинг ахлоқий даражасини таҳлил қилиш, жамиятда раҳбар шахснинг ўрни, шунингдек, янги давлатчилигимизнинг ўзига хос хусусиятларини миллий мерос анъаналари негизида уйғунлаштиришдан иборатдир. Шу жиҳатдан ҳар бир даврнинг улкан ижодкорлари меросини чукур ўрганиш ва ижтимоий тизим ахлоқига фалсафий ва сиёсий жиҳатдан объектив баҳо бериш лозим. Бугунги кунда адолатли бошқарувни ташкил этишда миллий меросимизнинг ана шундай намуналарида илгари сурилган раҳбар ахлоқи сифатларига доир қарашларнинг замонавий кўринишларини жорий этиш орқали халқ фаровонлигини таъминлаш мумкин.

### **1.3. Раҳбар ахлоқий фаолиятини тақомиллаштиришнинг замонавий тенденциялари**

XX аср бошида ривожланган мамлакатларда давлат ва жамият бошқарувига доир Ж.Жак Руссо, Д.Дидро, Г.Гегель, И.Кант, Т.Гоббс, К.Гельвеций, Ш.Монтескьеларнинг ахлоқий таълимотлари асосида жамиятда ижтимоий адолат тартиботларининг янги тизими вужудга келди. Бу тизим негизи ахлоқий қадриятлар билан уйғунлаштирилган раҳбар ва бошқарув фаолиятида намоён бўлди. Улар шахснинг интеллектуал ресурсларидан оқилона фойдаланишининг технологик мурватларини ташкил этилишига, хукуқий асосларининг яратилишига олиб келди. Яъни, инсон салоҳияти миллий бойлик сифатида давлат ва жамият ривожига йўналтирилди. Шунга мувофиқ,

Германия, Франция, Америка, Хитой, Корея ва Япония каби қатор давлатларда раҳбар кадрларнинг салоҳиятини тараққиётнинг бош омили сифатида татбиқ этишининг кенг кўламли назарий методологик асослар вужудга келди. Улар “сиёсий ахлоқ”, “сиёсий маданият”, “сиёсий мағкура”, “сиёсий этика”, “сиёсий элита”, “сиёсий имидж”, каби фан категорияларининг пайдо бўлишига, миллий қадриятларнинг замонавийлашувига, ижтимоийлашувига олиб келди. Бу кейинчалик “давлат хизматчиси тўғрисида”ги қонунлар, “ахлоқий кодексо”, “ахлоқ нормалари” каби турли-туман меъерий хужжатларнинг татбиқ этилишида намоён бўлди. Мазкур фан категориялари доирасида шахснинг раҳбарлик салоҳиятини аниқлаш, энг муҳими интелектуал ресурс сифатида уни жамият ривожига татбиқ этишининг технологик механизмлари яратилди.

Замонавий бошқарувда раҳбарнинг роли энди фақат асосий бошқарув функциялари билан чегараланмайди. Яъни бошқарувнинг янги усули режалаштириш, ташкил этиш, ва назорат қилиш билан боғлиқ ҳолда намоён бўлади. Шу нуқтаи-назардан қараганда, замонавий раҳбар нафақат бошқаларни балки ўз-ўзини бошқариши, ўзига бўйсунувчи кишилар учун маънавий-ахлоқий жиҳатдан ўрнак бўлиш керак. Бундан бошқарув тизими тўғрисида сиёсий фанлар доирасида турли ёндашувлар илгари сурилади. Классик ёндашувлардан бири бошқариш нуқталари бош (бошқарувчи) ва раҳбар ўртасида расмий муносабатларни устунлиги бўлса, иккинчиси эса фақатгина психологик даражадаги, ҳокимиятнинг расмий асослари орқали амалга оширилаётган муносабатлардан иборатдир. Раҳбар фақат механик бошқарув усулига эга бўлган ёки ўзининг ва бошқаларнинг инсоний сифатларига лоқайд шахс эмас. Балки у ўз кўл остидаги ходимларнинг ахлоқий сифатларига ҳам таъсир кўрсатаоладиган инсонларварликда етакчи раҳбар ҳамдир. Шу боисдан ҳам раҳбар ахлоқи ўз таркибига ахлоқ нуқтаи назаридан, мақсадларни қабул қилиш даражасидан тортиб то ўз мақсадларини ташкил этиш ва бошқаришгача бўлган фаолиятни қамраб олади. Бошқарув карорини қабул қилиш ҳам айнан шундай ахлоқий сифатларга ҳам боғлиқ ҳолда намоён бўлади.

Шу нуқтаи-назардан қараганда, халқ олдидағи масъулиятни ҳис қилолмаган, ишонч қозона олмаган, келажакни олдиндан кўриб, унга

ташаббускорлик билан пешвоз чиқа олмаган, қатъиятсиз, шижаотсиз раҳбарлар даражаларига кўра бошқарувчи бўлганиларни учун ҳам ўз ахлоқий пассивликлари билан билиб-бilmай тараққиётта тўсиқ бўлмасликлари керак. Бу борада бир қатор давлатларнинг раҳбарлик лавозимларига қўйиладиган ахлоқий талаблар ва уларни танлаш йўллари ҳакида фикр юритиш мақсаддага мувофиқ. Жумладан, Япония, Франция, Германия, Россия каби давлатларда раҳбарлик лавозимларига танлов эълон бериш йўли билан жалб этилган кадрлардан категориялар бўйича бир неча турда босқичма-босқич имтиҳонлар олиш орқали саралаш асосида амалга оширилади ва бунда ахлоқ талабларига алоҳида аҳамият қаратилади.

Маълумки, бу борада ривожланган давлатларда, жумладан, АҚШ, Германия ва бошқа мамлакатларда бундай ёндашувларни ташкил этиш борасида ниҳоятда катта тажриба ортирилган. Президент Честер А. Артур даврида тузилган “Ходимларни бошқариш идораси” 114 йилдан буён шу йўналишда фаолият кўрсатиб келмоқда. Шу боис АҚШнинг бугунги ривожи бевосита ХБИ хизмати билан ҳам таъминланди, деб айтиш мумкин. “Ходимларни бошқариш идораси”, АҚШ бўйича уч миллиондан ортиқ ҳукумат мансабларига муносиб ходимларни саралаб олиш учун ракобат имтиҳонларини ташкил қиласи ҳамда ўтказади. Ҳукумат ишита ёлланувчилар фаолиятининг самараадорлигини ошириш ниятида раҳбар кадрларни маънавий ва касбий тарбиялаш, тайёрлашга қаратилган таълим-тарбия дастурларига ҳомийлик қиласи. Жумладан, 1949 йили АҚШнинг “Давлат хизматчилари лавозимлари таснифи ҳакида” қонуни қабул қилинди. У давлат хизматининг 18 даражасини ва тоифасини аниқлаб берди. Бирон-бир лавозимга ўтказиш, қабул қилиш имтиҳон орқали амалга оширила бошланди ва синовлар, асосан талағорнинг лавозим вазифаларини бажариш учун зарур бўлган малакасини ўлчашга хизмат қилди<sup>62</sup>. Албатта, шу тартибдаги кадрлар сиёсати доимий равища тақомиллаштирилиб, замонга ҳамнафас равища тўлдириб борилди.

Давлат хизматчилари фаолиятини ахлоқий қадриятлар талабларига мувофиқлаштириш борасида ривожланган демократик

<sup>62</sup> Болисев А. Раҳбар маънавияти. –Тошкент: Маънавият, 2002. –Б. 71.

мамлакатларнинг катта тажрибага эга эканлигини эътироф этиш лозим. Бу борада асосий эътибор сиёсий ҳокимият фаолиятини ахлоқий қоидалар негизида куришга қаратилган тизими ёндашув ва механизмларнинг шаклланганинига кузатиш мумкин. Масалан, Франция, Англия, Германия, Жанубий Корея, Япония, Аргентина, Чехия, Польша ва бошقا кўплаб Лотин Америкаси мамлакатларида ҳам давлат хизматчилари фаолиятининг ахлоқий нормалари бевосита сиёсий ҳокимият тизимига киритилган. Масалан, Англияда “Парламент аъзоларининг “Ахлоқий кодекси” парламентнинг халқ олдидағи обрўйини, ишончини сақлашга қаратилади. Унинг шаънига доғ туширадиган ҳеч қандай ҳаракат бўлмаслиги расмий тартибда белгиланган. “Ахлоқий кодекс” бир қанча талабларни мезон сифатида тизимлаштирган:

биринчидан депутатнинг молиявий даромадлари декларациясини тўлдириши тақозо этилади;

иккинчидан манфаатлар ихтилофи мавжуд бўлган шароитда депутат овоз беришда иштирок этмайди ва бу тўғрисидаги масалани кўришдан аввал ёзма равиша маълумот бериши лозим;

учинчидан депутатлик даври мобайнида давлат хизмати вазифаларида исламаслиги кўзда тутилган. Бундай тартиб Ўзбекистонда ҳам мавжуд;

тўртингчидан депутат ёки вазир ваколати муддати якунидан сўнг давлат идораларида, давлат компанияларида, фирма ва банкларида белгиланган муддатгача (АҚШда 1 йил, Жанубий Кореяда 2 йил) ҳокимият имкониятларидан шахсий манфаатларда фойдаланмаслик учун ишлаши мумкин эмас;

бешингчидан депутатнинг совғалар олиши масаласи тартибга солинган. Масалан, АҚШда 50 доллардан ортиқ қийматдаги совғаларни олиш тақиқланади;

олтингчидан ОАВ давлат хизматчилари томонидан ахлоқий нормаларнинг бажарилишини назорат этиб турувчи механизм сифатида шакллантирилган.

Албатта, ахлоқий нормаларнинг таъсири ва унинг самарадорлиги маълум механизмлар асосида ташкил этилади. Бундай механизм кўплаб давлатларда мустақил давлат органи ваколатида “Этика масалалари бўйича комиссиялар” деб юритилади. Масалан,

Тайванда “Ахлоқий тартиб назорати”, Хиндистонда “Коррупцияга карши кураш”, Аргентинада “Жамоатчилик ахлоқи миллий бошқармаси”, Англияда “Ахлоқий масалалар бўйича вакиллик”, АҚШда “Этика бўйича қўмита” ташкилотлари сиёсат ва сиёсий арбоблар ва давлат хизматчилари фаолиятининг ахлоқийлигини назорат қиласи. Ушбу комиссиялар турли хил тартибда тушган ариза ва шикоятларни ўрганади ҳамда тегишли тартибда чораларни белгилайди. Чоралар хайфсандан тортиб, жарима, депутатлик ваколатидан маҳрум этиш ва жиноий жавобгарликка тортиш масалаларигача белгиланган. Айни пайтда, давлат хизматчиларини ахлоқий нормалар билан таништириш, уларнинг моҳиятини тушунтириш, туғилиши мумкин бўлган бўхтон ва можароларнинг олдини олиш мақсадида маслаҳат қўмиталари ташкил этилган. Масалан, хусусий фирма вакили томонидан меҳмонга таклиф этилган конгрессмен дастурхон қиймати 50 доллардан ошса, тартибга кўра уни меҳмон тўлаши лозим. Акс ҳолда конгрессмен “Ахлоқий кодекс”ни бузган хисобланади ва жавобгарликка тортилади<sup>63</sup>.

Францияда раҳбар ва ходимларнинг фаолиятида ишга бўлган муносабатда ахлоқий маданият устунлик килиши кўриниб туради, АҚШ ва Хитойда тадбиркорликка ахлоқ тизимининг асосий тамоилии сифатида кучли эътибор қаратилса, Германияда ташаббускорликка аҳамият берилади. Россияда эса ҳуқуқ ва тартиб-интизомга эътибор кучайтирилган. Булар тақдим этилган ҳужжатлардан ташқари. Албатта, ҳар бир давлат бошқарув ахлоқини шакллантиришда ўз халқи интилишлари, эҳтиёjlари, моддий, маънавий, ижтимоий, миллий ғоялари ва манфаатларидан келиб чиқади. Шунинг учун, раҳбар ахлоқи бошқарув тизимидан доимий жиддий эътибор талаб қиласи ва унинг ижобий ёки салбий натижаларига раҳбарият жавобгар бўлиб қолади.

Ривожланган мамлакатларда раҳбарлар учун энг муҳим бўлган ахлоқий сифатлар – бу жамиятнинг бошقا аъзоларига нисбатан кўпроқ давлат манфаатларини ифодалаш онгининг тараққий эттанилиги бўлиб, бу ракоатдош эркинликлар босими остида умумий манфаатларни ифода этишини саклаб туришнинг, шунингдек,

<sup>63</sup> [http://www.ndi.ru/ARCHIVE/Russian/Parlament\\_Ethic/ParL\\_Ethic\\_1.shtml](http://www.ndi.ru/ARCHIVE/Russian/Parlament_Ethic/ParL_Ethic_1.shtml). 06.03.06

эркинликлар берадиган имкониятларни ошириб боришнинг демократик воситасини шакллантириш билан боғлиқ асосий кафолатдир<sup>64</sup>.

Шу билан бирга, кўпчилик ривожланган мамлакатларда бошқарув кадрлари муаммолари соҳасида тадқиқот олиб борган олимлар фақат раҳбар кадрнинг ижобий сифатларини таҳлил этишдан ташқари, унинг салбий хусусиятларини ҳам ўрганишига мухим аҳамият қаратган. Бу соҳада узоқ давр мобайнида олиб борилган тадқиқотлар натижасида “кучсиз раҳбар”нинг қўйидаги сифатлари таҳлил этилган:

- раҳбар режаларини бузиб турадиган, олдиндан эътиборга олинмаганлигидан рўй бериб турадиган нохуш ҳолатларнинг кўплиги. Албатта, бу каби ҳолатлар кўпинча “тасодифлар”, деб баҳоланса-да, у раҳбарнинг воқеалар ривожини олдиндан кўра билиш қобилияти пастлигини, бу йўналишда у ахборотлар йигмаганлиги, бошқа шунга ўхшаш ҳолатларни чукур таҳлил этмаганлигини билдиради;

- “очиқ эшиклар” усули асосида ишлап, яъни бошлиқ хонасига ҳар қандай ходимнинг исталган масала бўйича хоҳлаган пайтда кириш имкониятининг мавжудлиги (унга қарама-қарши бўлган усул – ходимлар ва бошқа бегоналарнинг раҳбар қабулхонасида вақтни соатлаб бекор ўтказиши ҳам самараисиз бўлгани каби). Бу каби раҳбар иш столида қоғозлар ва ҳужжатлар тўлиб кетади, уларнинг ичидан керакли ҳужжатни топиш амри маҳолдир;

- узоқ нутқ сўзлашга ва давомли мажлисларга мойиллик, турли панд-насиҳатлар қилиш, бўйсунувчилар билан узоқ масофада туриш, ўзининг айбизлигига ишониш, ўзини бошқалардан ишchan қилиб кўрсатиш;

- саҳардан бошлаб то яrim кечагача ишлапга мойиллик, тезда ҳал қилиш керак бўлган ишларни уйга олиб келиб бажариш одати, умумий маданий савия ва интеллектуал салоҳиятнинг пастлиги;

- стереотип (бир қолиғга тушган, тор) фикрлашга (“касбий деформация”га) мойиллик: раҳбарнинг ишчанлик сифатини событқадамлик белгилари асосида баҳолаш шакллантирилади,

<sup>64</sup> Высшие административные кадры и устройство Европы.–Москва: Посольство Франции в Москве, 1999. – С. 36-37.

хушомадгўй, дангаса ва гўёки “тиришкоқ” одам образида бўлади, бу каби баҳолашларнинг ўзгариши жуда ҳам қийин бўлади<sup>65</sup>.

Албатта, баъзи ҳолларда раҳбар кадрлар фаолиятида учрайдиган бу каби сифатлар ривожланишининг ҳозирги босқичида ўз аҳамиятини йўқотиб бормоқда. Ривожланишни истаган ҳар бир бошқарув органининг ўзининг катта ёки кичиклигидан қатъи назар, замонавий талабларга жавоб бера оладиган раҳбар кадрларни жалб этишга бўлган мойиллиги ошиб бормоқда. Чунки замонавий раҳбар кадрларга бўлган талабларнинг ўсишига жаҳондаги глобаллашув ва интеграциялашув жараёнлари, мамлакатлар ва давлатлар ўртасида турли ҳалқаро ташкилотларнинг кўпайиб бориши ҳам кучли таъсир кўрсатмоқда. Кўйида келтирилаётган ривожланган мамлакатларда “раҳбар кадрларга нисбатан қўйиладиган устувор талаблар ўрнининг ўзгариб туриш динамикаси” жадвали<sup>66</sup> фикримизга асосли далил бўла олади.

1975 – 1985 йй.	1985 – 1995 йй.	1995 – 2005 йй.	Тадқиқот хуносаси 2016
Шахсий ютуклар Шахсий алоқалар Лояллик (холислик) Тадбиркорлик Етакчилик Таҳлил этиши кобилияти Дадиллик Самарадорлик Истиқболни жўра олиш Зехнлилик	Тадбиркорлик Компетентлилик Етакчилик Самарадорлик раҳбарлик Мослашувчанлик Таҳлил этиши кобилияти Зехнлилик Истиқболни кўра олиш Муаммоларни ечиши Коммуникабеллиги	Етакчилик Самарадорлик раҳбарлик Истиқболни кўра олиш Келишувчанлик Ташаббускорлик Роллар алмашинувига чидамлилик Зехнлилик Тадбиркорлик Таҳлил этиши кобилияти Муаммоларни ечиши	Интеграцион жараёнларни англаш Давр даъватларига хослик Инновацион ва технологик тафаккур Илмий ва тизимли тафаккур Профессионализм ва лаёкатлилик Миллий қадриятларга садиклик Гуманизм Вазиятни реализм ва ҳаққоний баҳолаш Халоллик ва одиллик

<sup>65</sup> Кноринг.В.И. Основы искусства управления. –Москва: Дело, 2003. –С. 139-142.  
<sup>66</sup> Ўша манба. – С.147-148.

Албатта, ривожланган мамлакатларда раҳбар кадрлар тайёрлаш ва танлашнинг замонавий тизимини такомиллаштириш, унинг демократик тамойиллар ва қадриятлар асосида амал қилишини таъминлашга доир чукур тасаввурларга эга бўлиш учун уларнинг айримларини алоҳида-алоҳида тарзда ўрганишга зарурият туғилади. Чунки бу соҳада барча ривожланган мамлакатлар учун умумий бўлган қоидалар, тамойиллар ва хусусиятлардан ташқари бир неча асрлар давомида шаклланиб, сингиб кетган миллий жиҳатлар ҳам мавжудки, уларсиз бу мамлакатларнинг турли даражадаги бошқарув тизимларидаги раҳбар кадрлар тайёрлаш ва танлаш тизимини англаш қийин кечади.

Жумладан, Францияда давлат хизмати ишларига кадрларни танлаш анча мураккаб жараёнлардан иборат. Республика Конституциясида фуқаронинг ўзи олижаноб ва истеъодли бўлса, у ўзининг қобилиятига биноан бошқа ҳеч кимнинг кўмагисиз барча турдаги давлат ва жамоат лавозимларига, шунингдек, турли даражага ва хизматларга эришиши мумкинлиги, бу соҳада қонунлар барча фуқароларга тенг имкониятлар яратиб бериши қайд этилган. Шунингдек, фуқароларнинг бу соҳадаги имкониятлари фақатгина уларнинг кўрсатган хизматлари ва қобилиятларига биноан фарқланиши мумкин, холос<sup>67</sup>.

Мансабга қабул қилишда инсонларнинг ирқи, миллати, эътиқоди ва жинсидан қатъи назар, тенг ҳукуқлилиги эътироф этилади. Масалан, шахснинг сиёсий қарашларидан келиб чиқиб уни камситиш, унга нисбатан турли чекловлар ўрнатиш ман этилади. Мазкур тамойил 1954 йил 28 майда Франция Давлат кенгаши томонидан Барел иши юзасидан чиқарилган қарорга қўшимча равиша қабул қилинган. Шунингдек, 1983 йил 13 июнда қабул қилинган “Давлат хизматчилари тўғрисида”ти қонунга киритилган ўзгартишда кадрларни давлат хизматига ишга олиш учун 5 та асосий талаб кўрсатилган<sup>68</sup>. Улар:

- Франция фуқаролиги;
- сиёсий ҳукуқларга эгалик;
- қонунларни бузмаганлик;

<sup>67</sup> Қаранг: Ведель Ж. Административное право Франции. –Москва: Знание, 1973. –С. 140.

<sup>68</sup> Қаранг: Ардан Ф. Франция: государственная система. –Москва: Французское посольство в Москве, 1994. –С. 10.

- армияда хизмат қилиш билан боғлиқ қонунларга хайриҳоҳлик;

- жисмоний соғломлик каби талаблардир<sup>69</sup>.

Шунингдек, давлат хизматчилини фуқароларнинг қоникиши олишлари учун қуйидаги уч соҳада кадрларни тайёрлашнинг таянч асослари ролини ошириш мўлжалланмоқда:

биринчидан, маълум касблар учун энг сифатли кадрларни танлаш, уларнинг ўз касбларига мойиллигини ошириш, ўз касбларига хурмат билан қарашларини шакллантириш;

иккинчидан, кадрларнинг олган умумий маълумотларига қўшимча равища хизмат учун зарур бўлган касбий компетентлигини оширишга эътибор бериш;

учинчидан, ҳар бир хизматчининг шахсий сифатларини мустаҳкамлаш, уларнинг хизмат погоналаридан кўтарилишига шартшароитлар яратиш<sup>70</sup>.

Хуллас, Франция Республикасида давлат хизмати кадрлари тизимини замонавийлаштириш ислоҳотлари бир неча юз йиллардан бўён мамлакат тарихида шаклланган миллий анъаналар ва XX асрнинг иккинчи ярмида авж олган демократик тамойиллар синтези натижаси ўлароқ амалга оширилади. Шунингдек, мамлакат Европа Иттифоқининг энг асосий давлатларидан бири сифатида атроф давлатларда шаклланган, ҳалқаро ҳужжатларда ифодаланган тажрибаларни ҳам бу соҳадаги миллий амалиёт билан ўйғуллаштириб боради. Умуман олганда, бу соҳадаги Франция давлати тажрибаси барча ўтиш даврини ўз бошидан кечираётган мамлакатлар учун намуна бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Хитой давлатида 2006 йил 1 январда “Давлат хизматлари тўғрисида”ти қонун қабул қилинган. Мазкур Қонун қуйидаги жиҳатларни қамраб олган:

1. Давлат хизматчисининг мажбуриятлари.
2. Давлат хизматчисининг ваколатлари.
3. Давлат хизматига олиш тартиби.
4. Давлат хизмати мансаб вазифаларига тайинлаш тартиби.

<sup>69</sup> Государственная служба и государственные служащие во Франции (Второе издание). –Москва: Посольство Франции в Москве, 1994. –С. 70.

<sup>70</sup> Le personnel administratif supérieur et la construction Européenne. Moscou: Ministère des Affaires Etrangères, 2003. –Р. 45.

5. Давлат хизматчиларини рағбатлантириш турлари.
6. Давлат хизматчисини жағобгарликка тортиш асослари.
7. Давлат хизматчисини хизмат вазифасида күтариш ва тушириш тартиби<sup>71</sup>.

Мазкур қонун асосида давлат хизматчисига қўйиладиган ахлоқий талаблар белгиланади.

Канадада 2003 йилда қабул қилинган “Давлат хизмати этикаси ва қадриятлари тўғрисида”ги Кодекс тўртта тамойилга асосланади:

1. Демократик тамойил – қонун доирасида жамият манфаатларига хизмат қилиш.
2. Профессионаллик тамойили – самарали объектив малакали хизмат кўрсатиш.
3. Этикаий тамойил – ҳар доим ижтимоий ишончни саклаб туришга ҳаракат қилиш.
4. Инсонийлик тамойили – давлат ходимларининг фуқаролар билан самимий мулокоти адолат ва ҳурмат асосида ташкил этилиши лозим<sup>72</sup>.

Японияда 1947 йил 21 октябрда қабул қилинган “Давлат хизматчилари тўғрисида”ги қонуннинг ўзига хос жиҳатлари шундаки, мазкур қонуннинг ижросини таъминлаш Вазирлар Маҳкамасининг Хизматчилар иши бўйича Кенгаши вазифасига юклатилган. Қонунда давлат хизматчилари икки гурухга ажратилади:

- A) Оддий хизматдаги ишчилар;
- B) Махсус хизматдаги ишчилар<sup>73</sup>.

Оддий хизматдаги ишчилар давлат хизматидаги уч миллиондан ортиқ кишини ташкил этади. Улар давлатта қарашли бўлган идораларда имтиҳонларни топшириш натижасида амалга киришади.

Махсус хизматдаги ишчилар давлатнинг олий бошқарув идораларига сайланадиган амалдорлар.

Япон бошқарув маданияти принциплари билан танишган одам бу жамиятдаги кишилар ва гурухлар ўртасидааги муносабатларда

қатъий тартиб, турли погоналар бўйича бўйсуниш принципи устувор эканига ишонч ҳосил қиласди. Аммо бу холат гуруҳ аъзоси бўлган шахсга нисбатан зўравонлик, тазиқ ва таҳқиқлашни англатмайди. Аксинча, япон бошқарув маданиятининг афзаллиги ва самарадорлиги шундаки, у гуруҳ аъзолари ўртасида муаммоларни оқилона ва амалий ёндашувлар асосида ҳал этишни кўзда тутадиган ўзига хос ички демократия принципларининг қарор топшишига имконият яратади. Бунда ишлаб чиқариш жараённида қатнашаётган барча ходимларнинг фикри, салоҳияти, ташаббускорлиги, умумий ишга кўшайтган хиссаси албатта инобатта олинади. Сирасини айтганда, раҳбарларнинг кўл остидаги ходимларга нисбатан бу қадар юксак ишончи ҳеч қаерда, ҳатто демократия ўта ривожланган мамлакатларда ҳам кузатилмайди. Эҳтимол, бу ҳол бутун дунёни ҳайратга солган “япон мўъжизаси” етакчи омилларидан бири бўлса ажаб эмас. У, албатта, факат миллӣ қадриятлар ва миллӣ менталитетта эмас, барча ривожланган Farb мамлакатлари эришган ютукларни ўзлаштириш, улардаги ижобий жиҳатларни сингдириш ва миллӣ шарт-шароитга мослаштиришга интилиб келган. Бир вақтлар таникли файласуф Ф.Юкити ушбу мамлакатнинг жадал тараққиёти ва гуллаб-яшнашига хизмат қилган назарий хулоса – Farb тамаддуни қадриятларини миллӣ анъана, хусусият ва идеаллар билан уйғунлаштириш, синтез килиш ғоясини илгари сурган эди. Умуман олганда, япон бошқарув маданиятининг мазмун-моҳияти ҳакида сўз борар экан, ўйлашимизча, уни шарқона анъанавийлик ва гарбона қадриятларнинг ўта ноёб мужассами ва муштарақлиги тимсоли десак муболага бўлмайди<sup>74</sup>. Япония бошқарув маданияти куйидаги куйидаги жадвалда акс эттирилган тамойилларга асосланади:

<sup>71</sup> Василенко, И. Современные административные реформы в Китае // Государственная служба. - 2005. - №6. -С. 152.

<sup>72</sup> Новые технологии государственного управления в зеркале канадского и российского опыта : монография / под ред. А. М. Марголина и П. Дутковича. -Москва, 2013 .-С. 272

<sup>73</sup> Полохало, Ю.Н. Революция Мэйдзи и реформы управления в Японии // Управленческое консультирование. - 2006. - №4. -С. 199.

<sup>74</sup> Ахмедов Х. Бошқарув маданияти: гарбона ва шарқона тамойиллар. / Жамият ва бошқарув. 2013 йил 2-сон, 95-99 бет.

№	Бошқарувдаги қадриятлар	Тамойиллар, қоидалар, ғоялар
1.	Анъаналар	Жамоавий фаолият олиб бориш, ҳамкорлик, ҳашар қилиш күнікмалари. Раҳбарга (етакчига) итоатда бўлиш, катта ёшдаги инсонни ҳурмат қилиш, оқсоқол, тажрибали кишиларга эъзоз кўрсатиш, ёшларга ғамхўрлик қилиш, бир-бирига ширин сўз, илтифот ва садоқатда бўлиш
2.	Корпоратив принциплар	Корхона идеалларига, мадҳияси, байроги, шиори, ишчи кийим, маҳсулот нишонига содиклик. Мутахассисларни танлашда адашмаслик, «яхши ходим – яхши ишловчи ходим», «ягона оила масъулияти». Ходимлар билан норасмий учрашувлар ташкил этиши (кафеда, саёҳат, ва ҳ.к.)
3.	Рағбатлантириш	Жамоа манфаатининг шахсий манфаатдан устуворлиги. Олдин иш – маблаг кейин. Ўз меҳнатидан ва бажарилган иш натижасидан қониқиши, турли имтиёзларнинг жорий этилиши. Меҳнат интизомини кўпол бузган равища ходимларни ишдан четлаштириш.
4.	Меҳнатга ҳак тўлаш	Ойлик, қўшимча ҳақ ва меҳнат натижасига мувофиқ мукофотлаш. Ойлик иш ҳақи ёшига, меҳнат стажига ва лавозимига қараб белгиланади. Бошқа ишга ўтиши билан маош даражаси ва имтиёзлар бошқатдан белгиланади. Иш ҳақи фарқи раҳбардан оддий ходимгача 10 мартадан ошмайди.
5.	Қадрларни танлаш	Йирик компанияларда умр бўйи ёлланиш, ҳар 3-5 йилда ходимларни доимий ротациядан ўтказиши, вазифа ва лавозимларини ўзгартириб туриш. Кичик корхоналарни ташкил этишига эътибор қаратиш.
6.	Илмий-техникавий ривожланиш	Жаҳонда энг янги технологияларни эгаллаш ва ишлаб чиқаришга татбиқ этиши, рационализаторликни рағбатлантириш ва кўллаб-куватлаш. Сифат – шараф, назорат – виждон.

Япониянинг бошқарув маданияти япон халқининг кўхна маданияти ва маънавий қадриятларига таяниши боис барча муамма ва зиддиятларни кўп боскичли, норасмий учрашувлар, маслаҳатлашув ва доимий мулоқот воситасида ҳал этиш амалиётига асосланганлиги билан ажralиб туради. Дейлик, аксарият Farb мамлакатларида ходим ва раҳбарият ўргасида низоли вазият вужудга келган ҳолларда, ўша заҳоти қонунга, судга мурожаат этилади. Гарчанд Японияда ҳам мукаммал қонунчилик тизими шаклланган бўлса-да, япон фуқароси хатто энг кескин низоли вазиятларда ҳам судга мурожаат этишдан ўзини тийишга уринади. У масалани раҳбарнинг нуфузи ва жамиятдаги мавқеига путур етказмасдан, норасмий келишув, яъни анъанавий усусларни кўллаган ҳолда ҳал этишига интилади. Эътиборли жиҳати шундаки, бундай ёндашув кундалик майший ҳаётда ҳам, давлат миқёсидаги масалаларни ҳал этишда ҳам бирдек кўлланади. Чунончи, раҳбарият ва ходим ўргасида низо пайдо бўлган ҳолларда корхона раҳбари ёки унинг ўринбосари норозилик кайфиятида юрган ходим билан бирон-бир жойда норасмий учрашиб, масалани ҳал этади. Бундай анъаналар ходимлар ва раҳбарлар ўргасидаги муносабатларни мустаҳкамлайди, жамоадаги ижтимоий-руҳий ва маънавий муҳитни соғломлаштиради, энг муҳими, ишчи-хизматчиларни корхона манфаатлари учун кайғуришга, тинимсиз изланиш ва ташаббус кўрсатиб меҳнат килишга ундейди.

Германия давлати бошқарувининг психологик муаммоларини ўрганиш бўйича кўплаб кимматли тажрибаларга бўлган немис психологи K. Левин раҳбарларни уч типга бўлиб ўрганганди. Улар:

- авторитар раҳбарлик;
- демократив раҳбарлик
- либерал раҳбарлик<sup>75</sup>.

Олим авторитар бошқарув услуби тўғрисида гапириб, ушбу типдаги раҳбарларга жамоа, жамоатчилек фикр-мулоҳазаларини инобатга олмаслик, танҳо ҳукм ва хулосалар чиқаришга одатланиш, жамоани қаттиққўллик билан бошқариш, ўзини якка хоким сифатида тан олиш каби сифатлар хос эканлигини таъкидлайди.

<sup>75</sup> Зайдениц Ш., Баркоу Б., Эти странные немцы / Пер. С англ. Москва: Эгмонт Россия Лтд 2001. –С. 12.

К.Левин одил бошқарув усули сифатида демократив ишлаш услугини тақлиф қиласи. Унинг фикрича, демократив услугдаги бошқарувчи жамоа фикри, гояси, муайян даражада қарорга келиши, ҳуқуқий тенгликка риоя қилиниши, эркинликнинг рўёбга чиқиши тўғрисидаги масалаларга оқилона муносабатда бўлади. Олим либерал бошқарувчиларни қатъиятсизлик ва принципсизликда айблайди. Бу услуг илмий жамоаларда, иноқ турхулардагина ижобий натижага беришини таъкидлайди.

Таникли маданиятишунос ва антрополог Р.Д.Льюиснинг фикрича, “Немислар бир тарафдан, уддабурон, совуқкон, калондимог бўлса, бошқа тарафдан, пишиқ-пухта ўйлаб, оқилона иш юритувчи тадбиркор инсонлардир”<sup>76</sup>. Дарҳақиқат, дунёқараси Кант, Гегель, Ницше, Гёте, Шиллер ва бошқа буюк мутафаккирлар илми-маънавий мероси таъсирида шаклланган немислар маданиятида ҳаётта ўта жиддий муносабатда бўлиш, енгилтаклик, лоқайдлик, беларволикнинг ҳар қандай кўринишларига муросасизлик, тартиб-интизомга риоя қилиш устувор аҳамият касб этади. Инглиз олимлари Ш.Зайдениц ва Б.Баркоуларнинг таъкидлашича, “Немислар ҳатто ўз ҳаёти ва меҳнат фаолиятини чигаллаштирадиган тартиб-қоидаларни ҳам бузмасликка, ҳар қандай ҳолатда тартиб-интизом сақланишига интилади”<sup>77</sup>. Бошқача қилиб айтганда, тартиб – ҳамма нарсадан муҳим, деган шиор ҳар бир немис фуқаросининг чинакам ҳаётий дастуриламалига, немис бошқарув маданиятининг, жумладан раҳбар ахлоқининг олий қадриятига айланган.

Албатта, турли тамаддунлар ва маданияларга мансуб мамлакатлар иктиносиди, ижтимоий-сиёсий ва маънавий-маданий тараққиётининг ўзига хослиги бошқарув маданиятининг муайян мезон ва принциплар асосида ривожланишини белгилаб берган. Масалан, Европа мамлакатларида асрлар мобайнида шаклланиб, сайқал топиб келган ижтимоий меъёрлар (ҳуқуқий, ахлоқий, ташкилий ва ҳоказо) таъсирида вужудга келган маданият барча ижтимоий институтлар, шу жумладан, бошқарувнинг маълум мезон ва принципларининг қарор топишига хизмат қилган. Дейлик,

<sup>76</sup>Майол Э., Милтед Д., Эти странные англичане, / Пер. Сангл. – Москва: Эгмонт Россия Лтд., 2001. –С.6.  
<sup>77</sup>Льюис Р.Д. Деловые культуры в международном бизнесе, От столкновения к взаимопониманию. / Пер. англ. Москва: Дело, 1999. –С. 251.

инглизлар бошқарув маданиятида бутун миллатга хос хусусиятлар номоён бўлади. Мутахассисларнинг таъкидлашича, инглизлар ўзларини қонунга сўзсиз итоат этувчи, хушмуомала, бағрикенг, қатъиятли ва адолатли кишилар деб хисоблайди. Қолаверса, инглизларга хос консерватизм, анъаналарга садоқат ва муомала маданияти ҳам азалдан тилларда достон бўлиб келган<sup>78</sup>. Масалан, аксарият инглиз компанияларида раҳбарият буйруклари ҳеч қачон қатъий оҳангда берилмайди. Бундай ҳолларда кўпинча “Марҳамат килиб...”, “Мана бу ишни қилсангиз дегандим”, “Малол келмаса...”, “Илтимосимни бажо келтирасиз деган умиддаман” каби иборалар ва сўз бирикмаларидан фойдаланиш азалдан урф бўлгани инглизча бошқарув маданиятининг ўзига хослигидан далолат беради<sup>79</sup>.

Бир қатор ҳалқларнинг ўзаро бирикуви, синтезлашуви негизида шаклланган америкаликлар бошқарув маданияти азалдан ўзининг ўта прагматик, амалий мақсадларга йўналтирилгани, бу борада инсон омили, унинг ижтимоий-психологик жиҳатларига алоҳида эътибор қаратиши билан дикқатга сазовордир. Айниқса, XX асрнинг биринчи ярмида вужудга келган концептуал ёндашувлар бошқарув маданиятининг шаклланиши ва ривожланишида алоҳида ўрин тулади.

Бу ўринда америкалик олим Ф.Тейлор томонидан илгари сурилган ва кейинчалик “тейлоризм” дея юритилган концепция американча бошқарув маданияти ривожида муҳим кадам бўлди<sup>80</sup>. Бу ёндашувнинг мазмун-моҳияти шундан иборатки, унда инсон омилига, айниқса ишчи-хизматчиларнинг ижтимоий-руҳий дунёсига жиддий эътибор қаратиш, раҳбарларнинг бошқарув маданиятини такомиллаштириш, раҳбарлар ва ходимлар ўртасидаги келишмовчиликларни бартараф этиш, кишилар руҳиятига таъсир ўтказиш орқали меҳнат унумдорлигини ошириш масалалари устувор аҳамият касб этади.

Бу ёндашув кейинчалик американлик таникли олим Э.Мейонинг “Инсоний муносабатлар концепцияси”да ривожлантирилиб,

<sup>78</sup> Макашов И.Н., Овчинникова Н.В., Чистякова К.А. Этика и культура управления. Москва: Спутник, 2010. –С. 128.

<sup>79</sup> Ахмедов Ҳ. Бошқарув маданияти: гарбона ва шарқона тамоиллар. Жамият ва бошқарув. 2013 йил, 2-сон. –Б. 95-99.

<sup>80</sup> Льюис Р.Д. Деловые культуры в международном бизнесе, От столкновения к взаимопониманию. / Пер. англ. Москва: Дело, 1999. –С. 251.

бошқарув маданиятини янги босқичга күтаришга хизмат қилған эди. Бу оқим намояндалари раҳбарларнинг ходимлар билан ўзаро мулоқоти, яъни муомала маданиятини тубдан такомиллаштириш, “ходимларга нисбатан юмшоқ муносабатда бўлиш”, “бошқариш жараёнини демократлаштириш”, “шахс қадр-қимматини ҳурмат қилиш”, бошқаришда унинг руҳий кечинма ва психологик ҳусусиятларини зътиборга олиш, бошқача айтганда, одамларни самарали бошқаришнинг муҳим шарти – раҳбар ва ходимлар ўртасидаги шахслараро муносабатларнинг қарор топтирилиши лозимлигини таъкидлайди. Америка Кўшма Штатларининг бошқарув маданияти ривожига муҳим хисса бўлиб қўшилган бундай концептуал қарашлар кўп йиллар мобайнида корпорация, компания ва фирмалар фаолиятида кўлланилди. Аммо XX асрнинг иккинчи ярмида Америка жамиятида индивидуализм фалсафасининг қарор топиши, американлик социолог Д.Рисмен ибораси билан айтганда, “ёлгизланиб қолиш феномени”нинг яққол намоён бўлиши “инсоний муносабатлар концепцияси” таъсирининг пасайишига олиб келди<sup>81</sup>.

Америкалик олим Л.Лайкерт бошқарув услубининг самарадорлигини ошириш муаммосини ўрганиб, раҳбарлик услубида мажбур қилиш усуllibаридан фойдаланмаслик кераклигини таъкидлайди ҳамда энг оқилона усул сифатида ишонтириш усулини тақлиф қиласди.

Инглиз олими М.Мексоннинг изоҳлашича, раҳбар фаолиятининг самарадорлиги, энг аввало, коммуникация самарадорлигига боғлиқдир. Коммуникация самарадорлиги эса қуйидагилар билан изоҳланади:

- 1)Кишилар билан яккама-якка сұхбат олиб бориш қобилияти;
- 2)Телефонда сўзлашиб қобилияти;
- 3)Расмий ҳужжатларни тузиш ва ўқий олиш қобилияти;
- 4)Мажлисларда қатнашиш маданияти ва ҳоказо.

Муаллифнинг фикрича, ҳар бир раҳбар 50 – 90% гача вақтини коммуникацияга сарфлайди. Раҳбар қанчалик коммуникатив

қобилиятта эга бўлса, унинг раҳбарлигидаги жамоада шунчалик низоли ҳолатлар кам бўлади<sup>82</sup> деб таъкидлайди.

Таникли психолог Д.Карнеги бошқарув самарадорлигини раҳбар ва ходимлар ўртасида юзага келадиган муносабатлар, муомала жараёнлари билан боғлаб тушунтиради. Унинг фикрича, кўп гапиришни биладиган эмас, балки кўл остидаги ходимларни кўпроқ эшита оладиган раҳбар энг яхши раҳбар ҳисобланади. Раҳбарларда тинглаш қобилиятининг мавжудлиги унинг меҳнат жамоасида обрў топишида, ўзига нисбатан ишонч ҳосил бўлишида, одамларни ортидан эргаштира олишида муҳим ўрин тутади<sup>83</sup>.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, жаҳон тажрибасини ўрганиш натижалари шуни кўрсатадики, раҳбарнинг ахлоқий сифатлари, давлат хизматчиларининг фаолияти мезонлари қуйидаги жадвалда кўрсатилган қонун ҳужжатлари билан мустаҳкамланганлигига гувоҳ бўламиш:

№	Давлат номи	Қабул қилинган ҳужжатнинг номи	Қабул қилинган йили	Ўзбекистон мисолида
1	Америка Кўшма Штатлари	“Хукумат хизматига онд ахлоқ кодекси”	1958 йил	Қабул қилинмаган
2	Америка Кўшма Штатлари	“Давлат хизматларини ислоҳ қилиш тўғрисида”ги Қонун	1978 йил	Қабул қилинмаган
3	Канада	“Давлат хизмати этикаси ва қадриятлари тўғрисида”ги Кодекс	2003 йил	Қабул қилинмаган
4	Франция	“Давлат хизматчилари тўғрисида”ги Қонун	1983 йил	Қабул қилинмаган
5	Германия	“Федерал амалдорлар	1953 йил	Қабул қилинмаган

<sup>81</sup> Ахмедов Х. Бошқарув маданияти: гарбона ва шарқона тамойиллар. / Жамият ва бошқарув. 2013 йил 2-сон. –Б. 95-99.

<sup>82</sup> Майлол Э., Милтед Д.. Эти странные англичане, / Пер. С англ. – Москва: Эгмонт Россия Лтд., 2001. –С.6.

<sup>83</sup> Д.Карнеги. Мансаб пиллапояларидан қандай кўтарилиш мумкин. И.Ҳалимбеков, Р.Жабборов таржимаси. Тошкент: Янги аср авлоди. 2016. –Б.36.

6	Италия	“Давлат хизматига доир Қонун”	1983 йил	Қабул қилинмаган
7	Испания	“Давлат хизматларини ислох килиш түгрисида”ги Қонун	1984 йил	Қабул қилинмаган
8	Япония	“Давлат хизматчилари түгрисида”ги Қонун	1947 йил	Қабул қилинмаган
9	Хитой	“Давлат хизматлари түгрисида”ги Қонун	2006 йил	Қабул қилинмаган
10	Қозогистон	“Давлат хизматлари түгрисида”ги Қонун	2000 йил	Қабул қилинмаган
11	Тоҷикистон	“Давлат хизматлари түгрисида”ги Қонун	1998 йил	Қабул қилинмаган
12	Қозогистон	Давлат хизматчисининг одоб-ахлоқ нормалари	2017 йил	Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 2 мартағи “Давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ходимларининг одоб-ахлоқ намунавий қондалари”
13	Тайван	“Ахлоқий тартиб назорати”	1986 йил	Қабул қилинмаган
14	Ҳиндистон	“Коррупцияга карши кураш”, “Жамоатчилик ахлоқи миллий бошқармаси”	1982 йил	Қабул қилинмаган
15	Аргентина	“Ахлоқий масалалар бўйича вакиллик	1978 йил	Қабул қилинмаган
16	Англия	“Ахлоқий масалалар бўйича вакиллик	1976 йил	Қабул қилинмаган

Мазкур таҳлиллардан келиб чиқиб, миллий ва халқаро тажрибаларни ҳисобга олган ҳолда “Давлат хизматчилари түгрисида”ги Қонунни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш лозим. Қонун

лойихасида алоҳида модда сифатида “Хизматчиларнинг ахлоқий кодекси”ни ишлаб чиқиш зарурлиги белгилаб қўйилиши тавсия этилади. Мазкур кодекс давлат хизматчилари фаолиятни ахлоқий жиҳатдан тартибга солувчи муҳим ҳужжат деб ҳисоблаймиз.

## П. АДОЛАТЛИ БОШҚАРУВНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ МАСАЛАЛАРИ

### 2.1. Раҳбар ахлоқи мезонларининг ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий асослари

Мустақиллик даврида сабиқ иттифоқ тузуми томонидан яратилган бошқарув жараёнидаги ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маънавий-маданий ва мағкуравий тартибларни ислоҳ килиш барча соҳаларни қамраб олди. Бу борадаги ислоҳотларнинг қандай тартиб ва йўналишларда амалга оширилиши Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти И.А.Каримов томонидан баён қилинган тамойилларда аниқ белгилаб берилди.<sup>84</sup> Бу тамойилларнинг амалий ҳаётта татбиқ этилиши эса айнан раҳбарларнинг ахлоқий сифатлари билан ҳам чамбарчас боғлиқ ҳолда намоён бўлди. Чунки бугунги кунда ҳар қандай раҳбар ўзини ҳар жиҳатдан тарбиялаб олган бўлиши лозим. Бунинг учун нафақат унинг ижтимоий-сиёсий билимдонлиги балки инсонпарварлик сифатлари ҳам юксак бўлиши лозим. Зеро, жаҳон тажрибалари асосида шаклланган илгор бошқарув тизимида ҳам ахлоқ месъёрлари устувор аҳамият касб этган.

Раҳбар ахлоқини ривожлантирувчи ҳуқуқий асослар мамлакатда қабул қилинган қонунлар, норматив-ҳуқуқий хужжатлар билан белгиланади. Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси мансабдор шахс сифатида раҳбар фаолиятини тартибга солувчи асосий манба ҳисобланади. Асосий қонуннинг 2-моддасида “Давлат ҳалқ иродасини ифода этиб, унинг манфаатларига хизмат қиласди. Давлат органлари ва мансабдор шахслар жамият ва фуқаролар олдида масъулдирлар”<sup>85</sup> деб белгилаб қўйилган. Давлат ва ҳалқ доимо ўзаро чамчарчас боғлиқ бўлиб, қаерда ҳокимият ҳалқнинг қўлида бўлса, унга хизмат қиласа ва унинг иродасини ифода этса, бу давлат демократик давлат сифатида зътироф этилади. Ҳалқ манфаатларини таъминлаш, уларнинг орзу-истакларини рӯёбга чиқариш ҳамда фаровон турмуш кечиришини таъминлаш раҳбарнинг ўз вазифасига қандай ёндашишига боғлиқ. Шунингдек, 14-моддада

“Давлат ўз фаолиятини инсон ва жамият фаровонлигини кўзлаб, ижтимоий адолат ва қонунийлик принциплари асосида амалга оширади” дейилади. Мазкур норманинг мухим томони шундаки, давлат ўз фаолиятини қонунийлик принципи асосида амалга оширади. Қонунийлик принципи деганда, аввало қонунларнинг ва улар асосида қабул қилинган бошқа хужжатларнинг давлат органлари, мансабдор шахслар, фуқаролар томонидан аниқ ва оғишмай бажарилиши лозимлиги тушунилади.

Бошқарув ва раҳбар ахлоқи билан боғлиқ муносабатларни тартибга солища замон талабига жавоб берувчи бошқарув идора усуслари, кадрлар ахлоқий-касбий салоҳиятдининг ўлчов мезонларининг ҳуқуқий асослари сифатида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасиининг 2016 йил 2 мартағи 62-сонли қарори билан тасдиқланган “Давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ҳодимларининг одоб-ахлоқ намунавий қоидалари”<sup>86</sup> аҳамияти катта албатта. Ушбу қоидаларнинг асосий мақсади давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ҳодимлари одоб-ахлоқининг ягона принциплари ва қоидаларини белгилаш, уларнинг ўз хизмат вазифаларини вижданан ва самарали бажаришлари учун шарт-шароитлар яратиш, давлат хизматида суиистемолликларнинг олдини олишга қаратилган.

Қарорда белгиланишича, ушбу қоидалар эгаллаб турган лавозимидан қатъи назар, давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ҳодимларининг касбий одоб-ахлоқининг умумий принциплари ва хизматдаги хулқ-атворининг асосий қоидалари йигиндисидан иборат. Мазкур хужжатнинг эътиборли жиҳати шундаки, давлат хизматчиларининг фаолиятида қоидалар ҳуқуқбузарликнинг олдини олишга, улар содир этилишининг сабаб ва шарт-шароитларини бартараф этишга, давлат хизматчиларини юксак ҳуқуқий онг, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, қонунлари ва бошқа норматив-ҳуқуқий хужжатларига, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига қатъий риоя килиш руҳида тарбиялашга йўналтирилганлиги билан аҳамиятлиdir.

<sup>84</sup> Каримов И.А. Миллий истиқбол, иқтисод, сиёсат, мағкура. Т.1.-Тошкент: Ўзбекистон, 1996. -Б. 248.

<sup>85</sup> Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. -Тошкент: Ўзбекистон, 2017. -Б. 3.

Давлат органларида фаолият олиб бораётганлар мазкур қоидалар билан таништирилиши ҳамда унга риоя этиши шартлиги:

биринчидан, ўз ишига бўлган масъулиятини оширишга ундаса;

иккинчидан, ходимларнинг ўзаро муносабатларида юксак маънавий-ахлоқий фазилатларни шакллантиришнинг ягона услуги эканлигидан далолат беради.

Масаланинг муҳим жиҳатларидан бири шуки, давлат хизматчисининг мазкур қоидаларга риоя этиши касбий фаолиятини ва хизматдаги ҳулқ-атворини баҳолаш мезонларидан бири хисобланиши таъкидланган.

Давлат хизматчилари ўз касбий фаолиятини куйидаги принциплар асосида амалга оширишлари керак:

- қонунийлик;
- фуқаролар ҳукуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларининг устуворлиги;
- ватанпарварлик ва хизмат бурчига фидоийлик;
- давлат ва жамият манфаатларига содиқлик;
- адолатлилик, ҳалоллик ва холислик;
- манфаатлар тўқнашувига йўл қўймаслик.

Давлат хизматчилари ўз фаолиятида:

- хизмат вазифаларини бажаришда давлат принциплари ва талабларига қатъий риоя этиш;
- ўз хизмат вазифаларини вижданац, юксак касбий даражада бажариш;
- юқори давлат органлари ва мансабдор шахсларининг ўз ваколатлари доирасида қабул қилган (берган) қарорларини (топширикларини) ўз вақтида ва сифатли бажариш;
- ўз фаолиятини қонун ҳужжатларида ва ички ҳужжатлarda белгиланган лавозим ваколатлари доирасида амалга ошириш;
- ўз хизмат вазифаларини бажаришда бирор-бир шахслар, гурухлар ёки ташкилотларга ён босмаслик ва устунлик бермаслик, уларнинг таъсиридан мустақил бўлиш, фуқароларнинг ҳукуқлари, мажбуриятлари ва қонуний манфаатларини ҳисобга олиш, камситиш ҳолатларига йўл қўймаслик;

- ўз хизмат вазифаларини бажаришига тўскинилик қилувчи бирор-бир шахсий, мулкий ва бошқа манфаатларнинг таъсири билан боғлиқ бўлган ҳатти-харакатларга барҳам бериш;

- норматив-хукукий ҳужжат ва идоравий ҳужжатларда белгиланган чеклашлар ва тақиқларга риоя қилиш, ўз хизмат вазифаларини оғишмай бажариш;

- ўз хизмат фаолиятига бирор-бир таъсири кўрсатиш имкониятига барҳам бериш;

- Ўзбекистон Республикаси ва бошқа давлатлар халқларининг урф-одатлари ва анъаналарини хурмат килиш, турли этник, ижтимоий гурухлар ва конфессияларнинг маданий ҳамда бошқа ҳусусиятларини ҳисобга олиш, ижтимоий барқарорликка, миллатлараро ва конфессиялараро тотувликка кўмаклашиш;

- ўзларнинг хизмат вазифаларини вижданан бажаришда шубҳа пайдо қилиши мумкин бўлган ҳулқ-атвордан ўзини тийиш, шунингдек ўз обрўсига ёки давлат органининг нуфузига зарар етказишига қодир бўлган вазиятларга йўл қўймаслик;

- хизмат мавқеидан давлат органлари, бошқа ташкилотлар, уларнинг мансабдор шахслари, шунингдек, фуқаролар фаолиятига ноқонуний таъсири кўрсатиш учун фойдаланмаслик;

- давлат органида хабарларни ва хизмат ахборотларини тақдим қилишининг белгиланган қоидаларига риоя этиши белгилаб қўйилди.

Раҳбар ўзига бўйсунувчи ходимларга нисбатан:

- юкори профессионализм;
- софлик ва адолатда ўрнак бўлиши;
- давлат органида ёхуд унинг таркибий ёки худудий бўлинмасида маънавий-психологик мухит шаклланишига кўмаклашиши лозим;

- у бўйсунувчи ходимлардан уларнинг хизмат вазифалари доирасидан чиқиб кетадиган топширикларни бажаришини талаб килмаслиги;

- шунингдек, қонунга хилоф ҳатти-харакатларни содир этишига ундумаслиги керак<sup>87</sup>.

<sup>87</sup> Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й., 9-сон, 94-модда.

Раҳбар ва ходим муносабатларининг юқоридаги ахлоқ нормаларига асосланиши мухимdir. Зеро, бошқарувда раҳбар ўз ходимларининг режаларини билиши, тўғри баҳолай олиши, шунингдек, билимлари ва хатти-ҳаракатларини кузатишдан иборат бўлган мулоқотнинг тўғри ташкил этилиши, биринчидан, ташкилотнинг кучлилигини таъминлашга катта ёрдам беради, иккинчидан раҳбарга номуносиб иллатларнинг юзага келишига чек қўйиб, бошқаришни ҳам осонлаштиради. Раҳбар ўз ходимларининг мавжуд руҳий ҳолати ва хулқ-авторини ҳисобга олмаслик, бъозан раҳбар ва ходим ўртасида ихтилофларнинг келиб чиқишига сабаб бўлади. Шунинг учун раҳбарнинг кескин эътиrozлари, талаблари қанчалик қаттиқ бўлмасин, у вазмин, изчил ва холис бўлиши мулоқот самараదорлигини таъминлайди.

Раҳбар кадрларни қариндошлиқ, ҳамشاҳарлик ёки шахсий садоқат белгилари бўйича таъланаш ва жой-жойига қўйиш ҳолатларига йўл қўймаслиги керак. У гурӯхбозлик, маҳаллийчилик, фаворитизм кўринишларининг, шунингдек, ўз хизмат вазифаларини бажариш жараёнида бошқа салбий омилларнинг қатъий равишда олдини олиши лозим<sup>88</sup>, аks ҳолда бошқарув фаолиятида низо келиб чиқиши мумкин.

Раҳбар ўз фаолияти давомида манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш ва уларни тартибга солиши юзасидан ўз вақтида чоратадбирлар кўриши, коррупциянинг олдини олиш чораларини кўриши, ходимларни самарали бошқариши, ўзига ишониб топширилган мулкка ва молиявий маблағларга эҳтиёткорлик ва тежамкорлик билан муносабатда бўлиши шарт. Раҳбар ўзига бўйсунувчи, хизматдаги хулқ-автори принциплари ва қоидаларини бузадётган ходимларнинг хатти-ҳаракатларига (ҳаракатсизлигига) йўл қўйилмаслиги чораларини кўрмаганлиги учун жавоб беради.

Тажриба шуни кўрсатаяттики, ходимлар ўз меҳнат фаолиятидан қанчалик қониқиши ҳосил қиласа, мухит ҳам соғлом бўлади. Ортиқча зиддиятли муносабатларга ўрин қолмайди. Жамоада соғлом мухитни вужудга келтириш борасида раҳбарнинг роли жуда катта. Агар у ахлоқий нормаларга амал килиб, бундай муносабатни

ходимларнинг кундалик меҳнат фаолиятида татбиқ эта олса, жамоада нафқат соғлом мухит, балки ишлаб чиқариш самараదорлиги юқори бўлади. Баъзан, раҳбарлар қаттиқкўйлик килиш керак деган тушунча билан жамоадаги мухитни таранглаштиради, асабийлик ҳолати вужудга келади, сурункали чарчоқ, ўзаро ишончсизлик, умидсизлик бевосита катта ихтилофларга олиб келади.

Иш жараёнида давлат хизматчилари хушмуомала, илтифотли, одбли, эътиборли, фуқаролар ва ҳамкаслари билан муносабатда сабр-тоқатли бўлиши, уларни хурмат қилиши шарт. Давлат хизматчилари ўзига бўйсунувчиларга ва фуқароларга нисбатан кўполлик қўймаслиги, одамларнинг шаъни ва қадр-қўмматини камситмаслиги, уларга асоссиз психологик ва жисмоний таъсир кўрсатиш ҳолатларига йўл қўймаслиги керак.

Хизмат вазифаларини бажариш чоғида иш шароитлари ва хизмат тадбирларининг шаклига боғлик ҳолда давлат хизматчиларининг ташки кўриниши фуқароларнинг давлат органига нисбатан хурмат билан муносабатда бўлишига ёрдам бериши, умумий қабул килинган иш услугига мувофиқ бўлиши, улар расмийлиги, вазмиллиги ва тартибилилиги билан бошқалардан ажralиб туриши керак.

Давлат хизматчиси томонидан Одоб-ахлоқ қоидаларининг бузилиши уни қонун хужожатларида белгиланган тартибда жавобгарликка тортиш учун асос бўлиши мумкин.

Хужжатда “Давлат хизматчиси томонидан Одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этилиши аттестациялар ўтказишида, юқори ва бошқа лавозимларга тайинлаш учун кадрлар захирасини шакллантиришда ҳисобга олинади” деб таъқидланмоқда. Бизнинг фикримизча, мазкур нормага амал килиш давлат хизматчиси фаолиятининг кундалик мезонига айланмоғи лозим.

Бугунги кунда “айрим раҳбарларда лозим даражада масъулият ва ташаббускорликнинг мавжуд эмаслиги ҳудудларни комплекс ижтимоий-иктисодий ривожлантириш бўйича қўйилган вазифаларни ва мақсадли кўрсатмаларни ўз вақтида ҳамда сифатли бажаришга салбий таъсир килмоқда. Давлат хизматининг унификацияланган хуқукий асослари, уларнинг мақомини белгиловчи ягона нормалар,

<sup>88</sup> Ўзбекистон Республикаси қонун хужожатлари тўплами, 2016 й., 9-сон, 94-модда

давлат хизматчиларининг фаолиятини баҳолаш мезонлари шакллантирилмаганлиги давлат хизматчиларининг профессионал корпусини яратиш имконини бермаяпти. Шунингдек, ижро этувчи ҳокимият органлари ходимларини ижтимоий-моддий химоя қилишининг паст даражада эканлиги, юклатилган жавобгарлик даражасининг улар ижтимоий-хукукий ҳолатига мувофиқ келмаслиги, меҳнатга ҳақ тўлаш ва ижтимоий таъминот жамғармасини шакллантиришининг ягона тамойиллари мавжуд эмаслиги малакали кадрларнинг давлат хизматидан чиқиб кетиши ҳамда коррупциявий ҳолатлар, давлат томонидан ажратилаётган молиявий ресурсларнинг адолатсиз ва номутаносиб тақсимланиши учун шароит яратиши” Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 8 сентябрдаги ПФ-5185-сон Фармони билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикасида Маъмурй ислоҳотлар концепцияси”<sup>89</sup>нинг қабул қилинишига олиб келди.

Концепцияда профессионал давлат хизматининг самарали тизимини шакллантириш, ижро этувчи ҳокимият органлари тизимида коррупцияга қарши курашишнинг таъсирчан механизmlарини жорий этишда қўйидагилар назарда тутилганлиги белгилаб қўйилди:

- давлат хизматчиларининг профессионал корпусини яратиш мақсадида давлат хизматини ташкил этиш, шу жумладан, хукукий мақоми, давлат хизматчиларининг классификацияси, хизматта қабул қилишининг шаффоф механизmlари (танлов асосида), кадрлар заҳирасини шакллантириш, хизматни ўташ, ахлоқ нормаларига риоя этилишини таъминлаш масалаларини тартибга солувчи норматив-хукукий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш;

- Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурида ягона давлат кадрлар сиёсатини амалга ошириш учун маъсул бўлган ихтисослаштирилган органи ташкил этиш;

- давлат бошқаруви соҳасида мутахассислар тайёрлашнинг ва давлат хизматчилари малакасини оширишининг маҳсус таълим йўналишларини ишлаб чиқиш, шахсий ютуқ, билим ва касб маҳорати асосида уларнинг фаолияти самарадорлигини баҳолашнинг замонавий услубларини жорий этиш;

<sup>89</sup> Ўзбекистон Республикаси конун ҳужжатлари тўплами, 2017 йил 37-сон, 979-модда

- давлат хизматининг жозибадорлигини ошириш, коррупциянинг юзага келиш хавфи ва мансаб суистеъмолчилигини камайтириш имконини берадиган давлат хизматчилари меҳнатига ҳақ тўлаш ва ижтимоий таъминотининг замонавий тизимини яратиши;

- ижро этувчи ҳокимият органлари фаолиятининг шаффофлиги ва очиқлигини таъминлаш, жисмоний ва юридик шахсларга ахборот тақдим этишининг замонавий шаклларини жорий қилиш, жамият ва бизнес билан ўзаро ҳамкорлик қилишда ортиқча маъмурй сарф-харажатларга барҳам бериш лозимлиги таъсидланган.

Маъмурй ислоҳотларни амалга ошириш:

- ижтимоий-сиёсий ва ижтимоий-иктисодий ривожланишнинг муаммоларини ўз вақтида аниқлаш ва самарали ҳал этишга қодир бўлган, инновацион ривожланишнинг умумжаҳон тенденцияларига жавоб берадиган давлат бошқаруви тизимини яратиши, шу жумладан, қўйидагилар орқали:

- ортиқча ва ўзига хос бўлмаган вазифа, функция ва ваколатларни бартараф этиш, такрорлаш ва параллелизмни тугатиши хисобига давлат бошқаруви тизимини оптималлаштириш ҳамда номарказлаштириш;

- давлат бошқарувини бюрократиядан холи қилиш ва унинг сарф-харажатларини пасайтириш, бошқарув қарорлари қабул қилиш тизимининг фаолият самарадорлигини ва шаффофлигини оширишга эришилиши кутилмоқда<sup>90</sup>.

Албатта, амалга оширилаётган ислоҳотларнинг самараси бўлиши аниқ. Лекин ушбу самарадорликка эришишда қанақа механизmlардан фойдаланамиз? Бунда раҳбар ахлоқини белгилаб берадиган умумий сифатлар қандай бўлмоғи лозим? Шундай экан, раҳбарларнинг ахлоқий сифатларини ҳисобга олиш ёки аниқлаш нисбий ва мураккаб ёндашув, аммо муҳим жиҳат ҳисобланади. Шу сабабдан ҳам ушбу йўналишдаги илмий изланишларни кенгайтириш, унинг механизmlарини такомиллаштириш мақсадга мувофиқ. Чунки раҳбарнинг имтиёзларини кенгайтириш ҳали муаммо ҳал бўлди, дегани эмас. Бу жамиятдаги қатор ижтимоий омилларнинг уйгунилигига эришиш билан ҳам боғлиқ масала ҳисобланади. Аммо

<sup>90</sup> Ўзбекистон Республикаси конун ҳужжатлари тўплами, 2017 йил 37-сон, 979-модда

жамиятда шундай қатлам бўладики, уларнинг имтиёзлари бевосита Ватан, халқ тақдири билан уйғун келади. Кадрлар сиёсатининг моҳият-мазмуни ана шундай қатламнинг жамият ва давлат бошқарувига мос келишини таъминлашдан иборат.

Масаланинг ахлоқий жиҳатлари билан биргаликда унинг ижтимоий хусусиятларига ҳам тўхталиб ўтиш мухим. Жумладан, ҳар қайси даврда ҳокимиятга интилиш, унинг воситаларига эга бўлиш истаги сақланиб қолади. Бош масала мана шу интилиш ва истакларнинг қай даражада ахлоқийлиги ва қонунийлити таъминланганигидадир. Жамиятда ҳокимиятга интилиш ошкора, аниқ белгилаб қўйилган мезонлар ва талаблар асосига қурилмас экан, унга эришишнинг ноахлоқий, хуфёна кўринишлари сақланиб қолади. Давлат тизими асосларига катта зарар етказувчи тўрачилик, таъмагирлик, коррупция, пораҳўрлик каби иллатлар кучайиб боради. Шу ўринда рус олими П.Сорокиннинг “Одам эгаллаб турган вазифасига қанчалик номуносиб бўлса, у шунчалик даражада жамиятни муваффакият билан емиришга қодир”<sup>91</sup>, деб билдирган фикрлари кадрлар сиёсатининг мамлакат ҳаёти учун нақадар долзарб эканлиги тўғрисидаги қарашларимизни тасдиқлайди.

Шу ўринда раҳбар кадрларнинг салоҳият сифатларини аниқловичи ва белгиловчи механизмларни бошқарувнинг турли соҳа ва хусусиятларига мувофиқлаштирган ҳолда амалда жорий этишимиз зарурлиги кўриниб турибди. “...давлат хизматчисининг ахлоқи нафақат унинг муваффакиятларига, балки давлатнинг обрўсига ҳам кучли таъсир қиласи”<sup>92</sup>, дейди А. Бегматов. Афсуски, мамлакатимизда, ютуклар баробарида давлат бошқарувидаги раҳбар ходимларнинг турли даражада ўз хизмат вазифасини сунистеъмол қилиш ҳолатлари учраб турибди. Мавжуд иллатларнинг ижтимоий сабабларини аниқлаш, уларни келтириб чиқараётган омилларни таҳлил этиш давлат ва жамият бошқарувининг айrim заиф томонларини ойдинлаштиришга ёрдам беради. Давлат бошқаруви мунтазам равишда таҳлил этиб боришлиши ва унинг фаолият натижалари тегишли хулосалар билан мустаҳкамланиши лозим. Чунки жамият ривожи ва бугунги кунда қўйилаётган талаблар

<sup>91</sup> Сорокин П. Человек. Цивилизация. Общество. –Москва: Политическая литература. 1992. –С.424.  
<sup>92</sup> Бегматов. А. Давлат хизмати олоби. / Жамият ва бошқарув. № 3. 2004. –Б.8.

бизнинг ихтиёриздан ташқари ҳар дақиқада ўзгариб турибди. Шундай экан, бошқарувни назарий жиҳатдан таҳлил қилиб бориша эътиборни кучайтиришимиз зарур, деб ҳисоблаймиз.

Давлат ва жамият бошқарувида ахлоқий тамойилларнинг аниқ ишлаб чиқилган механизмлари мавжуд бўлса, бундай шароитда бошқарувга ватанпарварлик ва даҳлдорлик туйгулари кучли бўлган замонавий, шиъоаткор кадрлар келиши ортиб боради. Яъни, кадрлар танлашнинг аниқ механизмлари соғлом рақобатни шакллантиради, улар сифатини оширади, бошқарувда кадрлар ворисийлигини такомиллаштиради. Кадрлар салоҳиятини белгиловчи меъёрий мезонларнинг жорий қилиниши ва унга амал этилиши салоҳиятсиз бўлган кадрларнинг бир неча йиллаб бошқарув курсида ўтириб қолишининг олдини олади. Кадрларни тартибга солиш тизими жамиятда пайдо бўладиган илгор фикрларни давлат сиёсати даражасида акс этириш жараёнининг уйғунлигини таъминлашга хизмат қиласи. Туғунлик эса, маълумки, ҳар қандай янгиликнинг ривожини тўсувчи омил. Шу тариқа давлат бошқаруви идорасига “тирикчилик манбай” деб эмас, балки ахлоқий, масъул шахсларнинг ҳалқа хизмат қилиш воситаси сифатида қарааш тенденцияси кўпроқ шаклланган бўлур эди. Айнан ана шу муносабатларда раҳбар фаолиятининг ахлоқ масалаларини таъминлаш вазифалари намоён бўлади.

Мазкур вазифалардан келиб чиқиб, раҳбар ахлоқи билан боғлиқ икки ҳолатта алоҳида эътибор берилиши лозим, деб ўйлаймиз.

Биринчидан, раҳбарлар фаолиятига баҳо беришининг ахлоқий мезонлари ишлаб чиқилиши зарур. Улар бевосита раҳбарларнинг шахсий масъулиятини оширишта хизмат қилишига қаратилиши мухим.

Иккинчидан, лавозимни сунистеъмол қилган раҳбарларнинг иккинчи марта раҳбарлик лавозимларига (балки унинг даражасини ҳам кўрсатиш керакдир) қўйилмаслиги ва ушбу мезонлар раҳбарлик фаолиятининг ахлоқини белгилаши лозим.

Мавжуд носоғлом, гайриқонуний ҳолатларнинг сабабларини таҳлил қўйганимизда кўйидаги хулосаларга келамиз:

Биринчидан, айrim раҳбар кадрларнинг маннавий ва касбий салоҳиятининг бугунги кун талабларига жавоб бермаслиги, уларда

ватанпарварлик түйғусининг заифлиги ва бошқа яна кўплаб шахсий ахлоқий сифатларнинг йўқлигидир;

Иккинчидан, бу ҳолатни давлат ва жамият бошқарувидаги айрим конунларнинг номукаммалитиги, ноаниклиги, баъзан тартибга солиб турувчи механизм ва мезонларнинг йўқлигига намоён бўлади.

Раҳбар кадрларнинг касбий салоҳияти ва ахлоқий таснифлари борасида профессор М. Бекмуродовнинг таклифлари эътиборлидир. Жумладан, олим бошқарувда раҳбарлик лавозимларига номзодлар танлаш жараёнида бўлажак раҳбарнинг:

- воқеликка тизимли ёндашиши;
- муаммоларни умумлаштира олиши;
- имкониятларга реал баҳо бера олиши каби қобилиятларига эътибор қаратиш муҳим, дейди. Бозор иқтисодиёти ва миллӣ ўзликинглаш жараёnlарида жамиятнинг турли социал гуруҳларига монанд, яъни ўзгараётган ижтимоий жараёnlар мазмунини ўзида ифода этган кадрлар танлаш сиёсатини изчил олиб боришга эътибор қаратади. Ҳозирги замон раҳбари миллӣ маънавият заминида мустаҳкам турувчи, ҳалқ урф-одатларига хурмат билан муносабатда бўлувчи ва унга оқилона меъёрни кўллаб амал қилувчи, бу борада бошқаларга ибрат кўрсата оладиган фаолият юритувчи шахс бўлиши лозимлигини таъкидлайди. Раҳбарлик лавозимларига босқичма-босқич, белгиланган муайян муддатлар доирасида тайёрлашнинг давлат тизимини ишга тушириш, лавозимларга номзодлар захирасини яратиш ва уларнинг ижтимоий мавқеларга эришиш жараёnlари мониторингини йўлга қўйиш каби таклифларни билдиради<sup>93</sup>.

Раҳбар кадрларнинг касбий салоҳияти ва ахлоқий сифатларини аниқлаш борасида изланишлар олиб борган профессор М.Куроновнинг тавсиялари мавзумизни тўлдиради. Жумладан, давлат томонидан кадрлар олдига қўйилаётган талаблар таҳлили раҳбар кадрларни тайёрлаш, тарбиялаш, танлаш, жой-жойига қўйиш нуқтаи назаридан қўйидаги хуносаларни беради:

- жаҳон бошқарув педагогикаси ва психологияси, меҳнат социологияси ютуқларини кадрлар сиёсатида қўллаш тажрибасини умумлаштириш;

- раҳбар кадрлар шахсий фазилатларининг замонавий ва истиқболли моделларини яратиш ва синааб кўриш;

- муайян мансаб, лавозим профессиограммалари (масалан, жамоа хўжалиги раиси, завод директори, туман ҳокими ва ҳ.к.) талабларини аниқлаш;

- юқоридаги (талаблари аниқланган) вазифа, лавозимларга номзодларнинг мослигини аниқловчи объектив мезонларни белгилаш.

- очиқ ва ёпиқ танловлар технологиясини ишлаб чиқиши каби илмий-амалий вазифаларни амалга ошириш лозим бўлади<sup>94</sup>.

Олим бу йўналишдаги камчиликларнинг сақланиб келишига сабаб кадрлар сиёсатида технологик ёндашувларнинг йўқлиги, деб тўгри хуносага келади. Кадрлар салоҳияти ва фаолиятлари технологияларини белгиловчи ва профессиограммалар, бир томондан, кадрлар сиёсатида объективлик тамоилини таъминлашнинг ишончли куроли бўлса, иккинчи томондан раҳбар кадрлар тайёрлаш технологик тизимида меъёрлаштирувчи, назорат қилувчи восита бўлиб хизмат қиласи<sup>95</sup>.

Кўриб чиққанимиздек, кадрлар билан ишлаш амалиёти ва хизмат доирасидаги муносабатлар улар ўз профессионал фаолиятида амал қилиши лозим бўлган асосий ахлоқ нормалари тартибини ишлаб чиқиши талаб қиласи. Мазкур нормалар бир вақтнинг ўзида замонавий раҳбарнинг умуминсоний ва хусусий-кашиб сифатларини ифода этувчи кўйидаги ахлоқий мезонларни белгилайди:

Биринчидан, давлат хизмати раҳбардан ўзаро одиллик ва ростгўйликни талаб қиласи. Бу ўз ўрнида раҳбарга тавсия этилган давлат хизматидаги лавозим ижросини таъминлашнинг ахлоқий хуқуқини беради. Ёлғон, виждонсизлик каби иллатлар бу нафақат раҳбарнинг заифлиги, балки давлат ташкилотига нисбатан келтирилган зиён демакдир.

<sup>93</sup> Бекмуродов М. Миллӣ менталитет ва бошқарув // Жамият ва бошқарув. 1998. № 4. –Б. 15.  
66

<sup>94</sup> Куронов М. Кадрлар ва йиллар синови //Жамият ва бошқарув. 2000. № 3. –Б.16.

<sup>95</sup> Куронов М. Раҳбарлик лавозимлари профессиограммалари ҳақида. Раҳбар ва ходим. –Тошкент: Академия, 1998. –Б.149-150.

*Иккинчидан*, раҳбар ходимларга нисбатан самимий эътибор ва эзгу муносабатда бўлиши лозим. Зеро, улар ҳар куни одамларнинг турли шикояти, муаммолари ва таклифларига дуч келади. Жамоада бағрикенглик, ўзаро тушуниш ва инсоний хурмат орқали ҳаракатлар ҳамда фолиятларни ижобий натижалар сари йўналтириш мумкин. Биринчи навбатда, раҳбар шундай илиқ ва самимий мухитни яратишга амал қилиши керак. Акс ҳолда, ёвуз ниятли муносабатлар устуворлик қилади. Ўч олиш, таъқиб қилиш, сиқиб чиқариш, тухмат қилиш ва ҳ.к.

*Учинчидан*, раҳбарнинг камтарлик ва самимилик каби ахлоқий фазилатлари кибр, ўзини йўқотиш ва икки хил муносабатлардан ҳоли қиласди. Камтар инсонда ҳеч қачон ўзининг “мен”ини кўрсатиш зурурати туғилмайди ёки алоҳида хукуқка ва қилинган ишлари учун имтиёзларга эга бўлиши илинжида бўлмайди. У бағрикенглик қиласди, зарурий босиқлик ва вазминлик ҳолатини сақлай олади. Ўзининг меҳнатларига танқидий қарайди. Раҳбарнинг ўзини юқори тутиши, ортиқча ишонч, қўпол ва жизғанак бўлиши замонавий бошқарувга хос бўлмаган ҳолат деб ҳисоблаймиз.

*Тўртинчидан*, раҳбар мuloқотда илтифотли ва эътиборли бўлиши керак. Унинг мuloқоти, сўзи ва маърузалари жамоада ҳар қандай ихтилофларнинг олдини олишга хизмат қилиши лозим. Баҳс-мунозараларда босиқлик ва барқарорлик билан ўзини тутиб, мuloқотчини тушунишга ҳаракат қилиши мухим. Агар у эшитишга тоқатсиз бўлса, сўзини эшита олмаса, тезда жаҳҳ қиладиган, қўпол ва ўринсиз жавоб қайтарадиган агрессив инсонларни профессионал раҳбарлар деб ҳисоблаб бўлмайди. Саволлар қанчалик танқидий бўлса, унга шунчалик илтифот билан жавоб қайтариш лозим.

Раҳбарнинг ахлоқий қиёфаси таснифларини белгилайдиган яна бир қатор касбий хусусият қоидалари мавжуд. Улар хизмат субординацияси, очиқлик ва тенглик услубларидир.

*Хизмат субординацияси* – давлат хизматидаги мухим ташкилий ва этикавий тартиблардан бири ҳисобланади. Субординация лотинча сўз бўлиб “тартибга солиш” тушунчасини беради. Бу хизмат интизомига асосланган кичикнинг каттага бўйсуниш тизимиdir. Яъни, бу тартиб хизмат лавозими даражасига қараб, юқоридан

берилган (раҳбар) топшириқларнинг қўйи лавозимдагилар томонидан ўз вақтида ижросини таъминлаб бериш демакдир.

*Очиқлик* – раҳбарнинг одамларга нисбатан очик, доимо мuloқотга, уларнинг муаммоларига, таклиф ва истакларини эшитишга тайёр бўлиши демакдир. Раҳбар вақтининг тигизлигига қарамасдан ходимлари ва мурожаат қилганлар билан учрашишини ташкил этиши зарур. Бундай муносабатларни формаллаштириш раҳбарни ходимлардан ва жамоадан узоклаштиради.

*Тенглик* – ахлоқий қоидаси мuloқот самарадорлигини оширишга, ходимлар ўртасида демократик муносабатларни куришга қаратилиди. Тенглик мuloқоти ходимлар томонидан ўз фикри ва гояларини эркин билдириш, жамоада билдирилган таклифларни амалий ва соғлом муҳокама қилиш, инобатга олиш демакдир. Фикрлар қарама-қарши ҳолларда ҳам тўғри қарор қабул қилиши учун раҳбар кўролмаслик, бир-бирига нисбатан тоқатсизлик, “душман”лик кайфияти билан боғлиқ иллатларни бартараф этишга тайёр туриши лозим<sup>96</sup>.

Раҳбар фаолияти билан боғлиқ ғайриахлоқий муаммолар – одамларга нисбатан хурматсизлик, худбинлик, ўз мансаби ва ижтимоий мақомига асосланиб ёлғон ғурурини намоён қилиш, кибрланиш, танқидга тоқатсизлик, ўз камчиликларини тан олмаслик, ҳаракатларига масъулиятсизлик билан қараш каби иллатларда намоён бўлмоқда. Бундай ҳолатларнинг кўпайишига асосий сабаб раҳбар фаолиятини тартибга солувчи меъёрий-хукуқий хужожатларнинг ишлаб чиқилмаганлиги, кадрларни танлаш, аттестациядан ўтказиш, танлов ўтказиш, ротация қилиш, салоҳиятли ходимларни раҳбарлик лавозимларига йўналтириш, номувофиқларини лавозимидан маҳрум қилиш каби услубларга амалиётда аҳамият берилмаётганилиги сабаб бўлмоқда.

Шундай қилиб, хулоса қиладиган бўлсақ, раҳбар кадрлар фаолиятини ташкил этишнинг восита ва услубларини жорий этиш, унинг малакавий талабларини белгилаш, кадрларнинг профессионаллашган дарајасини тақомиллаштиришга қаратилган давлат ташкилотлари, нодавлат тиҷорат корхоналари, жамоат давлат ташкилотлари, нодавлат тиҷорат корхоналари, жамоат

<sup>96</sup> Чепролов В.В. Основы государственной службы и кадровой политики. Москва: ЮНИТИ-ДАНА. Закон и право, 2008. -С.514-515.

ташкилотлари, мансабдор шахсларнинг мақсад ва вазифаларини аниқлаштиришга қаратилган ташкилий ва амалий тадбирлар, тамойиллар, қарашлар ва билимлар тизимини ташкил этиш замонавий тенденциялар қаторига киради.

## 2.2. Адолатли бошқарув регламентини ташкил этишда ахлоқий тамойиллар

Жамиятдаги сиёсий трансформация шаротида адолат конунийлик ва ҳар қандай сиёсий режимни қонуништириш воситаси учун энг муҳим шартлардан бири бўлиб қолмоқда. Одатда мавжуд сиёсий институтларни баҳолаш ва уларни турли хил тартибга солувчи талабларни тақдим этишда ҳам айнан адолатли бошқарув тамойиллари ишлатилади. Бундан ташқари, жамиятнинг аксарият аъзолари томонидан тақсимланадиган баъзи умумий “адолат туйгуси” унинг барқарорлиги учун зарур шарт ҳисобланади.

Адолат концепцияси - бу инсоний ҳис туйгуларнинг бир қисми ҳисобланади. Инсон ўзига муносаб кўрган нарсани бошқаларга ҳам раво кўриши керак. Бошқача айтганда, ҳеч ким адолатсизликни шиор қилиб олишга ва ноқонуний имтиёзлардан фойдаланишга ҳаққи йўқ. Яъни, адолат бир вақтнинг ўзида одамларни ўзаро тенглаштиради ва ажратади ҳам. Бу дунёда энг қийин нарса одамларни қандай қилиб тенглик даражасига олиб чиқиш ва қандай қилиб уларни турли хиллигини аниқлашдан иборатdir. Бу ҳолатни биз кўпроқ регламент жараёнida кузатамиз.

Регламент – француз тилидан олинган бўлиб, давлат органлари, корхона ва ташкилотлар фаолияти тартибини белгилайдиган ҳамда мажлис ва конференциялар ўтказиш тартиб коидалари йигиндиси маъносини билдиради<sup>97</sup>.

Бошқарув регламентацияси эса – бошқарувни тартибга солиш, ишлаб чиқариш муносабатларини мувофиқлаштириш, фоалият турларини тақсимлаш, меҳнат вақтини ва давомийлигини белгилаш, мутахассисларни тажриба ва малакаларига қараб жой-жойига қўйиш, раббатлантириш, жавобгарлик ҳамда масъулиятни белгилаш каби

яхлит тизимни ташкил этиш масалаларини қамраб олади<sup>98</sup>. Бошқача қилиб айтганда, бошқарув регламентацияси меҳнат фаолиятини ташкил этиш маданияти демакдир. Яъни, корхона, муассаса ва ташкилотларнинг бир маромда самарали иш фаолиятини ташкил этиш кафолатидир. Бошқарувнинг мунтазам ва изчил идора қилиш ҳамда ташкилий тизимини шакллантиради. Бундай тизимда жамоа яхлит мақсад йўлида ҳамкорлик қилиш, манфаатларини уйғунлаштиришга қаратилган меҳнат фаолиятини ташкил этади. Бошқарув регламентациясига амал қилинмаган бошқарувда бошбошдоклик, ўзбошимчалик (анаархия) муносабатлари вужудга келади, ишлаб чиқариш самарадорлиги пасаяди, жамоа иттифоқи ва ҳамкорлиги бузилади, гурухбозлик, ўзибўларчилик ва бошқа гайриахлоқий иллатлар ортади. Шундан келиб чиқиб, бутунги кунда “ижро этувчи ҳокимиёт органлари ва улар раҳбарларининг аниқ вазифалари (функциялари, ваколатлари) ва жавобгарлик соҳасини белгилаш, ҳар бир вазифа ва функцияни амалга ошириш механизмларини белгилайдиган, шу жумладан, ахборот-тахлилий қўллаб-куватлаш, стратегик режалаштириш, лойиҳа бошқаруви, тартибга солиш функцияларини амалга ошириш, давлат хизматлари кўрсатиш масалалари бўйича маъмурий тартиб-таомиллар ҳамда регламентларни жорий этиш”<sup>99</sup> талаб этилади.

Бошқарув регламентациясини ташкил этиш ва унинг амалийлигини таъминлаш раҳбар ва ходимлар ўртасидаги ахлоқий муносабатларни мустаҳкамлайди. Ривожланган мамлакатлар корхоналари тажрибаларидан маълумки, ҳар бир жамоанинг кўп йиллик ахлоқий қадрияти, аниқроғи ор-номусига, шаънига айланган мафкураси бўлади. Бундай мафкуравий тамойиллар ватанпарварликка содиклик, миллий ғурур, кучли тартиб ва интизом, адолат, тенглик, инсонпарварлик, корхона анъаналарини мустаҳкамлаш, ишлаб чиқариш суръатларини ошириш, жамоанинг фаровонлигини таъминлаш, унинг ривожига фидойилик билан хизмат қилиш каби ғояларда ўз ифодасини топади<sup>100</sup>.

<sup>97</sup> <http://lib.sale/upravlenie-personalom-knigi/reglamentatsiya-upravleniya-55376.html>

<sup>98</sup> А. П. Егоршин. Управление персоналом. –Нижний Новгород: ИИМБ, 2000 –С.720.

<sup>99</sup> Ўзбекистон Республикаси конути ҳужжатлари тўплами, 2017 йил 37-сон. 979-модда

<sup>100</sup> [http://studbooks.net/1332359/menedzhment/reglamentatsiya\\_upravleniya](http://studbooks.net/1332359/menedzhment/reglamentatsiya_upravleniya)

Энг мұхими, ишлаб чиқариш муносабатлариниadolat тамойиллари асосида куриш имкониятini беради. Рүёбга оширилаётган вазифаларнинг шаффоғлиги ва ошкоралигини таъминлайди, раҳбар ходимлар ва мансабдор масъул ходимларнинг ваколати ҳамда мажбурият мезонларини белгилайди.

Мазкур тамойиллар асосида раҳбар жамоанинг маънавий рухиятини, ахлоқий қадриятларини, шаклланиб келган одатларини ўрганиши баробарида муносабат қуриш тартибини ишлаб чиқиши тавсия этилади. Таъкидлаш лозимки, барча жамоаларда ҳам ахлоқий қадриятлар анъана сифатида шаклланган деб бўлмайди. Айрим ҳолларда, кўпроқ таниш-билиш, ошна-оғайнингарчилик, ахлоқиз муносабатлар устуворлик қилиб келган бўлиши мумкинки, бундай ҳолларда раҳбар ахлоқий қадриятларни ишлаб чиқариш муносабатларига жорий этиш чораларини кўриши лозим бўлади.

Мавжуд ҳолат билан муроса қилиш ёхуд унга изн бериш раҳбар ахлоқининг заифлигидан далолат беради. Ахлоқий жиҳатдан эътиқодли раҳбар, биринчи ўринда, жамоанинг ахлоқий қадриятлар фалсафасини шакллантиришга аҳамият қаратади, мавжудларини мустаҳкамлайди. Жамоада мазкур фалсафага эътибор бермаслик жамоанинг маънавий қиёфасини, унинг шаъни ва қадр-қимматини мавхумлаштиришга олиб келади. Натижада мажбурият олдидаги масъулият ҳам нисбий кўриниш касб этади.

Ахлоқий қадриятлар фалсафаси жамоанинг ташкилий ва бутун ишлаб чиқариш муносабатларида ўз ифодасини топиши керак. Жумладан, ходимлар учун штатлар жадвали асосида белгиланган ҳукуклар ва имтиёзларда, ўзаро манфаатли шартномаларда намоён бўлади. Шартнома томонлар учун мажбурият ва масъулият юклайди. Бундай масъулият ишчи ўринларига муносиб ходимларни тақлиф этиш эҳтиёжини тұғдиради, меҳнат интизомини мустаҳкамлайди. Шунингдек, ишга қабул қилиш, вазифасидан озод қилиш, иш вақти, дам олиш, маъмурият ва ходимларнинг асосий вазифалари, рағбатлантириш ва маъмурый жавобгарліктортиш, ҳайфсан эълон қилиш ва бошқа мұхим умумий фаолият тартиботлари бошқарув регламент мезонларини белгилайди. Хулоса қилиб айтганда, бошқарув регламентининг асосий параметрларининг ишлаб чиқилиши ва унинг амалийлитетини таъминлашга эришиш жамоада

ахлоқий мұхитни мустаҳкамлашга ва пировард натижада ишлаб чиқариш салоҳиятининг ўсишига олиб келади.

Жамоада ахлоқий қадриятларни жорий қилиш деганда, сертакалтуф муносабатлар эмас, барча ишлаб чиқариш муносабатларида инсонпарварлик,adolat, тенглик, умумманфаатлар уйғулуги, корхона гояларига содиқлик каби фазилатлар ҳукуқий жиҳатдан асосланишига ва у амалий кўриниш касб этишига эришишга эътибор қаратилади. Ривожланиш ва юксалишининг бошқа муқобил ечими йўқ. Собиқ совет тузуми моҳиятига сингиб кетган ва бутун тўлиқ чиқиб кетишга ҳали шошилмаётган ёлғон, кўзбўямачилик, ваъдабозлиқ, иккюзламаачилик, тазийк ўтказиш, зўравонлиқ, ташмачилик каби иллатлар бозор иқтисоди ва демократик ёндашувлар замирида истиқболсиздир.

Бошқарув регламенти қўйидаги тамойилларда намоён этилади:

- ахлоқий қадриятлар фалсафаси;
- аттестация ўтказиш низоми;
- ички меҳнат тартиб-қоидалари;
- бўлимлар тўғрисида низом;
- раҳбар лавозимлар тўғрисида инструкция;
- ходимлар билан меҳнат шартномалари;
- иш ҳақи тўлаш низоми;
- моддий жавобгарлик тўғрисида низом;
- хизмат сири тўғрисида низом;
- техник хавфсизлик тўғрисида низом;
- қарор қабул қилиш низоми;
- мажлис олиб бориш тартиби;
- интизомий ва рағбатлантириш тартиби<sup>101</sup>.

Бошқарувда ходимларни рағбатлантириш ва интизомий чоралар қўллашнинг ахлоқий нормалари ҳақида тўхталиб ўтсак.

Ходимларга нисбатан рағбат ва интизомий чораларни қўллаш тартиблари жамоа меҳнат фаолияти самарадорлигини ошириш, муносабатлар мувозанатини таъминлашда ниҳоятда мұхим маънавий-тарбиявий воситалардан бири бўлиб ҳисобланади.

<sup>101</sup> <https://www.sekretariat.ru/article/96907-reglamentnoe-upravlenie-i-reglamentatsiya--put-k-sovershenstvovaniyu-sistemy-upravleniya>

Ходимнинг маънавий дунёсига ва меҳнат фаолиятига салбий таъсир этувчи хатти-ҳаракатларини чекламаслик унга изн бериш билан баробар. Айниқса, жамоанинг маънавий мухитига таъсир қилиши билан ишлаб чиқариш самарадорлигига ҳам путур етади. Шунинг учун раҳбар қандай ва қайси ҳолатларда қандай интизомий чора кўриши тўғрисидаги тартибларни Низом ҳолатида белгилаши, айни пайтда, иш фаолиятида амалда қўллаб бориши мухим. Ходимлар ҳам интизомий тартибларнинг мавжудлиги ҳамда унинг амалда кўлланиши тўғрисидаги фикрга шубҳа қўлмаслиги керак. Акс ҳолда раҳбар обрўйига путур етади<sup>102</sup>.

**Бизнинг фикримизча, раҳбар томонидан ходимларни рағбатлантириш тизимини ташкил этиш тартиби қўйидагиларда намоён бўлади:**

- жамоа аъзосига шахс сифатида қарашиб;
- адолатли бўлиш;
- мунтазам равишда ҳар бир аъзога вақт ажратиш;
- жамоа аъзоларининг муваффақиятини таҳлил қилиш ва тегишли камчиликларини кўрсатиб ўтиш учун индивидуал учрашув ташкил этиш;
- ҳар бир жамоа аъзосини қўллаб-қувватлаш ва йўналтириш;
- ўргатиш ва рағбатлантириш;
- меъёри танқид билан мақтодан фойдаланиш;
- ҳар бирининг қобилиятини ва муваффақиятини аниклаш;
- касбий ўсишида зарурий шароитларни яратиб бериш;
- жамоанинг ишини назорат қилиш ва эътиёжларини ҳисобга олиш;
- ҳар бирига аниқ мақсадни қўйиш;
- шахсий ютуқларини тақдирлаш;
- олдинга интилиши ва касбий маҳоратини тақдирлаш;
- вазифалар масъулиятларини тўғри тақсимлаш;
- ҳар бирини тенг шароитларда баҳолаш лозим.

Интизомий чораларни кўллашда раҳбар ходим йўл қўйган хатосига икror қилиниши ва раҳбар танбехини қабул қилишига эришиши лозим. Интизомий чорани шахсга нисбатан эмас, шахснинг

йўл қўйган хатоси ёки хато қилишга олиб келган омиллар билан боғлиқ ҳолда кўриб чиқиш тавсия этилади. Аксарият ҳолларда раҳбарларнинг интизомий чораси шахсий масала (кўрсатиб қўйиш, адабини бериб қўйиш) билан боғланиб кетади. Натижада ходим қилган ишидан пуштаймон эмас, аксинча ёвуз, аламзода мухолифга айланади. Интизомий чора кўлланган ходим ишидан безимаслиги, аксинча, хатосини тузатишга имконият яратётганлигини сезиши, айни пайтда, содир этилган камчиллик учун уялиш ҳолати вужудга келиши мухим. Энг мухими, белгиланган жазо раҳбар ва ходим ўртасидаги мулоқотга, ишлаб чиқариш натижаларига тўсик бўлмаслиги зарур.

Яхши раҳбар ўз ходимларини доимо химоя қиласди, улар тўғрисида қайгуради. Айрим салбий нуқсонларга, тажрибасизлиги оқибатида йўл қўйган камчиликларига ха деганда танбех бериш, боз устига чора белгилаш раҳбарга нолойикдир. Ўз вактида Амир Темур бобомиз айтганларидек: “Бирини кўриб кўрмасликка, бирини билиб билмасликка олдим”<sup>103</sup>. Яъни, ходимларга ўз хатти-ҳаракатини тузатиш имкониятини ҳам бериш керак. Вақт-бевакт уларни изза қилиш, камчиликларини юзига солиш ахлоқий муносабатларга путур етказади. Шунинг учун раҳбар интизомий чора кўллаш воситаларини ўз ўрнида ва ўз вактида ишлатиши жамоа уйгунилгини таъминлашга хизмат қиласди.

Интизомий чораларни кўллаш – бу раҳбар фаолиятининг амалий натижаси, нуқсон ва камчиликларни аниклаши, муносабат билдириши, ходимлар фаолиятини назорат қилиши, таъсир ўтказиш даражаси, талаб қилиши, режалаштириш, маълум вазифаларни белгилаши, жамоани сафарбар қилиши каби мақсадларни камраб олади. Раҳбар ўз фаолиятида интизомий чоралар кўллашнинг икки хил турини танлайди. Яъни, маъмурий ва ахлоқий. Маъмурий чора ишдаги камчиликларни аниклашга, уларнинг ечимини ахтаришга қаратилади. Ахлоқий танқид – айбордога қаратилган танбех бериш. Албатта, кўлланилган чоралар, биринчи навбатда, асосланган бўлиши лозим ва у жазога ёки афв этишга қаратилади. Афв этиш ҳолатлари камчиликлар мунтазам бўлмаган ҳолларда кўлланилади.

<sup>102</sup> А. П. Егоршин. Управление персоналом. – Нижний Новгород: НИМБ, 2000. – С.720.

<sup>103</sup> Темур тузуклари. – Тошкент: Гафур Гулом пашвиёти, 1996. – Б. 36.  
75

Жазога каратилган чора мунтазам равишида йўл қўйилаётган фаолиятдаги камчиликка нисбатан ишлатилиди.

Чоралар мазмуни ҳодиса ва воқеаларнинг моҳияти билан ўзгариб бориши зарур. У ёки бу танқидни билдиришдан олдин, нега ходим шундай камчиликка йўл қўйганлиги сабабини аниқлаш лозим. Чоралар шахсга эмас, унинг фаолиятига нисбатан ишлатилиши керак. Чунки танқид нафақат бунёд қиласи, балки ижобий муносабатларни издан чиқариши, мавжуд қадриятларни мутлақо бузиши ҳам мумкин. Шунинг учун танқиднинг ахлоқий меъёрини белгилаш раҳбар учун ниҳоятда муҳим вазифа. Қўлланилган чора фақат объектив, аниқ мақсадга каратилган бўлса, ижобий самарасини беради.

Хизмат этикаси доирасида ахлоқий жиҳатдан ўзига ва ўзгаларга талабчан бўлиш энг мураккаб муаммолардан бири ҳисобланади. Масалан, тўғри танқид қилиш ва уни тўғри қабул қилиш ёндашувларида намоён бўлади. Айниқса, давлат хизматида танқид ишлатмасликнинг иложи йўқ. Шундай экан, танқидни тўғри ташкил этиш ҳам тегишли нормалардан хабардор бўлишни талаб қиласи. Зоро, оғриқсиз танқид бўлмайди, у муаммоли вазиятларни ечишининг бир шакли. Қандай шаклда ва ким томонидан танқид қилинаётганлигидан қатни назар, уни тўғри қабул қилишга ўрганиш лозим. Бундан ҳам яхши ишлашим мумкин эди, деган хулоса чиқариш зарур. Танқид раҳбарнинг маълум вазиятга нисбатан муносабатини ва тавсияларини аниқлаш имкониятини беради.

Ўзаро муносабатларда ҳурмат ва касбий мазмун билан одамларнинг қабул қилиш даражасини ҳисобга олган ҳолда танқид қилиш лозим. Бундай вазиятларда хатони аниқлаш, тушуниш ва ундан ижобий хулосалар чиқариш мухим. Танқид жамоада вазиятни кескинлаштириши ҳам мумкин ёки аксинча, малакавий фаолиятнинг айрим қирраларини такомиллаштиришга, ходимларнинг ижро интизомини мустаҳкамлашга ҳам хизмат қиласи.

Танқид грек тилида мухокама, таҳлил қилиш, чора кўриши каби тушунчаларни беради. Танқид кўп тармоқли бўлиб, раҳбар ходимни, тенг-тенгни ёки ходим раҳбарни танқид қилиши мумкин. Касбий фаолият давомида ходимларнинг танқидий фикрларни билдириш эҳтиёжи туғилади – бу табиий ҳол. Мутахассислар иш давомида ёки маълум муросага эришгунинга қадар бир-бирларини танқид қиласи.

Шундай қилиб, бу жараёнларда танқид объектив ва субъектив хусусиятлар касб этади. *Объектив танқид* – белгиланган вазифалар ижроси таъминланмаган ҳолатларда, у ёки бу топширикни вақтида бажара олмаганды ва яна бошқа иш билан боғлиқ камчиликларга йўл қўйилганда танқид объектив тарзда билдирилади. Ва бундай танқидий муносабат ўринли бўлганлиги учун шахснинг ҳамиятига тегмайди.

*Субъектив танқид* – бу ҳам аслида шу камчиликлар оқибатида намоён бўлса-да, лекин унинг заминида шахсни изза қилиш, маълум шахсий манфаатлар йўлида камситиш ҳолатларининг мавжудлиги билан белгиланади. Кўриб турганимиздек, танқид кишилар фаолиятига таъсир қиласиган мураккаб психологик жараён.

Танқиднинг таъсир қилиш даражаси икки хил – деструктив ва конструктив типларга ажратилади. Деструктив танқид энг ҳавфли танқид муносабатлари турига киради. У ходимнинг натижавий ишини йўқка чиқаради. Шахс доимий дикқат ҳолатига тушади, танқидга учраган соҳаси бўйича мунтазам хатоларга йўл қўя бошлайди. У шу машғулотни тақрорламай, бора-бора вазифаларни мутлақо ташлаб қўйиши мумкин. Деструктив танқид шахснинг ўз вазифасига лаёкатсиз бўлишига олиб келади. Натижада у асабийлашади, ўзини олиб қочади, умидсиз ҳолга тушади. Оқибатда бундай танқид раҳбар ва ходим муносабатларининг шахсий адвокатга айланishi, душманлик кайфиятининг туғилишига сабаб бўлади. У руҳиятни синдиради, ёвузлик уругини оширади, қасд олиш истагини кучайтиради. Бундай танқид аксарият ҳолларда инсон ўз ғазабини ёки норозилигини билдириш вазиятларида ишлатилиди.

Конструктив танқид – бу ахлоқий нормаларга амал қилган ҳолда ишдаги камчиликларни бартараф қилиш ва натижавий самарадорликка эришиш мақсадида қўлланилган танқид тури ҳисобланади. Танқид аслида, тузатишига ишонган ва уни эплаш қобилиятига эга бўлган шахсларга нисбатан кўпроқ ишлатилиди. Агар танқид тўғри ва мақсадли қабул килинса, бундай шахс иродали, кучли ходим ҳисобланади. Танқидни қабул қилиши асносида зиммасига масъулият олади, вазиятни тузатиш чораларини кўради. Танқидни тан олмаслик камчиликларни енгиб ўтишни қийинлаштиради.

Күриб турганимиздек, конструктив танқиднинг имкониятлари кент, агар ундан оқилона ва одоб билан фойдаланилса, у жамода эмоционал босимни туширади, кийинчилик ва муаммоларни енгиб ўтишни рағбатлантиради. Шунинг учун танқиднинг вақтини, ўрнини тўтири танлаш лозим, сухбатдошнинг шаънини ҳимоя этиш, баъзан сукут сақлаб танқид қилиш, ёрдам тавсия этиш, сухбатни доимо ижобий нуқтада яқунлаш лозим.

У күйидаги хусусиятлар билан амалга оширилди:

- танқид-мақтөв;
  - танқид-рағбат;
  - танқид-умид;
  - танқид-хайрихохлик;
  - танқид-хамдардлик;
  - танқид-огохлик;
  - танқид-танбек;
  - танқид-рухлантириш;
  - танқид-иштирик<sup>104</sup>.

Рахбар фаолиятида ишлатиладиган танқиднинг бир неча типлари мавжуд бўлиб, улардан асосийлари қўйидаги жадвалда акс этган.

Танқид типлари	Мисол учун
Рухлантирувчи-танқид	“Майли, ҳечкиси йўқ, кейинги сафар яхшироқ бўлади”
Танбех-танқид	“Мен сизга жудаям ишонар эдим”
Умидворлик-танқид	“Ўйлайманки, кейинги сафар вазифани улдалайсиз”
Мақтov-танқид	“Иш яхши бажарилган, аммо айрим нуқсонларга йўл қўйилган”
Шахссиз-танқид	“Жамоада ўз ишига масъулиятсизлик билан қарётган айрим ходимлар учраб турибди”
Хавотирли-танқид	“Вужудга келган салбий ҳолат бўйича мен Эшматов фаолиятидан хавотирдаман”
Хайриҳоҳлик-танқид	“Мен сизни яхши биламан, аммо сиз йўл

<sup>164</sup> Горанчук Е.В. Психология делового общения и управленческих воздействий. Санкт-Петербург, Издательский дом «Нева», Москва: ОЛМА-ПРЕСС Инвест, 2003. – С.102.

	кўйган камчилик анча оғир”
Ҳамдардлик-танқид	“Шундай бўлганидан мен жудаям афсусдаман, лекин иш сифатсиз бажарилган”
Ҳазил-танқид	“Энди бир-биримизнинг кўзимизга қандай караймиз”
Ҳайроналиқ-танқид	“Наҳотки, сиздай тажрибали ходим уддаламаган бўлса”
Киноя-танқид	“Олдин ҳам кимдир шундай қилмоқчи бўлган эди, оқибати яхши бўлмаган”
Юмшатиш-танқид	“Менимча, бу ҳодисага факат сиз айбдор эмассиз”
Огохлантириш-танқид	“Агар сиз яна бир бора шундай йўл тутсангиз, мен чора кўришга мажбур бўламан”
Талаб-танқид	“Ишни қайтадан килиш керак”
Изза қилиш-танқид	“Энди бу ёғини ўзингиз ҳал этинг”
Конструктив-танқид	“Иш режадагидек бажарилмаган. Энди нима қилмоқчисиз”

Мальумки, раҳбар бошқаруви авторитар, демократик, либерал ёки аралаш типларда намоён бўлади. Масала шундаки, мазкур типларни бир хилда ижобий ёки салбий деб хулоса чиқариб бўлмайди. Бошқарув типлари жамоанинг маънавий ва касбий салоҳиятидан, сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий вазиятдан келиб чиқиб танланади. Айрим ҳолларда бошқарув типлари раҳбарнинг шахсий ахлоқий салоҳияти билан белгиланади ва шунга мувофиқ тегишли тартиботлар ўрнатилади. Шундай бўлгач, интизомий чораларни кўллашнинг ахлоқий нормалари ҳам танланган бошқарув услубларининг моҳиятига асосланади.

услубларининг моҳиятига асосланади.

Айтиш мумкинки, ҳар бир танланган услуг ўз вазияти ва шароитига мос танланса, ижобий самара беради. Жумладан, ишни ташкил этишда аниқлиги, бошқарувнинг тезкорлиги, натижавийлиги, жамоани бирлаштира олиши, мақсад сари сафарбар килиши, қарорлар ижросини таъминлашдаги масъулият ва жавобгарликнинг юкорилиги, вазиятларга амалий ечимларини танлашда авторитар услуг ижобий самара бериб келмоқда. Айни пайтда унинг ўзига хос камчиликларини ҳам қайд этиш мумкин. Яъни, ижрочиларнинг

ижодий салоҳиятини, ташаббусини сусайтиради, меҳнатта рағбатлантириш даражаси паст, ниҳоятда катта ҳажмдаги назорат, бошқарувнинг маъмурийлашуви, раҳбарнинг иродаси босими остида бўлиш, вазифаларнинг ечимини кўрсатмасдан факат дўқ-пўписа қилиш, ингизом масалаларига ёпишиб олиш, қоғозбозликка ургу бериш, ходимларга ишонмаслик, ташмачи-қулоқларни кўпайтиришга зўр бериш, ҳар куни қандайдир янги ғояни илгари суриш каби қатор салбий омиллар ҳам мавжуд.

Раҳбар танлаган демократик услуг мавжуд иқтисодий, ижтимоий-психологик бошқарув ижрочиларнинг ташаббусларини рағбатлантириш, ижодий салоҳиятларини очиш, моддий рағбатлантиришнинг самарали механизмларини жорий этиш, ностандарт вазифалар ечимини самарали амалга ошириш, меҳнатдан қониқиши, соғлом муҳитни вужудга келтириш каби масалаларни ҳал этади. Аммо барча ҳолатларда бу услуг самара беравермайди. Қоидага мувофиқ, муқим ва мустаҳкам қарор топган жамоаларда, иқтисодий жиҳатдан барқарор юқори малакали мутахассислар, ташаббускор, салоҳиятли ходимлар ишлайдиган корхона ва идораларда самара бериши мумкин.

Раҳбарнинг бошқарув услублари концепцияси туркумига либерал тип ҳам киради. Либерал типга нисбатан камрок мурожаат қилинади, зеро бу тип тизимлапмаган услуб ҳисобланади. Лекин, тажрибада шу услугни кўлладидиган ва ундан мақбул восита сифатида фойдаланадиган раҳбарлар мавжуд. Жумладан, муҳим вазифалар ечимидан қочиши, кундалик ишларни ўз оқимига ташлаб кўйиш, ходимлар назоратини нисбий, жамоатчилик фикри масъулиятидан қочиши мақсадида олиб бориш, танқидга бефарқлиқ, кадрлар иши билан қизикмаслик каби кайфиятлар устуворлик қиласди.

Бугун бозор иқтисоди шароитида раҳбар бошқарувни ҳамкорлик асосида ташкил этиши услуги такомиллашиб бормоқда. Яъни, муаммолар ечими хусусида ходимлар билан мунтазам мажлислар ўтказиши, раҳбар ва ходимлар ўртасида очик мулоқот, ходимларнинг ташкилий вазифаларни ҳал этишида иштирок этиши, бўлим ва бошқармаларга мустақил қарор қабул қилиш, моддий неъматларни тақсимлаш ваколатларини бериш, ишчиларнинг

режалаштириш жараёнларга қатнашиши каби услублар кўлланимокда.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, раҳбар фаолиятида бошқарув регламентацияси ишлаб чиқилиши жуда муҳимдир. Бошқарув регламентациясининг ахлоқий қадриятларга асосланиши жамоада келиб чиқиши мумкин бўлган турли хил низо ва ихтилофларни бартараф этишининг ҳукукий негизи бўлиб хизмат қилиши билан бир каторда адолатли бошқарувни таъминлашда ихтилофлар анархия ҳукмига ёки якка шахс – раҳбар иродасига суюниб қолади.

### 2.3. Раҳбарларнинг ахлоқий сифатларини баҳолаш мезонлари ва технологиялари

Жамиятни бошқаришда раҳбар кадрлар фаолияти ижтимоий таъсир жиҳатидан катта аҳамият касб этади. Жамият тараккиёти ёки таназзулининг асослари айнан шу раҳбарлик лавозимида фаолият кўрсатайтган шахсларнинг келажакни кўра билиши, муаммоларнинг асоси ва уларни бартараф этиш йўлларини топиш ёки топмасликлари билан чамбарчас боғлиқ. Бу муаммони ижобий ҳал этиши масаласи эса жамиятда раҳбар кадрлар танлаш техникасининг қай тарзда ҳал этилганлигига бориб тақалади. Шу жиҳатдан қаралганда “давлат бошқаруви соҳасида мутахассислар тайёрлашнинг ва давлат хизматчилари малакасини оширишнинг маҳсус таълим йўналишларини ишлаб чиқиши, шахсий ютуқ, билим ва касб маҳорати асосида уларнинг фаолияти самарадорлигини баҳолашнинг замонавий услубларини жорий этиш”<sup>105</sup> мақсадга мувофиқдир.

Давлат кадрлар сиёсатида кадрларни баҳолаш технологиясини амалда қўллашнинг маълум мезонларни шакллантириш энг муҳим масала ҳисобланади. Баҳолаш мезонларини тузища одатда икки муҳим мақсаддан келиб чиқилади:

- мезонлар қандай аниқ вазифалар бўйича кўлланиши асосида (таълим, рафбатлантириш ёки жазолаш, лавозимларда ўсиш, бўшатиш ва ҳоказолар);

- мезонлар қандай категория, гурӯҳ ва статусдаги кадрларга қаратилиши асосида (мамлакат кадрлар потенциалининг таркибий қисмлари назарда тутилади). Мазкур мезонлар одатда баҳолаш технологиясининг таркибий қисмларини белгилаб олишга асос бўлиб хизмат қиласди. Бу таркибий қисмлар эса, ўз навбатида, баҳолаш механизмини шакллантиради. Баҳолаш механизми эса баҳолаш субъекти, баҳолаш обьекти, баҳолаш усуслари, баҳолаш жараёнлари, баҳолаш кўрсаткичларидан ташкил топади. Бироқ баҳолаш усуслари баҳолаш технологияси ва механизмининг таркибий қисми бўлсада интеграл баҳолаш асосида амалга оширилади. Шундай қилиб, давлат кадрлар сиёсатида кадрларни баҳолаш технологияси амалиётга меҳнат турлари бўйича яхлит белгилаб олинган тартиб-қоидалар билан бир қаторда интеграл баҳолаш асосида татбиқ этилади. Шунингдек, давлат кадрлар сиёсатида кадрларни баҳолаш “унинг ишига муносабати ва меҳнатга ташналиги, қобилияти ва ташкилотчилиги, одамгарчилиги ва бугунги кун талабларига жавоб бериши, керак бўлса юртга, жамоага қилган хизматига қараб баҳо берилади. Республика даражасида ҳам, вилоят, туман даражасида ҳам, хўжалик ва қишлоқ даражасида ҳам ана шу нарса асосий мезон бўлишига эътибор қаратилади. Санаб ўтилган фазилатларни мужассам этган йигит ва қизларни топиш, танлаш, ўз жойига қўйиш – бугунги кадрлар сиёсати<sup>106</sup> да кадрларни баҳолашнинг негизи бўлиб хизмат қиласди.

Баҳолаш – текширилаётган маълум бир обьект (жараён, воқелик, инсон ва ҳ.к.)ning қандайдир сифатлари даражасини аниқлаш билан изоҳланади. Ҳар қандай баҳо таҳлил этилаётган обьектга хос хусусиятларнинг олдиндан белгилаб олинган этalonларга мувофиқлигини солиштириш асосида амалга оширилади. Бунда этalon хусусиятлар ёки талаблар мажмуасидан ташкил топади ва баҳолаш шкалалари ҳамда мувофиқликни белгилаб бериш тизими сифатида кўлланилади. Умуман олганда, баҳолаш

бирор нарсани аниқлаш учун зарурый, ишончли, текширилган ахборот ва маълумотлар олишни билдиради. Давлат кадрлар сиёсатида кадрларни баҳолаш бир томондан, давлат кадрлар сиёсати тамойиллари, таркибий қисмлари, механизмларига асосланиб, иккинчи томондан, давлат кадрлар сиёсатини амалга оширишда масъулиятли бўлган давлат органлари бурч ва вазифаларига мувофиқлаштирилган этalonлар асосида амалга оширилади. Бугунги кунда кадрларни баҳолашнинг турли фанларга оид кўплаб шакллари мавжуд. Лекин уларнинг ҳаммаси ҳам давлат кадрлар сиёсати даражасидаги этalonлар тоифасига кирмайди ва айтиш мумкинки, алоҳида олинган давлат органи ёки ташкилот эҳтиёж ва талабларидан келиб чиқиши билан фарқланади. Шундан келиб чиқиб, давлат кадрлар сиёсатида кадрларни баҳолашга қўйидаги тамойиллар асосида ёндашилади:

- адолат ва ҳақиқат, бунда қандайдир хусусий мулоҳазалар ёки маҳсус муносабатларга ён босилмайди;

- ишончлилик ва аниқлик, бунда жараёнларга боғлиқ омиллар (ютуклар ёки нуксонлар, тасодифий муносабатлар) таъсиридан холи, лекин соҳа ва лавозим талаб ва бурчлари таркибини эътиборга олиш асосида;

- шахс профессионал фаолиятининг функционал вазифаларига мувофиқлигини ўрганиш асосида;

- келажакни далиллаш (прогнозлаштириш), бунда баҳолаш натижалари баҳоланаётган обьектнинг келажакдаги самарадорлиги тўғрисида хулоса бера олиш имкониятини беришига эътибор қаратилади;

- комплекслилик, бунда баҳоланаётган обьектнинг барча элементлари, уларнинг ўзаро, шунингдек, ҳам обьект, ҳам ундан ташқари доирадаги алокалари ва муносабатлари давлат кадрлар сиёсатининг кадрларни баҳолаш тамойилларига мувофиқлиги асосида ёндашилади<sup>107</sup>.

Давлат кадрлар сиёсатида кадрларни баҳолашнинг меҳнат соҳалари алокадор тарзда билим, қобилият ва кўнкимлари, шахсий тажриба ва тафаккури кабилар билан боғлиқ кўплаб хусусиятлари, тажриба ва тафаккури кабилар билан боғлиқ кўплаб

<sup>106</sup> Каримов И.А. Янгича фикрлаш ва ишлани давр талаби. –Тошкент: Ўзбекистон, 1997. Т.5. –Б.161

<sup>107</sup> <http://center-yf.ru/data/ip/Ocenka-kachestv-rukovoditelei.php>

турларидан фойдаланилди. Кадрларнинг меҳнат муносабатларига киришган соҳаларига қараб шу меҳнат тури бўйича шакллантирилган талаблар бўйича баҳолашни ҳам шу жумладан дейиш мумкин.

Предмет, мақсад, критерий (мезон, ўлчов), усууллар, баҳолашни амалга ошириш технологияси ва услубларига давлат кадрлар сиёсатида кадрларни баҳолаш тизимининг асосий элементлари сифатида қаралади. Бунда кадрнинг ташкилот талаблари ёки ташкилотдан (ундан юқори органлар ёки давлат кадрлар сиёсати томонидан) қилинадиган талабларга мувофиқлик лаёқатига баҳолаш предмети сифатида ёндашилди. Баҳолаш мақсади эса ўз даражаси ва доирасига кўра стратегик, мувофиқликни назорат қилиш (ўртacha текширув) ва одатдаги бўлиши мумкин. Давлат кадрлар сиёсатининг кадрларни баҳолаш мақсади охир-оқибатда кадрлар ва ташкилотларнинг салоҳияти ва самараорлиги, кадрлар ва соҳаларнинг ҳали татбиқ этилмаган имкониятларини ишлаб чиқариш жараёнларига олиб кириш, уларнинг қобиљият ва имкониятларини очиш ва амалга татбиқ этиш тизимини кенгайтириш воситасида аҳоли тинчлиги ва фаровонлиги, мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиёти, барқарорлигини таъминлаш, мамлакат кадрлар потенциали салоҳиятининг жаҳон ҳамжамиятида тутган ўрнини юксалтиришдан иборатdir.

Мазкур фикрлардан келиб чиқиб, раҳбарнинг ахлоқий фазилатларини аниқлаш бўйича 200 нафар респондент шундан, 50 нафар банк ходимлари, 50 нафар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича Вакили (Омбудсман) га мурожаат килган фуқаролар, 100 нафар Олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилардан ўтказилган социологик сўров натижалари шуни кўрсатмоқдаки,

1. “Бугунги кун раҳбарини маънавиятли ва давр кишиси деб ҳисоблайсизми?” деган саволга:

- 33 фоиз респондент бугунги кун раҳбарини маънавиятли ва давр кишиси;
- 38 фоизи менимча маънавиятли ва давр кишиси бўлишга интиляти;
- 12 фоизи йўқ, раҳбарларнинг аксарияти ҳамон анънавий ва эскича фикрлайди;

- 14 фоизи бугунги раҳбарлари кўп китоб ўқиганларида маънавияти юксак ва замонавий фикрлар эди

- 3 фоизи мазкур саволга жавоб беришга қийналди.

Хулоса шундан иборатки, бугунги кун раҳбарлари Ўзбекистон Республикаси Президенти қўяётган талабларга жавоб беришда муммолов мавжудлигини ифода этади.

2. Раҳбар конунларни бузади деб ҳисоблайсизми? деган саволга:

- 5 фоизи ҳа, тез-тез
- 22 фоизи ҳа, ахён-ахёнда;
- 20 фоизи ҳа, уни мажбур қилишади;
- 13 фоизи йўқ, ҳеч қачон;
- 13 фоизи йўқ, деярли бузмайди;
- 3 фоизи жавоб беришга қийналишиди
- 24 фоиз респондентлар ўз манфаатига даҳлдор бўлса, конунларни бузади жавоб бердилар.

Мазкур сўров натижаларига кўра, раҳбарларни конунларни бузишга мойиллиги сақланиб келмоқда.

3. Бугунги раҳбар ҳалқ билан биргами ёки ўзига маҳлиёми? деган саволга

- 30 фоиз респондентлар раҳбар ҳалқ билан бирга;
- 36 фоизи факат давлат манфаатларини ўйлаб иш қиласди;
- 23 фоиз респондентлар раҳбарлар ўзини ўйлайдиган карерист;
- 11 фоизи баъзилари бирга, баъзилари ўзини ўйлайди.

Мазкур сўров натижаларига кўра, ҳалқнинг дардини тинглаш, ҳал килища раҳбарлар фаолиятида муаммолар мавжуд.


4. Мажлисбозлик ва қарсақбозлик замонавий раҳбарга хосми? Деган саволга

- 17 фоиз респондентлар афсуски кўпайиб бормоқда
- 32 фоизи мавжуд алмо қисқариб бормоқда
- 35 фоизи айрим раҳбарлар бундай кайфиятни ҳамон қўллааб кувватлайдилар

16 фоизи мажлис кунлари алоҳида белгиланиши кераклигини айтдилар.

Мазкур сўров натижаларидан шу нарса маълум бўладики, ханузгача бошқарувда мажлисбозлик ҳолатлари кузатилмоқда.

Мазкур социологик сўров натижаларидан хулоса қилиш мумкинки, раҳбар ахлоқий сифатларини кафолатловчи меъёрий-хукукий хужжатларни қабул қилиш зарурати мавжуд. Агар хукукий асослари яратилса фуқароларимиз қарашларида яқдиллик ва розилик кайфияти юзага келади. Шундан келиб чиқиб, раҳбарнинг ахлоқий фазилатларини аниқлаш ва баҳолашнинг технологиясини қуидаги жадвалда акс эттирамиз:



Мазкур ёндашувда жадвалда келтирилган учала метод умумлаштирилиб, раҳбар фаолиятига якуний баҳо берилади.

### I. Шахсий ахлоқий сифатларини аниқлаш қуидагиларга қаратилиши лозим:

- камтарлиги;
- инсонпарварлиги;
- одоблилиги;
- хушмуомалалиги;
- миллий қадриятларга содиқлиги;
- садоқатлилиги;
- маърифатпарварлиги;
- ор-номуслилиги;
- ақл-фаросат.

### II. Раҳбарнинг функционал профессиограммаси қуидаги хусусиятлар билан белгиланади:

- ватанпарварлик, миллий ғояларга содиқлик;
- раҳбар мулоқотининг демократик хусусияти;
- хизматчилар билан мулоқотнинг очиқлиги, самимийлиги;

- хизматчи ходимларнинг манфаатларига эътибор қаратиш;
- ходимларнинг исм-фамилияларини ёдда саклаш;
- ходимларда шахсий-ижодий ташаббусни уйғотиш;
- ишонч ва дўстлик мухитини ташкил этиш маҳорати;
- ўз вазифасига бўлган масъулият даражаси;
- берилган ваъдаларни бажариши, амал қилиши;
- ўз қарорида событиядам, интизомли, намунавийлиги;
- мантикий ва асосланган топширик бериш салоҳияти;
- тезкорлик, муаммолардан чўчимаслик;
- ташаббускорлик, тадбиркорлик, омилкорлик;
- истиқбол мақсадларни аниқ тасаввур қилиш;
- стратегик йўналишни аниқ белгилаш маҳорати;
- инновацион тафаккур, янгиликка интилиш
- коммуникативлиги;
- сиёсий огоҳлиги;
- ёт мағкураларга муросасизлиги;
- жасоратлилиги, қатъиятлилиги;
- объективлиги, холислиги, адолатлилиги;
- мутахассислик маҳорати;
- танқидни қабул қила олиши;
- ходимлар ўртасидаги нуфузи;
- бегаразлик, бағрикенглик;
- юксак нутқ маҳорати.

### III. Мазкур ёндашувда раҳбар фаолиятини баҳолаш методлари қуидагилардан иборат:

1. Ўз соҳасини билиш маҳорати, булар матълум тест орқали аниқланади.
2. Шахсга тегишли бўлган хужжатларни ўрганиш, сўрвнома ўтказиш, кузатиш, яқин бўлган инсонларининг фикри ўрганилади.
3. Ақлий қобилиятларини синааб кўриш (хотира, ақл, фикрлаш тезлиги).
4. Кўникма ва мойиллик.
5. Жамоанинг самарадорлигини аниқлашга қаратилган профессионал тестлар.
6. Раҳбарликка мойилликни аниқлаб берадиган тестлар.

## 7. Якуний хулоса.

**Изоҳ:** Мазкур комплекс ёндашувга амал қилинмаган ҳолатда раҳбарнинг ахлоқий қиёфаси аниқланмайди. Муаммо шундан иборатки, шахс ахлоқли бўлиши, аммо раҳбарлик қобилиятига эга бўлмаслиги мумкин. Натижада, қобилиятсиз раҳбар ахлоқли шахс бўлолмайди ёки фазилатлардан маҳрум бўлган шахс ахлоқли раҳбар бўлолмайди.

Бошқарув фаолиятида мутахассис ходимларни тўғри танлаш, уларни жой-жойига қўйиш, ақлий ва меҳнат салоҳиятини баҳолай олиш, тегишли мутахассисликка йўналтира олиш тартиблари, аникроғи ходимларни танлаш услубларининг жорий этилганлиги жамоада ахлоқий қадриятларнинг мустаҳкамланишига, соғлом ва барқарор мухитнинг вужудга келишига хизмат қиласди. “Давлат хизматчиларининг профессионал корпусини яратиш мақсадида давлат хизматини ташкил этиш, шу жумладан, хукукий мақоми, давлат хизматчиларининг классификацияси, хизматга қабул қилишининг шаффоф механизми (танлов асосида), кадрлар захирасини шакллантириш, хизматни ўташ, ахлоқ нормаларига риоя этилишини таъминлаш масалаларини тартибга солувчи норматив-хукукий хужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиши”<sup>108</sup> бугуннинг долзарб масаласидир.

Айрим ҳолларда салоҳиятили кадрларни танлаш самарадорлигига тўсқинлик қиласётган таниш-билишчилик, маҳаллийчилик каби ишлатлар ташкилотда кадрлар танлаш дастури ва услубларининг йўқлиги, захира раҳбар кадрлар билан ишламаслик оқибатида келиб чиқади. Бундай вазиятларда “айрим раҳбарларда лозим даражада масъулият ва ташаббускорликнинг мавжуд эмаслиги ... давлат хизматчиларининг мақомини белгиловчи ягона нормалар, давлат хизматчиларининг профессионал корпусини яратиш имконини бермаяти”<sup>109</sup>. Бу эса, ўз навбатида, ишлаб чиқариш ишлаб чиқариш технологияларини жорий қилишдан аввал кадрларнинг ахлоқий муносабатларини мустаҳкамлаш, гоявий

<sup>108</sup> Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2017 йил 37-сон, 979-модда  
<sup>109</sup> Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2017 йил 37-сон, 979-модда

бирлигини таъминлаш вазифаларига эътибор қаратиши лозим. Бундай вазифалар ташкилотда тегишли тартибларни жорий қилиш, унинг амалийлигини таъминлаш орқали амалга оширилади. Зоро, кадрнинг салоҳияти, унинг мақсад ва интилишлари ривожланишининг бош мезони бўлиб колади.

Кадрларни танлаш борасида бугун амалиётда учта базавий технология мавжуд<sup>110</sup>. Улар – ходимларни баҳолаш, танлаш ва карьерасини ташкил этишдир. Ходимларни танлов асосида танлаш, аттестациядан ўтказиш, комиссия орқали малакасини аниқлаш, сұхбат, мутахассислик имтиҳонларини ўтказиши жорий этиш билан ташкил этилади. Бундай услугуб бугун кадрларни танлашнинг барча илмий-амалий муассасаларда кенг кўлланадиган тажрибаларидан хисобланади. Аммо ходимлар салоҳиятини баҳолаш, танлаш услублари даставвал объектив, номзоднинг барча фазилатларини очишига қаратилган, миллий хусусиятларни инобатга олган илмий тавсияларга эга бўлиши лозим.

Раҳбарликка номзод салоҳиятини аниқлаш, қобилиятларини танлаш бошқарув ва хокимиятнинг ўзгармас ҳамда мухим қоидаларидан бири хисобланади. Қадимдан тобе буғунга қадар бундай тартиб ўзгаргани йўқ. Аммо ҳар бир давр сиёсий тартиботи ўз мақсад-муддаоларидан келиб чиқиб кадрларни танлаш услубларини жорий қиласган. Мамлакатимизда амалга оширилаётган демократик жамият куриш ислоҳотлари замонавий кадрлар тизими сифат-самарадорлигини ошириш талабларини илгари сурмокда. Шу вазифалардан келиб чиқиб, давлат хизматчиларининг ўз вазифалари ижросини ва натижаларини, шахсий ва меҳнат сифатларини, эгаллаб турган лавозимига мувофиқлик даражасини, салоҳиятили, қобилиятли, янгича фикрлай оладиган истиқболли ёшлар фаолиятини объектив ўрганиш, кадрлар захирасини шакллантириш, кадрлар билан ишлаш самарадорлигини ошириш тартибларини ташкил этиш масалаларини ҳал этиш лозим бўлади.

“Биз хозирга қадар субъектив ҳолатлар хукмрон бўлган шароитда яшамоқдамиз, - деган эди Ўзбекистон Республикаси биринчи Президенти И.А.Каримов. Ижтимоий турмушимизда

<sup>110</sup> Черепанов В.В. Основы государственной службы и кадровой политики. Москва: ЮНИТИ-ДАНА. Закон и право, 2008. –С. 470-471.

иқтисод ҳаёт қонунлари кўп жойларда ишламаяпти. Эскича фикрлаш, эскича қарашлар, бокимандалик ҳамон бизнинг асосий душманимиз, энг заиф жойимиз бўлиб қолмоқда.

Бу касалпиклардан кутулишнинг энг тўғри, энг маъқул йўли шуки, раҳбарлик лавозимларга эски сарқитлардан холос бўлган, янгиликка интилувчан ёшларни кўтариш керак”<sup>111</sup>.

Кадрлар фаолиятини баҳолаш унинг даражасини белгилаш ёки ўлчаш демакдир. Яъни, замонавий раҳбар кадрнинг идеал образига қиёслаш, таққослаш орқали баҳолаш мезонлари ишлаб чиқилади ва шунга асосан маълумотлар тайёрланади. Аммо аниқ маълумотларни олишда нисбийлик сақланиб қолади. Нисбийликнинг даражаси баҳо берувчи шахснинг компетентлилигига ва баҳолаш мезонлари ҳамда танланган услубларга боғлиқ бўлади. Мазкур услублар кадрларни баҳолаш, танлаш, жой-жойига қўйиш, хизмат вазифаларидан кўтариш, захирага олиш, рағбатлантириш, ходимни ишидан озод қилиш каби масалаларда ягона тизим сифатида кўлланилади.

Ходимларни баҳолаш структураси тахминан қуйидаги мезонларда ўрганишни ташкил қилинишини тавсия этамиш:

- меҳнат тажрибаси ва амалий билимлари;
- топширилган вазифаларни бажаришга лойиқ меҳнат тажрибаси ва амалий билимлари;
- профессионал билимлари, масалалар бўйича чукур масалаҳат берса олиши;
- ўз мутахассислиги муаммоларини ва уларнинг хусусиятларини чукур билиши;
- ишни тўғри режалаштира олиши;
- иш манфаатларига садоқатлилик билан ёндашиши;
- у ёки бу масалалар ечимида иш манфаатидан келиб чиқиши;
- ташкилотчи, ходимлар ўртасидаги вазифаларни тўғри тақсимлай олиши, жамоани ишлаб чиқариш мақсадларига сафарбар қила олиши;
- ҳар доим чукур ўйланган, малакали қарор қабул қила олиши;

<sup>111</sup> Каримов И.А. «Яхшиликка интилиб яшш – таражхёт гарови». Президент Ислом Каримовининг ҳалқ депутатлари Фарғона вилояти Кенгашининг нафабатдан ташқари сессиясида сўзлаган нутки, 1997 йил 14 февраль.

• ходимлар иш фаолияти ва натижаларига нисбатан объектив баҳо бера олиши, ўзининг кайфияти, симпатияси билан муносабат билдирамаслиги;

Ходимларнинг профессионал маҳоратини аниклаш усули(тавсия) қуйидаги жадвалда ўз аксини топган.

№	Мезонлар (кўрсаткич)	Балл	Профессионал сифатларнинг тахминий луғати
1	Вазифа мажбуриятларини билиши, амалий фаолиятда унинг ижросини бажара олиши	9-10 7-8 4-6 1-3	Жуда юкори билим ва амалий тажрибага эга Мустахкам билим ва амалий тажрибага эга Билим ва амалий тажрибаси қоникарли даражада Билим ва амалий тажрибага эга
2	Амалий ва илмий билими, мутахассислик бўйича тажрибаси	9-10 7-8 4-6 1-3	Жуда катта хизмат тажрибасига ва амалий билимга эга Етарли хизмат тажрибасига ва амалий билимга эга Хизмат тажрибаси бор Тажрибага эга эмас
3	Бошқарувда замонавий услугуб ва воситаларни кўллаш махорати	9-10 7-8 4-6 1-3	Катта иқтидор ва ташабbus билан жорий килади Яхши қобилиятига эга Қобилияти етарли Қобилияти ўйқ
4	Ташкилотчилик қобилияти, белгиланган вазифаларни бажариш имконияти	9-10 7-8 4-6 1-3	Юкори ташкилотчилик қобилиятига эга Ташкилотчилик қобилияти етарли Ташкилотчилик қобилияти етарли Ташкилотчилик қобилияти паст

Шу тартибда раҳбар ва ходимлар фазилати ва меҳнат юритиши сифатлари ўрганилади. Масалан, раҳбар ва ходимнинг инқирозий ёки фавқулодда вазиятларда ўзини тута олиши, иродавий сифатлари, маҳоратини ошира олиш салоҳияти, компетентлилик даражаси, мутахассислик билимларини оширишга интилиши, ташабbusкорлиги, чўчимаслиги, вазиятдан чиқа олиши, меҳнатга ва муаммолардан чўчимаслиги, вазиятдан чиқа олиши, фикрлар тиниқлиги ва ходимларга муносабати, сўзлашув маданияти, фикрлар тиниқлиги ва

соғлиги, иш юкламаларини кўтара олиш имконияти, камтарлиги, меҳнатсеварлиги, обрўйиц, адолатлилик даражаси, ростгўйлиги, одамларга хурмати, очиқлиги, давлатга, корхона манфаатларига содиқлиги, ахлоқий даражаси, муомала маданияти, шахсий интизоми, ўзини иродада кила олиш салоҳияти, ижро маданияти, ишончлилиги, эмоционал ҳолати.

#### **Раҳбарликка номзоднинг сифат кўрсаткичи мезонлари:**

- вазиятни таҳдил қила олиши;
- сиёсий ва ижтимоий эрудицияси;
- амалий тажрибаси;
- ижодий ёндашуви;
- масъулият ҳисси;
- объективлик;
- киришувчанлик;
- одоб ва тартиби;
- руҳий босимларга қарши тура олиши;
- давлат сиёсати билан ҳамоҳанглиги;
- садоқатлилиги;
- катъиятлилиги;
- атрофдагиларга эътиборлилиги;
- одамларни билиши;
- давлат сиёсатини амалга оширишда иштирок эта олиши;
- янги услуг ва техникаларни қабул қила олиши;
- давлат хизмати вазифаларига интилиши;
- вазиятни тўғри баҳолай олиши<sup>112</sup>.

Мамлакатимизда мазкур масалани илмий тадқиқ этиш, муносиб замонавий механизmlарни ишлаб чиқиш ва амалиётта тавсия этиш устида қатор тадқикотлар олиб борилмоқда. Зоро, бугунги кунда муҳим масалалардан бири раҳбар кадрларни замонга муносиб равишда қайта тайёрлаш бўлиб, бу ишни амалга ошириш ҳам амалда фаолият кўрсатаётган раҳбар кадрлар орасидан энг муносибларини танлаб олишни талаб этади.

<sup>112</sup> Черепанов В.В. Основы государственной службы и кадровой политики. Москва: ЮНИТИ-ДАНА, Закон и право, 2008. –С.340.

### **III. РАҲБАР ФАОЛИЯТИДА ИХТИЛОФЛИ МУАММОЛАРНИНГ АХЛОҚИЙ ЕЧИМЛАРИ**

#### **3.1. Бошқарув қарорларини қабул қилишда ахлоқий муносабатлар**

Ҳар қандай даражада ва ҳар қандай кўламдаги сиёсий фаолият бошқарув қарорлари қабул қилишдан бошланади. Шу боис, бошқарув қарорлари раҳбар фаолиятининг марказий элементи хисобланади. Бошқарув қарорлари раҳбар томонидан қабул қилинади ҳамда аниқ натижага эришишга қаратилган тадбирларни амалга оширишга йўналтирилган бўлади.

Бошқарув қарорлари қабул қилиш жараёни раҳбар кадрларнинг давлат ҳокимияти билан боғлиқ мақсадларга эришиш йўлидаги саъй-харакатлари йигиндисидан иборат. “Давлат ислохотларнинг ташаббускори бўлиб майдонга чиқади, устувор йўналишларни танлашда фаол иштирок этади, ислохотларни рўёбга чиқаришни, қабул қилинган қарорлар ижроси устидан назорат олиб боришни таъминлайди”<sup>113</sup>. Бошқарув фаолиятининг охирги натижаси қарор қабул қилиш бўлиб, уни ишлаб чиқишни шундай тушуниш зарурки, унда раҳбар фаолиятининг мазмуни ва унинг жамоа аъзоларининг мақсад сари йўналтирилган харакат жараёни ўз аксини топади.

“Карорлар қабул қилиш” атамаси илк бор XX асрнинг 30-йилларида америкалик олимлар Ч.Бернард, Э.Стин ва бошқалар томонидан кўлланилган. Улар ижтимоий ва ташкилий жараёнларни номарказлаштиришни таърифлашда бу атамадан фойдаланишган. XX асрнинг 60-йилларида бу назария Г.Саймон ва Д.Марч томонидан ривожлантирилди. Хозирги кунда иқтисод, социология, сиёсатшунослик, ижтимоий жараёнларни моделлаштириш назарияси доирасида ушбу назариянинг турли йўналишлари ишлаб чиқилмоқда.

Бошқарув қарорлари қабул қилиш масаласи, окилона ва самарали қонунлар қабул қилиш ва бошқа хужжатлар тайёрлаш жараёни азал-азалдан олимлар эътиборини ўзига тортиб келган. Давлат бошқаруви назариясининг шаклланишига Афлотун, Каутилья,

<sup>113</sup> Каримов И.А. Янгича фикрлаш ва ишлап – давр талаби. –Тошкент: Ўзбекистон, 1997. Т.5. –Б.129. 93

Шан Ян каби қадимги мутафаккирлар улкан хисса қўшганлар. Бизнингча, қарорлар қабул қилишнинг маҳсус назариясини илк бор ишлаб чиққан мутафаккир Арасту. Айнан Арасту қарорлар қабул қилиш жараёнини тавсифловчи категориал мажмумини ифодалаб берган ва бу жараённинг назарий асосини ишлаб чиққан. У ўз таҳлилида “мулоҳазакорлик” ва “онгли танлов” тушунчаларидан келиб чиққан. Арастунинг фикрига кўра, инсоннинг тафаккур қилиш қобилияти икки хил кўринишда: назарий донишмандлик ва амалий мулоҳазакорлик шаклида намоён бўлади. Шунга асосан, фундаментал фаннинг асосини назарий донишмандлик ташкил этса, татбиқий билимлар амалий мулоҳазакорликка таянади. Шунга ўхшаш сиёсий фан ҳам икки кўринишда намоён бўлади: “Биринчидан қонунчилик фанини ўзида ифода этса, иккинчиси хусусий масалалар билан шуғулланиб, давлат фани деб аталади. Шу билан бирга, давлат фани хатти-ҳаракатларни ва қарор қабул қилишни назарда тутади. Шунинг учун ҳам ҳалқ йигинларида овоз бериш ўйли билан қандай қарор қабул қилинган бўлса, бу қарор хатти-ҳаракатларда амалга оширилади”<sup>114</sup>. Бошқача сўз билан айтганда, бошқарув қарорларини қабул қилишда ижтимоий-сиёсий (яъни, татбиқий) билимларга таянилади. Бунда мақсадни белгилаш ҳамда уларни амалга ошириш усул-услубларини аниқлаш мухим аҳамият касб этади.

Иккинчи асосий тушунча – “онгли танлов” – белгиланган мақсадларга эришиш йўлини ахтараётган раҳбар фаолиятининг ихтиёрий табиати ва ноаниклигини ўзида ифода этади. Арасту таъкидлаганидек, қарорларда пировард мақсадгина қамраб олинмайди, кўпроқ шу мақсадларни амалга ошириш воситаларига ургу берилади. Шундай килиб, Арастунинг фикрига кўра, бошқарув қарорлари қабул қилиш таҳлилий-амалий фаолият ва татбиқий фан бўлиб, биринчидан, мақсадларга мувофиқ воситаларни оқилона ва онгли танлашга йўналтирилган, иккинчидан, ноаниклиқ, энг самарали йўларини аниқлашга йўналтирилган.

<sup>114</sup> Аристотель. 4 томлик танланган асрлар, 4-том.- Москва, 1984.-Б.180-181.

Бошқарув қарорларини оқилона ва мақсадга мувофиқ радиша қабул қилиш масаласи Уйгониш даври мутафаккирлари (Н.Макиавелли, Ж.Боден ва бошқалар) ва маърифатпарварлар (Т.Гоббс, Б.Спиноза, Ж.Ж.Руссо ва бошқалар) томонидан изчил ўрганилган. Жумладан, бошқарув қарорларини турларга ажратиб, Н.Макиавелли ва Т.Гоббс ҳукмдорлар ва уларнинг маслаҳатлари ҳақида фикр юритади. Б.Спиноза ва Ж.Ж.Руссо вакиллик органлари ва ҳалқ йигинларида овоз беришнинг ўзига хос хусусиятларини таҳлил қиласи, Ж.Боден қарор қабул қилишда социал шароитни хисобга олиш заруратига тўхталади. Мазкур муаллифларнинг фикрлари хозирги кунда ҳам долзарблигини йўқотмаганини тан олиш лозим.

Мазкур муаммони назарий ўрганиш ҳаракатлари кейинчалик ҳам давом этди. Бироқ, таъкидлаш жоизки, бу соҳада эришилган ютуқларни бир тизимга келтириш, мавжуд назарияларни тизимиш ва қиёсий таҳлил қилиш вазифаси ҳали ҳам ўз ечимини кутмоқда.

ХХ асрнинг иккинчи ярмида ижтимоий-гуманитар фанларнинг ихтинослашуви авж олди. Сиёсий фан мустакил билим соҳасига айланди, Фарбнинг қатор университетларида давлат бошқаруви алоҳида фан сифатида ўқитила бошланди. Шу даврда сиёсий қарорлар қабул қилиш назарияси маҳсус фан сифатида сиёсий-бошқарув фанлари таркибига киритилди.

Бошқарув қарорларини тўғри қабул қилиш давлат бошқарувини самарали ташкил этиш, ҳокимият органлари билан ижтимоий институтларнинг ўзаро муносабатларини йўлга кўйиш, шунингдек, чекланган имкониятлар шароитида давлат мақсадларига оқилона эришишга интеллектуал салоҳиятни сафарбар этиш имкониятини вужудга келтиради.

Қарорлар қабул қилишда ахлоқий муносабатларнинг ўрнига тўхталишдан аввал “қарор” тушунчасига, хусусан, “бошқарув қарори” тушунчасига изоҳ бериш мақсадга мувофиқ. Умуман қарори қабул қилиш деб, инсон фаолиятининг мүкобил олганда, қарор қабул қилиш деб, инсон фаолиятининг мүкобил йўллардан яхшишини танлашга қаратилган алоҳида турини тушунамиз. “Қарор” сўзининг турли таърифлари мавжуд. Лўнда килиб айтганда, қарор – бажарилиши лозим бўлган ишнинг аниқ бир йўлини танлаб олишдир. Бошқача айтганда, қарор – у ёки бу

йўлни танлаб олишда бир тўхтамга ёки фикрга келиш. Бундай қарорларни ҳар биримиз бир кунда ўнлаб-юзлаб, бир умр давомида эса минг-минглаб қабул қилимиз<sup>115</sup>.

“Қарор, – деб ёзди Э.Смирнов, – инсоннинг ақлий фаолияти маҳсули бўлиб, у ёки бу хатти-ҳаракатни амалга оширишга олиб келадиган хуроса. Қарор муайян мақсадга қаратилган бўлиб, бирор киска ёки узоқ муддатли вазифани амалга оширишга, содир бўлаётган жараённи давом эттиришга ёхуд тўхтатишга йўналтирилган бўлиши мумкин”<sup>116</sup>. Демак, қарор – инсон ақлий фаолиятининг маҳсули бўлиб, унинг фаолиятини режалаштиради, тартибга солади.

Қарор қабул қилиш – мураккаб фикрлаш жараён бўлиб, муаммони англаш, адекват мақсадни қўйиш ва унга эришиш учун восита танлаш.

Қарор қабул қилиш – бу ташкилот раҳбарининг ташкилот олдидаги мақсадга эришиш учун ўз ваколати ва омилкорлиги доирасида қарорнинг мавжуд варианtlаридан энг мақбулини танлаш жараёнидир<sup>117</sup>.

Қарор қабул қилиш деб биз раҳбар фаолиятининг муқобил йўллардан бири – яхсисини танлашга қаратилган алоҳида турини тушунамиз. Бу ёндашув танлаб олиш жараёнига қўйидаги учта элемент мавжуд бўлишини тақозо этади:

- ҳал бўлиши лозим бўлган муаммо;
- қарор қабул қиласидаган шахс ёки жамоа;
- танлаш учун бир неча муқобил варианtlар<sup>118</sup>.

Ушбу элементлардан бири бўлмаса, танлаш жараёни ҳам бўлмайди. Лекин бу қарор қабул қилинмайди, дегани эмас, балки бунда онгли қарорга нисбатан бошқача турдаги қарор қабул қилинади.

Раҳбар томонидан қарорлар қабул қилиниши унинг шахсий фаолиятига таъсир қиласи, зеро бу фаолият ўзгалар хатти-ҳаракати билан ўзаро боғлиқ. Қарорлар қабул қилиш жараёни орқали раҳбар

<sup>115</sup> Холов А. Бошқарув қарорлари қабул қилишнинг ижтимоий-сийсий жиҳатлари. –Тошкент: «Akademiya» нашриёти, 2013. –Б.14.

<sup>116</sup> Смирнов Э.А. Разработка управленческих решений. Москва: ЮНИТИ-ДАНА, 2002. –С. 271.

<sup>117</sup> <https://www.training-partner.ru/stati/effektivnost-prinyatiya-upravlencheskix-reshenij.html>

ва ходимларнинг фаолият йўналиши белгилаб олинади. Раҳбар бошқарувчилик фаолияти давомида кўплаб қарорлар қабул қилишига тўғри келади, бу вазият тақозоси. Қарор қабул қилиш кўп жиҳатдан раҳбарнинг ва ушбу жараёнга хисса кўшаётган мутахассисларнинг кобиلىятлари боғлиқ. “Жамоатчиликнинг соғлом, холис ва талабчан гражданлик позициясигина кўпгина ўзбошимча маъмурларни ҳозирги ва келажак авлодга қимматта тушаётган қарорларни ўйламасдан қабул қилишдан тўхтатиб қолиши мумкин”<sup>119</sup>. Бу борада сиёsatшунос олим Н.Бердалievнинг “жамоатчиликнинг фикрини хисобга олиш ва унга таяниш мухим ўрин тутади”<sup>120</sup> деган мулоҳазалари фикримизни тасдиқлади. Шу орқали раҳбар фаолиятида қарорлар қабул қилишнинг ахлоқий тамоилилари рўёбга чиқади.

Бошқарув қарорлари қабул қилишда раҳбар тўрт вазифани бир вактнинг ўзида бажаришига тўғри келади:

- 1) тадбиркорлик;
- 2) ишдаги камчиликларни тўғрилаб борувчи мутахассис;
- 3) ресурсларни тақсимловчи воситачи;
- 4) муросага келтирувчи ҳакам.

Бошқарув қарорлари қабул қилишда мақсаднинг аниқ бўлиши зарурий бўлиб, унинг асосида:

- 1) бошқариш функциялари;
- 2) бошқариш усулилари;
- 3) бошқаришнинг тузилмавий таркиби;
- 4) ходимларни танлаш ва жой-жойига қўйиш каби ишлар мажмуаси мувофиқлаштирилади. Демак, мақсаднинг аниқ бўлиши фаолиятининг тўғри йўналтирилишига олиб келади.

Ташкилий фаолиятда мақсадли ёндашув усули – бошқаришнинг муайян тизими бўлиб, унда учта унсур бир-бiri билан узвий боғланган бўлади: бошқарув қарорлари қабул қилишдан олдин қарор қандай талабларга жавоб бериши кераклигини билиш мухим. Чунки маълум йўналишга тегишли қарорни ишлаб чиқиши,

<sup>119</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остоасида. –Тошкент: Ўзбекистон 2011. –Б.118-119.

<sup>120</sup> Бердалев Н.Ш. Ўзбекистонда демократик жамият куришининг миллий-мальянавий хуусиятлари. Сиёсий фаллар номидо илмий дарражасини олиш ёзилган диссертация. –Тошкент: ЎзР Президенти хузуридаги ДЖКА, 2004.

унинг мазмун-моҳияти қайси нуқтаи назардан талқин қилинишига боғлиқ бўлади.

Раҳбар томонидан қабул қилинадиган бошқарув қарорлари кўйидаги талабларга жавоб берishi керак:

- 1) илмий асосланган бўлиши;
- 2) бир-бiri билан алоқадор ва яқдил бўлиши;
- 3) ҳуқук ва жавобгарлик доирасида бўлиши;
- 4) аниқ ва тўғри йўналишга эга бўлиши;
- 5) вақт бўйича қисқа бўлиши;
- 6) вақт бўйича аниқ бўлиши;
- 7) тезкор бўлиши;
- 8) самарали бўлиши лозим<sup>121</sup>.

Юқорида қайд этилган талабларга риоя қилинмаган ҳолларда бошқарув қарорларининг нотўғри қабул қилиниши, натижада амалга оширилиши лозим бўлган ишлар учун сарфланган харажатларнинг самара бермаслиги ва вақтнинг беҳуда кетишига сабаб бўлади.

Ҳар бир қабул қилинган қарор яна қарорлар қабул қилинишига олиб келади, табиийки, бу жараён узлусиз давом этади. Шунинг учун қабул қилинган қарорларнинг салбий томони қанчалик кўп бўлса, шунга нисбатан қарорлар сони кўпайиб боради. Бу эса кўзланган мақсадга эришиш муддатининг чўзилиб кетишига олиб келади.

Қарорлар қабул қилишда хатоликка олиб келувчи сабаблар:

- 1) ахборотнинг этишмаслиги;
- 2) раҳбарнинг бошқалар фикрига кам эътибор бериши;
- 3) раҳбарнинг танлаш жараёнидаги искиланиши;
- 4) раҳбарда масъулиятнинг этишмаслиги;
- 5) хисоб-китоблардаги камчилликлар;
- 6) раҳбарнинг ўзига ҳаддан зиёд ишониши.

Қабул қилинган қарор ўз вақтида тегишли чоралар кўриш юзасидан тадбирлар ишлаб чиқиш, кўйилган мақсадга эришишини таъминлашга йўналтирилган бўлиши керак. Ҳар қандай турдаги қарорларни қабул қилишда раҳбар халқнинг миллий-тарихий

турмуши ва тафаккур тарзини, ҳалқ анъаналари ва урф-одатларини ҳисобга олиши зарур.

Амир Темур ҳам ўз тузукларида қарорлар қабул қилиш ва уни ижро этиш устидан назоратни амалга ошириш ҳакида кўп фикрларни илгари сурган. “Темур тузуклари” асарида алоҳида фасл айнан қарорлар қабул қилиш масаласига бағишланиб, бу “Салтанатни ўз эркимда сақлаш учун амал қилган тузугим” деб номланади. Яъни, қарорлар қабул қилиш, унинг ижросини таъминлаш Амир Темур томонидан ҳокимиятни амалга ошириш билан бевосита боғлиқ ҳолда кўриб чиқилади. “Бутун мамлакатда, дейилади унда, буйруқ, фармон бериши ишлари подшохнинг ўз ихтиёрида бўлиши лозим. Подшох ҳар ишда ўзи ҳукм чиқарсин, токи ҳеч ким унинг ҳукмига аралашиб, ўзгартира олмасин.... Подшох ўз қарорида қатъий бўлсин, яъни ҳар қандай ишни қилишга қасд қилас экан, то битирмагунича ундан кўл тортмасин.... Подшох ҳукми жорий этилиши даркор, яъни қандай ҳукм чиқаришидан қатъи назар, амалга оширилиши керак....”<sup>122</sup>.

Таниқли хорижлик олим Д.Логафетнинг ёзишича, “Европада конституция ҳакида оддий тушунчага ҳам эга бўлишмаган даврларда унинг давлатида конституциявий қонунлар мажмуаси –«Тузук» мавжуд бўлган”<sup>123</sup>.

Сабаби Амир Темур давлатни идора қилишда адолат, қонун устуворлигига асосланниб иш кўришга, фуқаро манфаатларини кўзлаб сиёsat юргизишига алоҳида эътибор берди. Мамлакат ҳаётига даҳлдор ҳар бир катта-кичик масалада ўзига яқин тутган хос кишилар, дину илм ахллари, ҳар соҳанинг билимдон вакиллари билан маслаҳатлашиб, кенгашиб, фаолият юритди. Шу ўринда давлатимизнинг биринчи раҳбарининг фикрларини эслаш ўринли: “Факат баҳс, мунозара, таҳлил меваси бўлган хулосаларгина бизга тўғри йўл кўрсатиши мумкин”<sup>124</sup>. Буюк Соҳибқироннинг акл-заковати ва донишмандлиги маҳсулни бўлган «Тузуклар»да курдатли давлатни бошқаришнинг барча асосий тамойиллари, йўл-йўриклари ҳар жиҳатдан тўла асослаб берилган.

<sup>121</sup> Филип Хансейкер, Энтони Александра. Искусство управления людьми. Москва: Издательство Файрпресс, 2004. –С.321

<sup>122</sup> Темур тузуклари. –Тошкент: Фағур Ғулом нашриёти, 1996. –Б.68.

<sup>123</sup> [http://fikr.uz/posts/Amur\\_Temur/5976.html](http://fikr.uz/posts/Amur_Temur/5976.html)

<sup>124</sup> Каримов И.А. Адолатли жамият сарни. –Тошкент: Ўзбекистон, 1998. –Б.35

Бошқарув қарорлари эса бошқарув<sup>125</sup> жараёнида турли масалалар юзасидан турли даражада хилма-хил мөҳият ва мазмунга эга бўлган якуний хуносадир. Яъни, бошқарув қарорлари – раҳбар томонидан қабул қилинган, аниқ натижага эришиш мақсадида белгиланган тадбирларни амалга оширишга йўналтирилган ҳамда бажарилиши мажбурий бўлган ҳукуқий ҳужжат. Бошқарув қарорлари қарор, фармон, фармойиш, буйруқ ва бошқа ҳужжатлар кўринишида бўлиши мумкин.

Таъкидлаш жоизки, бошқарув қарорлари қабул қилиш раҳбардан нафақат амалий маҳорат ва илмий билимларни талаб этади, балки инсоний фаолиятни ўзига хос санъат даражасига кўтаради. Тўғри қарорлар қабул қилиш санъати раҳбарлик фаолиятининг асосий қиррасини ташкил этади. Бу санъат ижодкорлик ва фараз қилиш, ирова ва этчилик, истеъодод ва фаҳм-фаросат, эҳтиёткорлик ва матонат, сабр-бардош ва қатъият, дадиллик ва узокни кўра билиш каби сифатларни шартлаб қўяди. Қарорлар қабул қилувчи раҳбар доимо ноанъанавий сиёсий вазиятлар билан тўқнашади. Бундай вазиятларда қарорларнинг тайёр андозалари ёки моделларини ишлатиш ниҳоятда мураккаб ёки умуман мумкин эмас. Бундан ташқари, қарорлар одатда вақт танқислиги, ахборот тақчилиги ҳамда ресурслар чекланган шароитда қабул қилинади. Бундай шароитда билим ва кўникма доимо тўғри келавермайди, шунинг учун кишидан воқеалар ривожини олдиндан кўра билиш талаб этилади. Шунинг учун ҳам қарорлар қабул қилувчи кишидан яна зеҳн, сезгирилик каби сифатларни ривожлантиришни тақозо этади.

Ноанъанавий вазиятларда қарор қабул қилиш учун раҳбар ўзидағи фараз қилиш ва олдиндан кўра билиш қобилиятини оқилона таҳлил қилиши ва амалий тажриба билан уйғунлаштириши лозим. Қарорларни лойиҳалаштириш ва уларнинг натижасини кўра билиш учун раҳбар ўзига хос «ҳаётый тажриба» ўтказа олиши керак. Бошқача қилиб айтганда, бошқарув қарорларини қабул қилишда билимлар (фан), кўникмалар (касбий маҳорат) ва ижод (санъат)нинг уйғунлашуви содир бўлади. Демак, сиёсий қарор қабул қилиш

<sup>125</sup>Бошқарув – 1) бевосита ёки исархия: ташкил этилган бошқарува идоралари, бошқарув аппарати орқали кундалик сиёсий фаолият стратегияси ва тактикасини ишлаб чиқиши, йўналтириш ҳамда тегниши бошқариш стратегик ва тактик режаларни смалга ошириш борасидаги фаолият; 2) муайян марказдан сиёсий жараёнларни

жараёни назарий билимларни ижодий тасаввур этиш ва олдиндан кўра билиш қобилияти билан омухта қилишни, шунингдек, татбикӣ технологияларни амалий кўникма ва малака билан бирлаштиришни тақозо этади.

Юқоридаги мулоҳазалардан келиб чикиб, бошқарув қарорларини қабул қилишда куйидаги ахлоқий тамойилларга амал килинишини мақсадга мувоғик деб хисоблаймиз:

- хокимият фаолиятини эзгу мақсадлар йўлида ташкил этишга қаратилган, барча ишда адолатли ва тартиб-интизомли бўлишга чакирадиган қарорлар қабул қилиш;

- ростгўй ва ҳалол бўлишга интилиш. Барқарор жамоа ва самарали фаолиятнинг асоси меҳнатта ва ходимларга нисбатан ростгўйлик, ҳалоллик ва бағрикенглик кўрсатишга асосланган қарорлар қабул қилиш;

- қарор қабул қилишда халқнинг манфаатларини хурмат қилиш, жамоада ўзаро хурмат мухитини вужудга келтириш, манфаатлар уйғунлигини таъминлашга эришиш, ходимларнинг ўз салоҳият ва имкониятларини намоён қилиш эҳтиёжини оширишга эришиш;

- ходимларни янгиликка, меҳнат жасоратларига сафарбар қилиш, умид ва ишонч туйғуларини ошириш;

- ўз сўзида содик қолиш, топширилган топширик ва кўрсатмаларнинг адолатлилигига, мантиқийлигига амал қилиш;

- эзгу мақсад йўлида қатъиятли бўлиш, мақсадни амалга оширишда воситаларнинг ахлоқий бўлишини манфаатларнинг уйғунлиги орқали таъминлаш;

- раҳбарлик фаолиятида компетентли бўлиш, ходимларга бир хил даражада қараш, самарали ва ўзаро иттифоқда ишланиши таъминлаш, ихтилоф ва ички низоларни бартараф қилиш, вазифалар ижросини таъминлашда ходимлар ўргасидаги меҳнат фаолиятини тўғри тақсимот қилиш;

- зиддиятли ҳолатларга тушишдан сакланиш ва бундай ҳолатларда ходимларни ҳам саклай олиш;

- номуносиб хатти-харакатлардан воз кечиш, совға ва имтиёзларга берилмаслик;

- салоҳиятли ва эзгу мақсадли ходимларга хайрихоҳлик кўрсатиш, маъмурӣ-буйруқбозлиқ усули ва чекловларга изн бермасликка интилиш.

### 3.2. Раҳбар фаолиятида низо ва ихтилофларни бартараф этишининг ахлоқий механизмлари

Раҳбар фаолиятидаги низо ва ихтилофларнинг келиб чиқиши сабабларини ўрганиш буғунги куннинг энг долзарб масалаларидан бири хисобланади. Зеро, раҳбар фаолиятида низолар келиб чиқиши, уларнинг ихтилофларга айланиши сабабларини ўрганмасдан туриб, корхонада, ташкилотда, муассасада самарали фаолиятни ташкил этиб бўлмайди. Шунинг учун ҳам буғунги кунда раҳбарлик фаолиятида ташкилотда келиб чиқиши мумкин бўлган низоларнинг омилларини ўрганиш, уларни олдиндан башорат қилиш ва ҳал этиш чоратадбирларини илмий нуқтаи назардан ишлаб чиқмаслик низолар ва ихтилофларнинг кўпайишига сабаб бўлади. Бу низолар бир қанча йўналишларда вужудга келиши мумкин:

бириңчидан, ташкилотдаги ахлоқий муҳитнинг йўқлиги сабабли, ахлоқсиз муҳит қандай ҳолатда юзага келади: манфаатлар ҳисобга олинмаганда, манфаатлар топталганда, ходимларнинг ҳурмати, меҳнати қадрланмаганда, шунингдек, муайян иш тартиби ва меҳнат интизоми ташкил этилмаганида;

иккичидан, раҳбарнинг шахсий сифатлари заифлиги раҳбарнинг мутахассислик маҳорати пастлиги ҳолатида ходимлар ва раҳбар ўртасида низо ва ихтилофлар келиб чиқади.

Хулоса қилиш мумкинки, биринчи сабаб, жамоадаги носоғлом муҳитнинг сақланиб қолишида ва иккичи сабаб носоғлом муҳитни намоён бўлади. Мазкур фаслда биз раҳбар фаолиятида низо ва ихтилофлар, зиддият ва тўқнашувларнинг келиб чиқиши сабабларини уларнинг фалсафий моҳиятини очишига эътибор қаратамиз. Шу маънода айтишимиз мумкинки, “Ўзбек тилининг изоҳли лугати”да низо, зиддият ва ихтилофларга таъриф берилган. Мазкур таърифларни биз мазкур фаслда келтираяпмиз. Албатта, бу

таърифлар биз кўяётган масаланинг ижтимоий моҳиятини тўлиқ очиб бермайди. Шу сабабдан, мазкур муаммони кенгайтириш эҳтиёжи мавжуд деб хисоблаймиз.

Низо – зиддият ва ихтилофлардан фарқли ўлароқ, муносабатлар келишмовчилик даражасининг дастлабки кўринишидир. Низонинг мавжудлиги табиий ҳолат бўлиб, маълум масалага бўлган қарашларнинг турлилигидан келиб чиқади. Низони бартараф этиш ва музознатта олиб келиш орқали зиддият бартараф этилади ва бу ўз навбатида фикрлар хилма-хиллигига асосланган янги йўналиш имкониятларини беради. Низолар ҳал этилмаган ҳолатларда эса бир-бирига душманлик кайфиятидаги низонинг таранглашган ҳолати – зиддият вужудга келади.

Зиддият – мазкур ҳолатларнинг иккинчи босқичи сифатида бир-бирига тескари бўлган гурухларнинг вужудга келишига сабаб бўлади. Бу гурухлар тамоман тескари қарашдаги ихтилофли оқимни ташкил этади.

Ихтилоф – муросага келмайдиган муҳолифатни вужудга келтирувчи сўнги босқичлардан бири хисобланади.

Шундай экан, раҳбар фаолиятида низо, зиддият, ихтилофларни вактида пайкаш, вужудга келтирувчи омилларни муросага олиб келиш, ихтилофларни баркарор жиловда ушлаб туриш чоратадбирлари ташкилотнинг муаллак фаолиятини таъминлашга хизмат килади. Бошқача килиб айтганда, низо, зиддият ва ихтилофлар раҳбар фаолияти ва ташкилот истикболини белгиловчи омил бўлиб хисобланади. Масала улардан соғлом, ижобий манфаат йўлида фойдаланиши ташкил этишдан иборатдир. Мазкур муаммолар ўз холига ташлаб кўйилса тургунликка ва таназзулга юз тутади.

Низо – ўзаро келишмовчилик, ёки қарама-каршилик, душманлик, адовар орқасида туғилган ҳолат, муносабат, ихтилоф, нифоқ<sup>126</sup>.

Зиддият – бир-бирига хилофлик, фикрий қарама-каршилик, акслик<sup>127</sup>.

<sup>126</sup> Ўзбек тилининг тизоҳли лугати. Тошкент: “Ўзбекистон Миллӣ энциклопедияси” Давлат илмий напиши, 2007 йил, 3-жилд.

<sup>127</sup> Ўзбек тилининг тизоҳли лугати. Тошкент: “Ўзбекистон Миллӣ энциклопедияси” Давлат илмий напиши, 2007 йил, 2-жилд.

Ихтилоф – қарама-қарши ҳолат, келишмовчилик, зиддият, низо<sup>128</sup> маъносини билдиради.

Бугун фанда ихтилофлар (конфликт) тушунчасига таърифлар турлича бўлса-да, уларнинг барчаси одамлар ўртасидаги муносабатларда қарама-қаршилик, турли қарашлар мавжудлигини қайд этадилар. Ихтилофлар ёпиқ ва очиқ бўлишига қарамасдан унинг заминида бир неча киши ёки гурухлар ўртасидаги муросанинг йўқлигидан далолат беради. Шундай қилиб, ихтилоф – бу икки ёки бир қанча одамларнинг қарашлари, позицияси, манфаатлари ва мақсадлари йўналишининг қарама-қарши тўқнашуви демак<sup>129</sup>. Яъни, бир томон ўз қарашларини бошқа томонга уқтириш орқали иккинчи тарафнинг фикрларини инкор қилиши. Аммо муросасизлик ҳар доим ҳам ихтилофга олиб келмайди. Қачонки, қарама-қарши муносабатлар кўйилган мақсадга эришиш имкониятларини бермагач, очиқ ихтилоф йўлига ўтилади.

Ихтилофларнинг туғилиши ва ривожланиши замирида асосан мухолифларни сиқиб чиқаришга қаратилган хилма-хил позициялар, турли мақсадларга эришиш йўллари, хоҳиш-истак ва манфаатларнинг вазиятнинг келиб чиқшига сабаб – йигилиб келган қарама-қаршиликларнинг ифодаси. Ихтилофий вазият ихтилофдан олдин тақозоси билан ихтилофни келтириб чиқаришга асос бўлади. Масалан, арзимаган эҳтиёtsизлик оқибатида ноўрин айтилган гап – ҳодиса ихтилофни келтириб чиқаришга замин яратади. Кўп ҳолларда ҳодиса бартараф этилади, аммо ихтилоф сақланниб қолади. Баъзан ихтилофий вазиятни объектив сабабларга кўра бартараф қилиб бўлмайди, лекин ихтилоф туғилишининг олдини олса бўлади. Шунинг учун бу қонуниятлар алоҳидалик хусусиятларига эга. Улар бир-бирига боғлиқ бўлмаган ҳолда ҳам ривожланиши мумкин.

Кузатиш натижалари шуни кўрсатаяткни, ихтилофларнинг аксарияти иштирокчилар ихтиёридан ташқари тасодифан вужудга келади. Ихтилофларни ихтилофларга мойил бўлган (конфликтоген)

<sup>128</sup> Ўзбек тилининг тизоҳли лутати. Тошкент: "Ўзбекистон Milliy ёнциклопедияси" Даълат планинг ташриғти, 2007 йил, 2-жилд.

<sup>129</sup> Шейнов В.П. Секретарь: практич. Пособие. Минск: Харвест, 2003. –С.161.

шахс типлари келтириб чиқаради. Улар қўйидаги хусусиятлар билан ажралиб туради:

### 1. Устунликка эришиш истаги.

А) Очиқдан-очик: устунликка эришишга ҳаракат, буйруқ бериш, таъқиб, пўписа, айблаш, танқид қилиш, устидан кулиш, таҳқирлаш.

Б) Хуфёна кўриниш: кўра олмаслик, устунлигини таъқидлаб туриш, менсимаслик, мақтанчоқлик, ўзининг қобилияtlарини намойиш қилиш, тўғрилигига ортиқча баҳо бериш, ишониш, барча масалаларда ўзининг қатъиятлилигини кўрсатиш, тавсияларини уқтиришга ҳаракат қилиш, сұхбатдоши фикрини бўлиш, товушини кўтариш, устидан кулиш.

### 2. Агресивлик кўрсатиш.

Агресивлик – бу ҳужум қилмоқ тушунчасини беради. Агресивлик шахснинг табиатида ёки вужудга келган вазиятта нисбатан муносабат сифатида намоён бўлади. Шахснинг табиатидаги агресивлик нормага айланган бўлади. Уларни атрофдагилар ғашига тегади, ўч олиш пайдада юради, салбий вазиятни вужудга оширган натижалари билан ички қониш ҳосил қиласи. Агресив шахс ҳаётда ўз қобилияти ва имкониятлари даражасида муваффакиятга эриша олмайди. Аммо, агресивлиги мутлоко йўқ инсонлардан раҳбар - шахс чиқмайди.

Вазиятдаги агресивлик ишдаги ноҳуш ҳолат ёки шахсга нисбатан адолатсизлик муносабати оқибатида ички исён сифатида вужудга келади. Бундай шахслар ўз эҳтиросларини жиловлай оладиган типлар турига киради.

### 3. Эгоизм (худбинлик) кўриниши.

Лотин тилида "эгоизм" "мен" тушунчасини беради. Эгоист ўз мақсадларини бошқалар манфаатидан устун кўрадиган, мақсадлари йўлида ҳар қандай восита ва амалларни ишга соладиган шахсга нисбатан айтилади. Эгоизмнинг ҳар қандай кўриниши конфликтоген натижаларида бўлган эришади. Муваффакиятларни ўзининг номидан хисобот йўл билан эришади. Муваффакиятларни зиннага юклайди. Бундай қиласи, масъулиятни бошқалар зиннага юклайди.

адолатсизлик табиийки, ихтилофларни келтириб чиқариш манбааси бўлиб хизмат қиласди.

#### 4. Тартиб-коидани бузиш.

Жамоанинг ички тартиб-коидаларига риоя қилмаслик, шу тариқа бошқалар меҳнати ва шаънини ҳурмат қилмаслик, ишламай маош олиш, имтиёзга эга бўлиш, ходимларни менсимаслик каби қатор иллатлар ихтилофларни келтириб чиқаради.

#### 5. Ноҳуш шароит тақозоси.

Инсон ҳаётидаги етишмовчилик, оилавий муаммолар, ишдаги, бизнесдаги муваффақиятсизликлар, ҳоҳиш-истакларни рўёбга чиқара олмаслик, берган ваъдаларни бажара олмаслик, кутимаган ва фавкулодда ўзгаришлар каби шароитлар ихтилофли вазиятни вужудга келтиради<sup>130</sup>.

Низо, зиддият ва ихтилофлар бошқарувда раҳбар ва ходимлар ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг ёмонлашувига олиб келадиган ҳолатдир. Биз фикр юритмоқчи бўлган мавзу бу – бошқарувдаги низолар ва уларни бартараф этиш механизмларидир. Аслида масалани “бошқарувдаги зиддиятлар” ёки “бошқарувдаги ихтилофлар” ҳам дейиш мумкин. Лекин масаланинг ахлоқий ечимларини “бошқарувдаги низолар” деб олиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Бошқарув жараённида низо эса – бу раҳбар, ишчи ва бошқа ходимлар ўртасида муайян масалаларни ҳал қилишда томонларнинг ўзаро бир ечимга кела олмаганилиги туфайли вужудга келадиган вазиятдир. Низоли вазиятлар қўйидаги сабабларга кўра вужудга келиши мумкин:

- меҳнатни ташкил қилишда камчиликлар;
- ҳақ тўлашнинг такомиллаштирилмагани;
- ёмон меҳнат шароитлари;
- меҳнат ҳақидаги қониқарсиз савияси;
- раҳбарликнинг қониқарсиз пастлиги;
- ўзаро муносабатлар маданиятининг пастлиги.

Бошқарувда жамоа аъзолари орасида низоларнинг кўпчилиги қўйидаги сабаблар туфайли содир бўлади:

<sup>130</sup> Кошевая И.П., Канке А.А. Профессиональная этика и психология делового общения.–Москва: ИД «ФОРУМ»: ИНФРА-М. 2009. –С.229

- ресурсларни таксимлашдаги адолатсизлик;
- вазифаларнинг ўзаро боғликлigi;
- мақсадлардаги ҳар хиллик;
- эркинлик, мустакиллик ва ўзаро қадрни билишдаги ҳар хиллик;
- манманлик, қайсарлик;
- коммуникация – ўзаро алоқанинг қониқарсизлиги<sup>131</sup>.

Низоларни ҳал қилиш тажрибасида муҳим услубий ҳолат шуки, ўз ривожланишида низо бир неча боскичлардан ўтади. Биринчи боскичда шахснинг ахлоқий-рухий дунёси яхлитлик ва уйғунлик ҳолатида меъёрий-хукукий далолатномаларнинг самарадорлигига, раҳбар қарорларининг асослилигига, ижтимоий тартиблар адолатлилигига шубха қилмайди.

Иккинчи боскичда мувозанат бузилиши юз беради, руҳий ноқулайлик пайдо бўлади. Шубҳа ва иккиланишлар, фикрга қўшилмаслик, инкор, танқидий қарашлар пайдо бўлади. Ушбу ички шахсий кечинмалар бошдан кечирилаётган низони касбий фаолиятга, фукаролар билан ҳамкаслар ҳамда яқин инсонлар билан муносабатларга олиб ўтади; касбий ва шахсий аҳамиятта эга қарорлар қабул қилишни тўхтатиб қўяди.

Учинчи боскичда ўз йўлини танлаш ва оддий ҳаёт фаолиятига қайтиш юз беради. Хизматчи ўз-ўзи билан уйғунликда бўлмаса, тўлақонли яшаб, фаолият юрита олмайди; ўзи рози бўлмаган қарорларни бажара олмайди; ўзи ҳурмат қилмаган идорага хизмат кила олмайди ва ҳоказо<sup>132</sup>.

Низолар раҳбарнинг хиссиятлари соҳасига салбий таъсир кўрсатади, бу эса маънавий бекарорлик, хавотирланиш, стресс, тушкунликка тушиш, ҳатто касал бўлиб қолишгача олиб келади<sup>133</sup>. Буларнинг бари касбий фаолият сифатини пасайтиради. Масаланинг моҳиятини очища устоз Т.Алимардоновнинг фикрлари ўринлидир. “Низо шундай ҳолатки, ундаги муаммоли вазиятдан чиқиши

<sup>131</sup> <http://www.examen.ru/add/manual/school-subjects/social-sciences/economics/osnovyi-menedzhmenta/ rukovodstvo-i-liderstvo>

<sup>132</sup> <http://www.examen.ru/add/manual/school-subjects/social-sciences/economics/osnovyi-menedzhmenta/ rukovodstvo-i-liderstvo>

<sup>133</sup> Смирнова О.Ю. Моральный конфликт. // Духовная культура. Материалы докладов IVтой межвузовской конференции по теории и методике преподавания психологии в высшей школе. Нижний Новгород: «Вектор Т и С», 1999. –С.67-69

ахтариш кучли шахсий кечинмаларга олиб келади ва бунда фаолият субъекти ўзаро бир-бирини мустасно этувчи хулқ шаклидан бирини танлашга рўпара қилинади”<sup>134</sup>.

Шундай қилиб, низо шундай ҳолатки, ундаги муаммоли вазиятдан чиқишни ахтариш кучли шахсий кечинмаларга олиб келади ва бунда фаолият субъекти ўзаро бир-бирини мустасно этувчи хулқ шаклидан бирини танлашга рўпара қилинади, кенг маънода эса – икки ахлоқий қадриялардан бирини танлаш керак бўлади.

Низолар юзага келишини бир қанча омиллар гурухи таъминлайди:

- раҳбар шахснинг ахлоқий қадриялари, меъёр ва идеаллари тизимининг кўп ўлчамлилиги;
- шахсий ва жамоатчилик манфаатларининг, хизмат ва фуқаровий бурчнинг, индивидуал истак ва эҳтиёжларнинг бир-бирига тўғри келмаслиги;
- ўз-ўзини идентификация қилувчи ва баҳоловчи таърифларнинг раҳбар кадрларга бериладиган стандарт баҳолаш билан номутаносиблиги<sup>135</sup>.

Бошқарув тизимида низолар юзага келишининг асосий сабабларидан бири унинг ижтимоий институт сифатидаги хусусиятлари ва ичидаги муносабатлари характеристи билан боғлиқ. Бошқарув кадрларининг давлат талаблари ва меъёrlарига мослашуви кўп ҳолларда анча мураккаб низолар билан бирга кечади. Маълумки, ижтимоий тажрибанинг маҳсус тури сифатидаги раҳбарлик фаолияти умуммиллий манфаатларни таъминлаб беришга йўналтирилган ва катта ахлоқий жавобгарликка боғлиқ. Ижтимоий аҳамиятга эга қарорлар қабул қилиш учун ҳокимият ва жавобгарликнинг бир ерга жамланиши нуқтасида ахлоқий танлов жараёни мураккаблашади ва бунинг оқибатида низолар кўплайди. Раҳбарлик фаолиятида низони бошдан кечириш бир гурух ўзига хос омиллар орқали юзага келиши мумкин.

*Биринчидан*, низоларнинг юзага келиши сабаби – раҳбар кадрларнинг фуқаролар ва ҳокимиятнинг турли миқёслари орасида

<sup>134</sup> Алимарданов Т. Раҳбарнинг ахлоқий киёфаси. –Тошкент: Ўзбекистон файласуфлари милий жамияти нашриёти, 2010. –Б.77

<sup>135</sup> <http://kak-bog.ru/metody-razresheniya-konfliktov>

эгаллаган зиддиятли ҳолатиди. Бу раҳбар элита-сиёсий хошишини амалга ошираётган ижтимоий институт сифатидаги раҳбарлик меҳнати ва давлат хукмрон ваколатларининг бирламчи манбаси ва бирламчи субъекти бўлган халқ орасидаги доимий тафовутни тақозо киласи.

*Иккинчидан*, бошқарув тизимида бошлиқ ва унинг қўл остидаги ходимлар орасидаги муносабатлар уларнинг меъёрий мавқеи нуқтаи назаридан сезиларли фарқ билан белгиланади. Бошқарув соҳасидаги раҳбар кўпгина ваколат ва ҳокимиятга эга, қўл остидагилар эса хар доим ҳам ўз хукукларини, ахлоқий фазилатлар ва ахлоқий идеалларини ҳимоя қилиш имкониятiga эга эмас.

Учинчидан, низолар вужудга келишининг сабаби бўлиб, раҳбар кадрларнинг ижтимоий-касбий ва ўз тақдирини ўзи белгилаш жараёнларининг зиддиятлари юзага келади. Аниқ ижтимоий тадқиқотлар натижаси шуни кўрсатадики, кўпчилик раҳбарларнинг онгидаги жамият учун мухим давлат бошқаруви вазифаларини амалга ошираётган амалдорнинг меъёрий (мажбурий) модели ва ҳақиқатдаги уларнинг мутаассиб вазифалари мазмуни орасидаги зиддиятлар; юқори ахлоқий-баҳоловчи қарашлар ва уларнинг кундалик иш фаолиятида кераксизлигини тушуниш орасида зиддиятлар мавжуд.

*Тўртинчидан*, низолар раҳбар шахснинг ролига оид муносабатларнинг кўп поғонали тизимига асосланади. У бир вақтнинг ўзида бир неча ролда чиқади: амалдор шахс сифатида, жамоат арбоби, раҳбар, ёлланма ишчи ҳамда хусусий шахс, шахс, фуқаро<sup>136</sup>.

Раҳбарларнинг ижтимоий мавқеидан келиб чиқсан низолар мавжудлиги ҳақида уларнинг қоникиш даражасига кўра баҳолаш мумкин:

- 1) иш билан;
- 2) ойлик иш ҳаки билан;
- 3) касбий тайёргарлигининг эгаллаб турган лавозими вазифаларига мослиги билан.

<sup>136</sup> Брежнева, Анна Павловна. Автореферат диссертации на тему: Моральный конфликт в сфере государственной службы. Москва, 2000.

Бутунги кунда низо оқибатларини аниқлаш учун турли ёндашувлар мавжуд. Баъзилар фикрича, низо кўпроқ салбий оқибатларга олиб келади ва ундан иложи борича узокроқ юриш зарур. Бошқалар эса, хар қандай ижтимоий тизим қарама-каршиликларга тўла, шу сабабли низолар муқаррар ва улар нафақат салбий, балки ривожланишга туртки бўладиган ижобий рол ҳам ўйнаши мумкин, дейди.

Юкорида айтилганларнинг барчасини асосли равишда низоларга ҳам тегишли дейиш мумкин, фақат низо оқибатларини баҳолаш ўта аниқ ва субъектив характерга эга. Бошқарув соҳасида низолар роли биринчи навбатда уларнинг раҳбар шахснинг ривожланишига қилган таъсирига кўра баҳоланади.

Низолар юзага келиши қандай салбий оқибатларга олиб келишини кўриб чиқайлик:

- низолар раҳбарнинг ҳиссиётлари соҳасига салбий таъсир кўрсатади, бу эса маънавий бекарорлик, хавотирланиш, стресс, тушкунликка тушиш, ҳатто касал бўлиб қолишгача олиб келади. Буларнинг бари касбий фаолият сифатини пасайтиради;

- низолар раҳбарнинг ҳамкаслари, дўстлари, яқин одамлари билан шахсий ўзаро муносабатлар тизимини бузиши мумкин. Ёндашувлар, қарашлар, қадриятларда юз берган қарама-каршиликларнинг ушбу қарашлар ташувчисига айланиши шахсий ўзаро муносабатлар тизимини бузилишига олиб келади. Бундан ташқари, инсон томонидан бошдан кечирилаётган стресс доимо низони кузатиб келади ва кўпчиликка ўхшамаган ҳиссий реакция шаклида атрофдагиларга таъсир қилиш хусусиятига эга;

- низолар раҳбарнинг қадриятлар тизимига салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Ўтири келишмовчиликлар давлат ва жамоатчилик қадриятларидан кўнгли қолишига,adolatga ва ўз кучига ишончни йўқотишга олиб келиши мумкин. Турли шиорлардаги идеал ҳаёт ва реал масалалардаги ҳақиқат орасидаги фарқни қўрган раҳбар бундай вазиятни яхши томонга ўзгартира олишига бўлган ишончни йўқотади. Шундай қилиб, низоларнинг

юзага келиши шахс ахлоқий тажрибасида салбий ижтимоий тажриба мустаҳкамланишига сабаб бўлади<sup>137</sup>.

Шу билан бирга, низо раҳбар шахси учун ижобий оқибатларга эга бўлиши ҳам мумкин. Ўзининг конструктив кўринишида у раҳбарни ижтимоийлаштириш ва мослаштириш вазифасини бажаради;

- низо шахснинг шаклланиш жараёнида муҳим аҳамиятта эга. Уни бошдан кечириш ва ҳал килиш давомида шахснинг қадриятлари сайқаллашади. Тадқиқотчилар бир неча маротаба таъқидлаганларидек, низолар шахснинг ўзига бўлган ишончини кучайтиради, тобелик ва яроксизлик хиссидан кутилишга ёрдам беради. Низо шахснинг креатив имкониятларини рағбатлантириб, барча кучларини сафарбар килишга ёрдам беради;

- низо шахсий тажриба соҳасини сезиларли даражада кенгайтиради. Ўз-ўзини англаш вазифасини бажаради, ўзини вазиятта мувофиқ баҳолаш имкониятини беради. Бундан ташқари, низонинг юзага келиши бошқа одамларни яхшироқ тушунишга ёрдам беради;

- низоларнинг юзага келиши зиддиятлар (шахс қадриятлари тизимида, фаолиятни ташкиллаштиришда, ижтимоий тизимда ва ҳоказо) мавжудлигидан дарак беради. Шу билан бирга, ахлоқий тангликтининг ҳал қилиниши профилактик аҳамиятга эга, чунки у келажакда қилинадиган ишларнинг синалган алгоритмини намоён қиласиди<sup>138</sup>.

Юкорида кўрсатилган низолар юзага келишининг ҳам салбий, ҳам ижобий оқибатлари бу ходисанинг мураккаб табиати ҳакида маълум қиласиди.

Низолар юзага келиши муқаррарлиги ва қонуният эканлиги уни бартараф этиш йўллари ҳақидаги масалани кун тартибидан олиб ташломайди. Низоларни тартибга келтириш муаммосида энг муҳими унинг деструктив оқибатларига йўл кўймасликлариди.

Шундай қилиб, раҳбарлик фаолиятининг энг муҳим жиҳатларидан бири – бу бошқарувда низоларни бартараф этишдан

<sup>137</sup> Брежнева, Ана Павловна. Автореферат диссертации на тему: Моральный конфликт в сфере государственной службы. Москва: 2000

<sup>138</sup> Басенко В. П., Жуков Б. М., Романов А. А.. Организационное поведение: современные аспекты трудовых отношений. –Москва, 2009. –С.126

кўра уни келтириб чиқариши мумкин бўлган вазият ва омилларни аниклаш ҳисобланади. Зоро, можаро ва зиддиятлар жамоада муносабатлар бузилиши носоғлом мухит шаклланишига сабаб бўлсада, уни тўлиқ бартараф этишга ҳаракат қилиш ҳам мақсадга мувофиқ эмас.

**Биринчидан**, инсонлар ўртасида зиддиятлар табиий хусусиятга эга.

**Иккинчидан**, мавхум сукунат ва турғунликдан кўра, можаро ва зиддиятлар ўткир, баъзан муросасиз баҳсларга, мунозара даражасида йўл кўйиб беришнинг ижобий томонлари бор.

Чунончи, бундай ҳолатда эскилиқ ўрнига янги ҳолат ёки ижодий ва самарали мухит вужудга келиши мумкин. Бунда мухолиф таклиф ва ечимлар, турли фикр, нуқтаи назарлар аникланади. Агар у фақат шахсий манфаатлар қобигида бўлса, ундай зиддиятнинг ижобий тарафи нисбий кўриниш касб этади. Аммо, унугмаслик керакки, низоларнинг келиб чиқиш сабабларида шахсий манфаатлар ҳам ётади. Чунки ходим ўзига мақбул бўлмаган ходиса ва вазият билан келиша олмайди. Мақбуллик эса унинг ахлоқий тарбияси ва маънавий дунёси даражаси билан белгиланади. Масаланинг эътибор бериш лозим бўлган жиҳати, ходимнинг манфаатлари умумий манфаатларга қанчалик мос бўлишидан келиб чиқиш керак. Айни пайтда, манфаатлар умумий мақсадларга мос келганда ҳам бошқа бир зиддиятнинг келиб чиқишидан огоҳ бўлиш керак.

Низоларни куч билан бостириш унинг вақtingчалик йўқолишига олиб келади. Аммо муаммо яна кўтарилиш имкониятини сақлаб қолади. Маймурый куч ишлатиш орқали кейинги ҳолатларда унинг маърифий ечимларини топиш йўлидан бориб ниҳоялаш талаб этилади. Низоларнинг ечилмаслиги ундан-да кучли можароларни келтириб чиқаради. Ходимлар ўртасида кўролмаслик ва ўзаро душманлик кайфияти кучайиб боради.

Юқоридаги фикрларимиздан келиб чиқиб, низо ва ихтилофларни бартараф этиш бўйича куйидаги тавсияларни илгари сурамиз:

-раҳбар ўз топшириқларини аниқ тушунарли, муддатли ва манзилли қилиб етказиши лозим;

-берилган топшириқ мантиқан асосли, ижро этиш имконияти мавжуд ва умумманфаатли бўлиши зарур;

-масаланинг низо ва ихтилофга олиб келиш эҳтимоли ортиб борса, унда талофатсиз, янги қарор қабул қилишга эришиш керак;

-низо ва ихтилофга олиб келган ҳолатда ўзаро манфаатли ечимлардан фойдаланиш;

-низоли ва ихтилофли ҳолатларда структуравий ўзгартиришлар киритиш;

-низо ва ихтилофларни маъмурӣ куч ишлатиш усули билан ҳал этиш;

-низо ва ихтилофларни ҳамкорлик қилиш орқали бартараф этиш;

-низо ва ихтилофларни муроса йўли билан ҳал этиш;


-ихтилофли томоннинг консенсус асосида бартараф этиш.

Бошқарувда низоларни бартараф этишнинг методологиясини куйидаги жадвалда ўз аксини топган.

Низоларни ҳал қилиш усуллари	
Тузилмавий усул	Ўзаро мулокот усули
1. Ишга бўлган талабларни тушунтириш. Бунда раҳбар ходимлардан қандай натижалар кутаётганигини ва жамоанинг аниқ мақсадларини тўғри тушунтиради.	1. Низоли вазиятлардан қочиш, яни раҳбар зиддиятларга, келишмовчилкларга олиб келиши мумкин бўлган вазиятлардан сакланади.
2. Мувофиклаштирувчи ва интеграцион механизmlар. Мазкур механизм кенг таркалган усуллардан бири бўлиб, жамоаавий алокадор муносабатларни ифода этади. Яъни, низовий вазиятларни бошқаришда яхлитлик тамойиллари асосида амалга оширилади. Чунончи, ходим кимга буйсунишни аниқ тасаввур килади. Интеграцион механизmlар асосини бошқарув иерархияси ташкил қилади. Улар хизматлар оралигидаги бўлимларнинг бир-бирига буйсунган функционал тақсимланган вазифаларини ташкил	2. Вазиятни юмшатиш. Раҳбар мазкур зиддиятларнинг ахамияти мухим эмаслигини кўрсатади ва бу ҳолат бўйича ташвишга тушмаслик кераклигини уқтиради.

килади. Бу масала ташкилотда аниқ ташкил этилган субординация демакдир.	
<b>3. Жамоанинг умумий мақсадлари.</b> Раҳбар ходимларга низо ва зиддиятларга олиб келган барча ходисаларнинг умумий мақсадга йўналтирилганлигини айтиши лозим.	<b>3. Мажбураш.</b> Мазкур усулдан фойдаланган раҳбар ходимларнинг фикри билан қизикмайди, ўз нуктаи назарининг бошқалар томонидан қабул қилинишига мажбур қиласди. У ходимларнинг ташаббусини сўндиради, натижада эътиrozларнинг келиб чиқишига сабаб бўлади.
<b>4. Рағбатлантириш усули.</b> Корхона, ташкилот ва муассаса мақсадларини амалга оширишда ташаббус кўрсатётган ходимларни рағбатлантириш лозим. Унинг учун барчага шаффоф ва бир хил манфаатдаги рағбатлантириш тизимини ишлаб чиқиш керак.	<b>4. Муросавийлик.</b> Бу усул бошқа тарафнинг нуктаи назарини ўз ичига олади. Низо тезда бартараф этилади, аммо бу муаммо ён босиш билан ҳал этилса объектив тўғри талқин қилишга ва ижобий хулосалар чиқаришга тўскинлик қилиши мумкин.
	<b>5. Муаммони ечиш.</b> Раҳбар муаммони ҳал этишининг энг оптимал мүқобил усулини топиши, барча фикрларни ҳисобга олиши, зиддиятларнинг сабабларини тушуниши ва низолашаётган барча томонларга маъкул бўлган ечимни топишига ҳаракат қилиши лозим.

Бошқарувда низоларни бартараф этишда тузилмавий методнинг мувофиқлаштирувчи ва интеграцион механизmlари мухим аҳамиятга эга. Чунки жамоада келиб чиқиши мумкин бўлган низоларнинг аксарияти субординациянинг бузилиши оқибатида юз беради. Куйидаги жадвалда акс эттирилганидек, раҳбар бўлим бошлиғига эмас, балки тўғридан-тўғри ходимга ёки аксинча ҳолларда хизмат муносабатларининг ўрнатилиши натижасида низоли вазиятлар юз беради. Бундай вазиятларда хизмат субординацияси – “раҳбар-бўлим бошлиғи-ходим” тамойилининг тўғри ташкил этилиши низоларни бартараф этишининг энг мухим механизми сифатида қараемиз.



### 1-расм

Хулоса қилиб айтганда, жамоада яхлит организмни ташкил этиш, ижобий ҳамкорликни таъминлаш, ходимлар манфаатларини уйғунлаштириш, албатта, осон иш эмас. Бунга сабаб, одамларнинг турли руҳияти, характеристи, истак-ҳошишлар, майллари, эҳтиёжлариdir.

Юкорида кўриб чиққанимиздек, раҳбар ходимларга тегишли топширик ва кўрсатмалар беришда уларнинг ўзига хос хусусиятларини инобатга олмаса, меҳнат самарадорлиги, натижавийлиги пасаяди. Мабодо раҳбар бир топширик ижроси учун турли типдаги ходимларни жалб қиласа, унда ихтилоф келиб чиқиши тайин. Шунинг учун раҳбар нафакат топширик бериши, унинг ижросини таъминлашдаги ҳар бир ходимнинг салоҳиятидан келиб чиқиб, вазифасини белгилаб берса, унда самарали натижка кутилади деб хисоблаймиз.

### 3.3. Раҳбар ва ходим муносабатларида мулоқот мезонлари: муаммо ва ечимлар

Мустакиллик йилларида “янги давлат барпо этишда миллий ва умуминсоний қадрияллар руҳида тарбияланган, мамлакатимизни модернизация қилиш ва замонавий демократик жамият куриш йўлидаги мураккаб ва кенг кўламли вазифаларни ҳал этишга қодир

ва ҳал құлувчи ақамиятга эга"<sup>139</sup> бўлиб қолди. Шуни инобатта олиб, "давлат хизматчиларининг касбий тайёргарлик, моддий ва ѹқтимоий таъминот даражасини ошириш ... орқали давлат бошқаруви ва давлат хизмати тизимини ислоҳ қилиш"<sup>140</sup> заруряти ортиб бормоқда. Шунуктани назардан, раҳбар кадрларни тайёрлаш тизимини такомиллаштиришнинг янгича ёндашувлари татбиқ этилмоқда.

Дастлабки қадам “Ўзбекистон ёшлар иттифоқи давлат ва жамият учун раҳбар кадрларни тайёрлаб берадиган ўзига хос марказ бўлиши, замонавий тилда айтадиган бўлсак, ёшлар учун “социал лифт” вазифасини бажарилишига қаратилган янги тизим жорий этилди. У билимли, ташаббускор ва ташкилотчи, фидойи ёш раҳбарларнинг кадрлар захирасини яратишга қаратилмоқда”<sup>141</sup>. Зоро “мамлакатимизда олиб борилаётган ислоҳотлар самараси авваламбор юксак маънавиятли, мустақил фикрлайдиган, Ватанимиз тақдирни ва истиқболи учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир ёш кадрлар сафини кенгайтиришга бевосита боғлиқ”<sup>142</sup> эканлиги таъкидлаб ўтилди. Шу нуқтаи назардан янги тузилган Ёшлар иттифоқи хузурнида ёш раҳбарларни тайёрлаш институти таъсис этилди.

Шу жиҳатдан олиб қараганда юксак маънавиятти, мустақил фикрлайдиган, ҳалқ билан мулоқот қилиш ва унинг манфаатларини химоя этишдек эзгу амалларни бажаришда мулоқот раҳбар ахлоқининг муҳим қисмидир. Унинг ўзига хос хусусиятлари минглаб йиллар давомида, гўзаллик, интизом ва ақл ҳамкорлигига ишлаб чиқилган. Шунинг учун меъёр, назокат, хушумомалалиқ, камтарлик каби хислатлар ҳаммага, ҳар қандай вазиятда қўл келади. Ҳар бир миллат ижтимоий, миллий, тарихий қадриятларидан келиб чиққан ҳолда мулоқот талабларига ўз улушларини кўшган, шу жиҳатдан инсонлараро мулоқот ижтимоий муносабатлар сифатида майдонга чиқади. Мулоқот “мураккаб назокат қоидаларида акс этади, ижтимоий-синфий табақа вакиллари, мансабдорлар билан қандай муомала қилиш кераклигини аниқ белгилаб беради”<sup>143</sup> Боникарунда

<sup>139</sup> Каримов И.А. Ўзбекистоннинг 16 йиллик мустаҳ.  
<sup>140</sup> [http://lex.uz/pages/getpage.aspx?lact\\_id=3107036](http://lex.uz/pages/getpage.aspx?lact_id=3107036).

<sup>145</sup> Мирзбек Ш.М. Милий таражиёт йўлмасини қатъият билан давом эттириб. янги босқинга иштавори. Ташкент: Ўзбекистон, 2017.-Б. 520.

<sup>142</sup> Мирзиёев Ш.М. Конституция – эрики ва фарзони.

<sup>142</sup> Мирзиеев Ш.М. Конституция – эркни ва фаронов хәйтимиз, мамлакатнимизни янада тарафдан этипирининг мустаҳкам пойсворидири. – Ташкент: Узбекистон конституцияси, 2018. – Б. 22.

<sup>143</sup> Йүлдошева М. Муваффакият калити. –Тошкент: Янги аср авлоди. 2004. –Б. 7  
116

кадрларнинг режаларини билиш, тўғри баҳолай олиш, шунингдек, билимлари ва хатти-харакатларини баҳолаш мулокотнинг тўғри ташкил этилишига боғлиқ. Мулокотнинг тўғри йўлга кўйилиши биринчидан, ташкилотнинг кучлилигини таъминлашга катта ёрдам беради, иккинчидан раҳбарга номуносиб иллатларнинг юзага келишига чек кўйиб, бошқаришни осонлаштиради. Мулокот харакат, туйғу, фикр-мулоҳаза, ички кечинмаларни ўзгалар билан ўткоқлашишини ҳам ифодалайди. У шахс фазилатлари, хусусиятлари ва қобилияtlарини намоён қиласди. Бошқарувда эса бу ниҳоятда катта аҳамият касб этади. Бошқарувчи ходимининг режаларини билгандан сўнгтина у билан тил топишиб ишлай олиши мумкин. Баъзан жамоада иш шароити яхши, режалар мукаммал, мутахассислар кучли бўлиб, мулокот ходимнинг талаблари ва эҳтиёжларига мувофиқ келмаслиги мумкин. Бундай холатларда масаланинг ечимини топища бошқарувчи ҳал қилувчи роль ўйнайди.

Хозирги даврда мулокотда раҳбар эътибор қаратиши керак бўлган жихат бу ходимларнинг рухиятидир. Мулокот, савол-жавоблар давомида раҳбар ўз ходимларининг дунёкараши, мақсад-режалари, ходим нималарни кўзлаётганлиги, қизиқишлари, яшаш шароити, оиласвий муҳити, характеристи, билим даражаси ва ундан фойдалана олиш кобилияти кабиларга ҳам алоҳида эътибор қаратиши, ҳеч бир нарсани назардан қочирмаслиги талаб этилади. Чунки бугунги кунда кадрларнинг ташаббускорлигини шу кабилар белгилайди.

Раҳбар кузатиб бориши керак бўлган мухим жихатлардан яна бири кадрларнинг интилувчанлиги масаласидир ва бунга факат раҳбарнинг ижобий мулоқотигина турткы беради. Ходимларнинг иш фаолияти ташкилот режаларининг амалга ошиши учун хизмат килмоғи, хизматчининг бажарган иши ташкилотда маълум бир янгилик сифатида акс этиши керак. Бундай вазиятда ташкилотда доимий равишда тадрижий ривожланиш жараёни юзага келади. Ана шуни эътиборга олиб, раҳбар ихтиносликлар, лавозимлар доирасида, ҳар бири билан алоҳида, ўзига хос тарзда мулоқот олиб бориши керак. Бу мулоқот давомида кўриладиган масала ўша доирада фаолият кўрсатаётган ҳар бир хизматчининг ташкилот тараккиётидаги роли, қашфиётчилик даражаси ва ҳоказоларга

қаратилса меҳнат самарадорлигини янада ошириш мумкин. Япония ўзининг бугунги тараққиётини мактабларда, ташкilot, корхоналарда тарғибот шаклида йўлга кўйилган ана шундай мулоқотлар, тушунтиришлар, ундашлардан олгани ҳаммамизга мълум. Бу тушунтириш ва тарғиботлар етаклаган ишлар келажакда муносиб рағбатлантирилиши одамларга яхши мълум бўлгач, тез орада қашф этиш, янгилик яратиш, улар орасида мусобака тусини олди. Энди нафақат яшаш, балки яхши яшаш учун кураш вужудга келди ва бу ҳолат ҳар бир қишининг илмий қобилияти, кучини тўла намоён қилишига имконият яратди. Ҳар бир шахснинг у қайси ишда фаолият кўрсатмасин, янгилик яратиб боришига интилишини кундаклик эҳтиёжга айлантириди.

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти И.Каримов ўз нуткларидан бирида таъкидлаганидек, ҳамманинг ўз ўрнида ўтириб ишлашига эришишимиз керак, деганда худди ана шу инсонга хос мулоқотдан ўз ўрнида фойдалана олишимиз лозим, деган маъно келиб чиқишини ҳеч қайси раҳбар унутмаслиги керак<sup>144</sup>.

Мулоқот – бу икки ёки ундан ортиқ одамларнинг ўз муносабатларини ўрнатиши, тиклаши ва умумий мақсадга эришишга қаратилган келишуви, бирлашувидир. Мулоқот оммавий, шахсий, касбий, диалог ва монолог усусларида ташкил этилади.

Раҳбар мулоқоти ва уни ташкил этишининг назарий асослари раҳбаршунослик соҳасида долзарб муаммолар қаторига киради. Зеро, бозор иқтисоди, турли мулкчилик шаклларининг пайдо бўлиши, дунёқарашнинг ўзгариши раҳбар ва ходим муносабатларининг маънавий масъуллик даражасини ҳамда унинг мезонларини ўзгартириб келмоқда. Раҳбарликнинг тоталитар услублари, маъмурий бошқарув услуби ўрнига маърифий жамоа мулоқоти ва унинг ўзаро хукукий мажбуриятларини ташкил этиш эҳтиёжларини талаб қилмоқда. Бунда топшириқ, кўрсатма, буйруқ бериш, умумий мақсадларга қаратилган ташкилий вазифалар билан бирга раҳбарнинг жамоага таъсир кўрсатиши ва ходимларнинг ўзаро муносабатда бўлиши каби психологик қарама-қарши ҳусусиятлар мавжудки, уларни тартиба солища ахлоқий меъёрларни ташкил этиш муҳим

хисобланади. Яъни, раҳбар мълум вазифаларни ташкилий жихатдан таъминлаш учун мутахассислик салоҳиятидан ташқари ахлоқий қадриятларга амал қилиши орқали жамоани муайян мақсад йўлида бирлаштира олиши лозим бўлади.

Шундай экан, бугун бундай заруратни амалга ошириш борасида қандай назарий тавсиялар мавжуд? Раҳбарлик мулоқотини ташкил этишининг миллий ҳусусиятлари ва амалий тажрибалари умумлаштирилган илмий изланишларга қанчалик эътибор қаратилмоқда? Мазкур муаммоларнинг айрим жихатларини очишига харакат киласиз.

Раҳбар мулоқотида ахлоқий нормаларга амал қилиши ва ундан оқилона фойдаланиш жамоада вужудга келиши мумкин бўлган муаммоларни бартараф этиш имкониятини беради. Ахлоқий нормалар раҳбарнинг жамоа мақсади ва вазифаларини аниқ белгилай карамасдан ходимларга нисбатан талабчанлиги, барчага бир хил муносабатда бўлиши, ишда адолат ва ҳакикат тамойилларига суюниши, ходимларни хурмат қилиши, керак ҳолларда жойига қўя олиши, меҳнатига қараб рағбатлантириши, ташаббус уйготиши, ходимларни ҳакорат қилмасдан, зугум ўтказмасдан сафарбар кила олиши каби фазилатларида намоён бўлади.

Биринчидан, раҳбар ўзининг мақсад ва ниятларини очик-ошкора ва эзгу ниятлар билан билдиришга интилиши тавсия этилади. Шу очик руҳиятни ходимлар хис қилиши, унга ишониши раҳбарнинг дастлабки ютуғи хисобланади. Аммо бу тавсияни барча раҳбар бирдек бажаришга ҳаракат қилмайдилар. Чунки маданий даражаси ва ходимларга бўлган муносабати турлича. Айримлари очик, бири худбин, бикик, яна бири ўта жиддий. Аммо раҳбарлик функциясига, аввало ходимларнинг қандай маданий даражада бўлишидан катъи назар, одил ва ошкора муносабатда бўлиш вазифаси юкланган. Ваҳоланки, раҳбарликнинг юки ва бирламчи вазифаси ҳам ходимлар мушкулини осон қилишга қаратилган. Бу вазифани унутган раҳбар ўз вазифасини англамайдиган раҳбарлар тоифасига киради.

Иккинчидан, муносабат ва мулоқотларда илиқлиқ ва эзгулик аломатлари сезилиб туриши лозим. Раҳбар эзгулик билан ҳам

<sup>144</sup> Каримов И.А. Миллий истиқтол, иқтисод, сиймат, мағкура. –Тошкент: Ўзбекистон, 1996. Т-1. –Б.276.

